

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
SAMARQAND DAVLAT UNIVERSITETI

Ijtimoiy-iqtisodiyot fakulteti

Iqtisodiyot va mehnat sotsiologiyasi kafedrası

Demografiya: Mehnat iqtisodiyoti mutaxassisligi bo'yicha

DISSERTATSIYA ISHI

” Bozor iqtisodiyoti sharoitida qishloq yoshlari ishsizligini kamaytirishning ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmi”

Bajardi: Sultonova Sitora.

Ilmiy rahbar: dots. Bozorov B.U.

SAMARQAND – 2017

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ

I-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ ИШСИЗЛИГИНИ КАМАЙТИРИШНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Жаҳон иқтисодий инқироз таъсирида қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва хусусиятлари

1.2. Ёшлар ишсизлигини камайтиришни ижтимоий-иқтисодий механизмининг мазмуни ва таркиби

1.3. Қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтириш механизмининг асосий мезонлари ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари

II-БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ ИШСИЗЛИГИНИ КАМАЙТИРИШ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА ОМИЛЛАРИ

2.1. Қишлоқ меҳнат бозорида ёшларга бўлган талаб ва таклиф нисбатларини аниқлаш

2.2. Қишлоқ ёшлари ўртасида ишсизлик кўрсаткичларини таҳлил этиш

2.3. Қишлоқ ёшлари ишсизлигининг ижтимоий ва иқтисодий сабабларини социологик баҳолаш

III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ВА УЛАР ЎРТАСИДА ИШСИЗЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Қишлоқ ёшлари иш билан бандлигини таъминлаш инфратузилмасини ривожлантириш

3.2. Қишлоқ ёшларини меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш йўллари

3.3. Қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш йўналишлари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида амалга ошириб келаётган ислохотларнинг олдида турган долзарб муаммолардан бири – бу такомиллашган меҳнат бозорини шакллантириш ва унинг самарали амал қилишини таъминлаш ҳисобланади. Республикамизда ижтимоий жиҳатдан етарли даражада ҳимоя қилинмаган ёшлар орасида ишсизлар сони салмоқли миқдорга эга бўлмоқда. Бундай ҳолат меҳнат бозорида ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уларнинг ишсизлигини камайтиришнинг самарали усуллари ва механизмларини тадқиқ этишни талаб қилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Қишлоқ жойларидаги мавжуд инфратузилмани яна бир бор танқидий баҳолаб, уни кенгайтириш бўйича қўшимча маблағ ва имкониятлар топиш зарур. Бу қишлоқларда аҳолини айниқса, ёшларнинг бандлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири эканини унутмаслигимиз даркор”¹. Шунингдек, “аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш 2011 йил ва яқин истиқболда мамлакатимизни мувоффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида уствор йўналиши ва ҳеч муболағасиз энг муҳим шартидир”². Шундай экан ёшлар ишсизлиги муаммолари жаҳоннинг барча

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкнрози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этиш йўллари ва чоралари.- Т.: “Ўзбекистон”, 2009. –б. 44.

² Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мулжалланган энг муҳим уствор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Ўзбекистон овози. 2011 йил 22 январ сони.

мамлакатлари сингари мамлакатимизда ҳам асосий ижтимоий масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолиси ёш жиҳатидан анча ёш ҳисобланади, меҳнат ресурслари таркибига кириб келувчилар, яъни меҳнат қобилияти ёшига келиб қўшилувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Бунинг асосий сабаби собиқ Иттифок даврида ва мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида республикаимизда аҳолини тез суръатлар билан кўпайиши натижасида ҳозирги кунга келиб, демографик босимнинг ортишига олиб келди. Оқибатда ёшларни, айниқса, қишлоқ ёшларининг ишсизлигини камайтириш ва уларнинг иш билан бандлигини таъминлашда жиддий муаммоларни вужудга келтирмоқда. Қишлоқ ёшлари ўртасида ишсизликни камайтириш, уларнинг меҳнат бозоридаги ҳатти-ҳаракати қатор жиддий ижтимоий-иқтисодий ечимини кутаётган масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон аҳолиси таркибида ёшларнинг салмоғи юқори эканлиги билан ажралиб туради. Меҳнат бозорида ёшларнинг иш билан бандлиги ва уларни касбга тайёрлаш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги глобаллашув шароитида дунёнинг барча мамлакатларида ёшлар орасида ишсизликнинг юқори даражада эканлиги кутилмоқда. Бугунги кунда ёшлар меҳнат бозорини тартибга солиш ва қишлоқда ишсизликни ва аввало 30 ёшгача бўлган шахслар орасида бартараф этиш масалалари етарлича ўрганилмаган. Шу муносабат билан биз томонимиздан ўтказилган тадқиқотлар қуйидагиларни тасдиқлашга имкон беради, яъни қишлоқ ёшлари ишсизлиги даражасининг юқори бўлиши кўпроқ ишчи кучини дастлабки касбга тайёрлаш тизими (шу жумладан, касбга йўналтириш)ни такомиллашмаганлиги, уларни ишга жойлашишининг паст даражаси ва оператив эмаслиги, иш берувчиларга ёш кадрлар учун иш ўринларини таҳлил қилиш ва сақлаб қолишга ҳамда яратишга моддий рағбат ва имтиёзлар йўқлиги, қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини ривожланмаганлиги, ёшларда малака

етишмаслиги, меҳнат бозори инфратузилмасининг яхши ривожланмаганлиги; истиқболда иш билан бандликни ривожлантириш бўйича илмий жиҳатдан асосланган дастурларнинг ишлаб чиқилмаганлиги билан белгиланади.

Меҳнат бозорида қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришни таъминловчи омиллардан бири, уларнинг билим даражаси ва касбий-малакасини ошириш ҳамда меҳнатни диверсификациялаш билан боғлиқ ноқишлоқ иш ўринларини яратиш, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги ҳисобланади. Қишлоқ ёшларининг иш билан бандлигига кўмаклашиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларини амалга ошириш, уларнинг ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш меҳнат бозорида қишлоқ ёшларига меҳнатни диверсификациялаш асосида талабни рағбатлантириш ҳамда чуқур таҳлил ва тадқиқ этиш натижасида уларнинг иш билан бандлиги даражасини ошириш бўйича тегишли илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда меҳнат бозорида қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизми ва усулларини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилишнинг зарурлиги диссертация мавзусининг алоҳида долзарблигини ифодалайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнат бозори, ишсизлик ва аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларининг фундаментал тадқиқотиغا: Д. Кейнс, Р. Самуэлсон, А. Оукен, Р. Кемпбелл, К. Янаш, А.Фишер каби хорижий етакчи олимларнинг илмий ишлари бағишланган. Бу тадқиқотлар бозор муносабатларини ривожлантириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш босқичида бўлган мамлакатлар меҳнат бозоридаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг умумий муаммоларини урганиш учун назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Иқтисодиёт фанининг бу соҳадаги муаммоларини ўрганишга

МДХ мамлакатлари олимларидан М.Г.Колосницина, Л.А.Костин, С.А.Кузьмин, И.С.Маслова, О.В.Ромашов, А.И.Рофе, Г.Г.Руденко, Г.Э.Слезингер, Ю.М.Остапенко, С.Ю.Рощин, Т.О.Разумова кабилар муносиб ҳисса қўшганлар. Мазкур муаммолар тадқиқотига ўзбекистонлик олимлардан Абдурахмонов Қ.Х., Зайнутдинов Ш.Н, Убайдуллаева Р.А, Холмўминов Ш.Р, Хўжаев Н., Холмуратов С. ва бошқа олимларнинг илмий ишлари бағишланган.

Бу илмий изланишларда меҳнат бозорининг моҳияти, ижтимоий-иқтисодий мазмуни, унинг шаклланиши, аҳолининг иш билан бандлиги, ишсизлик сабаблари ва уни камайтириш йўналишлари тўла очиб берилган. Лекин уларда қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий – иқтисодий механизмлари ва уларни такомиллаштириш тадқиқот объекти сифатида етарлича тадқиқ этилмаган. Бу муаммонинг бозор муносабатларини ривожлантириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида аҳамиятлилиги тўлиқ тадқиқ этилмаганлиги диссертация мавзусининг долзарблиги, унинг мақсади ва асосий вазифаларини тўғри аниқлашга имкон яратади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Меҳнат иқтисодиёти ва аҳолишунослик» кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасига муфовиқ келади ҳамда “Касаначиликнинг ривожланиши – иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида Ўзбекистонда иш билан бандлик тузулмаларини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши сифатида” ОТ-Ф7-093 фундаментал илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади – иқтисодиётни диверсификациялаш жараёнларида республикамиз қишлоқ ёшларининг ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмининг назарий асосларини ишлаб чиқариш асосида қишлоқ ёшларининг иш билан бандлигини ошириш юзасидан илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Қишлоқ ёшлари ишсизлигини тадқиқ

этишнинг муҳимлиги алоҳида аҳамият касб этиб, қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги **асосий вазифалар** белгилаб олинди:

- жаҳон иқтисодий инқироз таъсирида қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш;
- ёшлар ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизми шакллари, элементлари, воситалари ва усулларини аниқлаш;
- қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтириш механизмининг асосий мезонлари ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;
- Самарқанд вилояти қишлоқ меҳнат бозорида ёшларга бўлган талаб ва таклиф нисбатларини аниқлаш ҳамда таҳлил этиш;
- қишлоқ ёшлари ўртасида ишсизлик кўрсаткичларини алоҳида мазмуни ва хусусиятларига қараб таснифлаш ва таҳлил этиш;
- қишлоқ ёшлари ишсизлигининг ижтимоий ва иқтисодий сабабларини социологик баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш;
- қишлоқ ёшлари иш билан бандлигини таъминлаш инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари ва механизмларини аниқлаш;
- қишлоқ ёшларини меҳнат бозоридаги рақобатбардошлилигини ошириш йўллари аниқлаш;
- қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш ва оқилона иш билан бандлигини таъминлаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотлар объекти – Самарқанд вилояти қишлоқ ёшларининг ишсизлик ҳолати.

Тадқиқот предмети – меҳнат бозорида қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари: Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиёти ривожланишига оид асарлари, меҳнат бозори, аҳолининг иш билан бандлиги, мақсадли комплекс дастурлар, социологик тадқиқотлар юзасидан хорижий ҳамда ватанимиз олимларининг олиб борган илмий ишлари хизмат қилди.

Диссертацияни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг бозор иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришга оид фармонлари ва қарорларидан фойдаланилди.

Тадқиқот ишида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, давлат статистика қўмитаси ва уларнинг Самарқанд вилоятидаги ҳудудий бошқармаларининг ҳамда иш билан бандликка кўмаклашиш марказларининг ахборотлари манба бўлиб хизмат қилди.

Мазкур ишда қуйидаги **усуллардан** фойдаланилди: иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик ёндашув, иқтисодий-статистик таҳлил, таққослаш, социологик сўров, танлаб кузатиш, комплекс баҳолаш, қиёсий ва солиштирма таҳлил, гуруҳлаш усуллари.

Диссертация ишининг илмий янгиликлари. Тадқиқот ишининг илмий янгиликларини ифодаловчи натижалар қуйидагилардан иборат:

- жаҳон иқтисодий инқироз таъсирида қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва хусусиятлари илмий-назарий жиҳатдан асосланди;
- ёшлар ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизми шакллари, элементлари, воситалари ва усуллари аниқланди;
- қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтириш механизмининг асосий мезонлари ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ишлаб чиқилди;

- қишлоқ ёшлари ўртасида ишсизлик кўрсаткичлари алоҳида мазмуни ва хусусиятларига қараб таснифланди;
- қишлоқ ёшлари ишсизлигининг ижтимоий ва иқтисодий сабабларини социологик баҳолаш методикаси ишлаб чиқилди;
- қишлоқ ёшлари иш билан бандлигини таъминлаш инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари ва механизмлари аниқланди;
- қишлоқ ёшларини меҳнат бозоридаги рақобатбардошлилигини ошириш йўллари аниқланди;
- қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш ва оқилона иш билан бандлигини таъминлаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг илмий ва амалий натижалари бўлиб, қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг концептуал асослари ва йўналишлари ҳисобланади. Тадқиқотдаги назарий хулосалар, илмий ва амалий тавсияларни ҳудудий меҳнат бозорлари, туман иш билан бандликка кўмаклашиш марказлари фаолиятини такомиллаштириш, маҳаллий ҳокимият органлари, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, ҳудудий ёшлар меҳнат бозорида қишлоқ ёшларига бўлган талаб ва таклифни мувофиқлаштириш юзасидан самарали тадбирларни ишлаб чиқишда ҳамда қарорлар қабул қилишда амалиётга жорий этиш мумкин. Шунингдек иқтисодиёт йўналишидаги ўқув муассасаларида “Меҳнат иқтисодиёти”, “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси”, “Меҳнат бозори иқтисодиёти”, “Персонални бошқариш”, “Инсон ресурслари иқтисодиёти ” фанларини ўқитишда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган айрим таклиф ва тавсиялар Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармасининг (Маълумотнома №03/170, 15.02.2006 й.) амалий фаолиятида ҳамда Самарқанд Давлат университетининг (Маълумотнома №1084-01, 21.12.2005 й.) ўқув жараёни ва амалий машғулотлар ўтказишда жорий этиш учун қабул қилинган.

Натижаларни синовдан ўтказиш. Ушбу диссертацион тадқиқот мазмуни қуйидаги мавзулар бўйича хорижий ва республика илмий конференцияларида: “Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг минтақавий муаммолари” (Фарғона, 2000), “Аҳолининг турмуш даражасини кўтариш ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтириш йўллари ва воситалари” (Самарқанд, 2002), “Ижтимоий ҳимоя ва бандлик” (Самарқанд, 2005), “Международный молодежный научный Форум “Ломоносов 2005”” (Москва, 2005), Ўн саккизинчи ва ўн тўққизинчи Плеханов ўқишлари (Москва, 2005-2006 гг.) га бағишланган семинарларда муҳокама қилинган ва мақуллашган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг таҳлилий натижалари ва асосий йўналишлари --та мақолада, шундан -- таси журналда ва -- таси тезисда акс эттирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. У --- варақда ёритилган бўлиб, -- та жадвал, -- та расм, -- та формула ва - - та иловани ўзида мужассамлаштирилган.

I-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ ИШСИЗЛИГИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсири даврида қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий- иқтисодий моҳияти

Иқтисодий инқироз таъсири даврида ишсизлик бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлиб, у салбий ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ҳисобланади, чунки ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)да иш кучини тўлиқ фойдалана олмасликка олиб келади ва ижтимоий, деградациялашиш (завол топиши) хавфини кўчайтиради. Бу ёшларнинг меҳнат салоҳиятидан фойдаланишга кўпроқ салбий таъсир кўрсатади.

Яхши маълумки, ҳар бир мамлакатнинг меҳнат бозоридаги аҳвол, биринчи навбатда, унинг иқтисодиётига бевосита боғлиқдир. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, айниқса, меҳнат бозорига чуқур салбий таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши ишсизлик даражасини ҳаддан ташқари ортишига олиб келди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини мамлакатимиз меҳнат бозорида ҳам кузатиш мумкин. Жаҳон бозоридаги товарлар ва хизматларга бўлган талабнинг пасайиб бориши маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналаримизни экспорт кўламига жиддий таъсир кўрсатади, хусусан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига инқирознинг салбий оқибатлари бу тармоқда корхоналар хўжалик-молия кўрсаткичларининг пасайиши билан бирга мавжуд иш ўринларининг қисқариш эҳтимолини кўчайтирмақда. Бу эса қишлоқ

жойларда ёшларнинг ишсизлиги ва уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоларини юзага келтирмоқда.

Маълумки, жамиятнинг иқтисодий тараққиёти ва инсон салоҳияти ривожлантириш бевосита ишсизлик билан боғлиқ, ишсизлик муаммоларини иш билан бандликни таъминлашга боғлиқдир.

Хорижий ва маҳаллий адабиётлар, ҳамда меъёрий ҳужжатларда “ишсизлик” тушунчасига турлича талқин этилган.

Муаммога соф иқтисодий жиҳатдан қараганда ишсизлик – мамлакат аҳолисининг меҳнат қилишга қодир бўлган ва меҳнат қилишни истайдиган, ҳар бир аниқ пайтда сони кўпроқ ёки камроқ бўладиган муайян миқдордаги қисмининг иш билан таъминланмаганлигидир.

Халқаро меҳнат статистикаси билан шуғулланувчи мутахассислар ишсизликка берилган таърифни ҳисобга оладиган бўлсак, унда ишсизларга¹:

- а) ишга эга бўлмаганлар;
- б) ишлашни истайдиганлар;
- в) иш излаш истагида бўлган шахслар қиради.

Кўпгина ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий статистика маълумотларига кўра, ишсизлар сирасига ва иш билан банд деган мақом бериш учун ўтказилган сўровлар пайтида иш билан банд бўлмаганлар гуруҳига ишдан бўшагандан сўнг тўрт ҳафта мобайнида иш топишга уринган ва меҳнат биржасида рўйхатдан ўтган шахслар киритилади.

Японияда ишсиз шахс деб, сўнгги бир ҳафта давомида бир соат ҳам ишламаган, Буюк Британияда эса, сўнгги бир ҳафта мобайнида ишламаган, шу давр мобайнида иш қидирган ёки касаллиги туфайли иш қидириш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар тушунилади. Айрим мамлакатларнинг қонун

¹ Одегов Ю.Г., Руденко Г.Г., Бабыника Л.С. Экономика труда: Учебник. В 2т. Т2.-М.: Издательство “Альфа-Пресс”, 2007. -С 303-341.

хужжатларига биноан, ишсиз деб, ишдан бўшатиш ва меҳнат стажига эга бўлганлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунига биноан ишсиз шахс деб, меҳнатга қобилиятли (ўн олти ёшдан бошлаб, то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олгунга қадар), ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар эътироф этилади¹.

Ишсизлик замонавий меҳнат бозорининг характерли хусусияти ва ажралмас қисмидир. У меҳнатга қобилиятли ёшдаги шахслар учун (уларнинг малакалари даражаси, касбий имкониятлари ва истакларига мувофиқ) ишни топиш мумкин эмаслиги билан изоҳланади ва бундан ташқари, ишчи кучига талабни етишмаслиги ва бир вақтда унинг таклифини ошиб кетиши билан асосланади. Ушбу масала бўйича илмий асарларнинг таҳлили шундай хулоса қилишга имкон берадики, ишсизлик муаммоси, шу жумладан, қишлоқ хўжалигидаги ишсизлик У.Петти, А. Смит, Д.Рекардо, Ж.Б.Сей, Ф. Кент, П.Э.Шлендер² каби машҳур олимларнинг асарларида ўзининг кенг ифодасини топган. Ишсизликни салбий ижтимоий – иқтисодий ҳодиса сифатида таърифлаб туриб, улар бу ҳодисани вужудга келтирувчи у ёки бу сабабларини кўрсатадилар. Аммо уларнинг асосий фундаментал тадқиқотлари қишлоқ аҳолисининг ортиқча ўсиши ва меҳнат бозоридаги рақобат (27, 489-б, 83, 404-332б), ишчи кучига талабни ўзгариши ва қишлоқ хўжалигидаги ҳосилсизлик (51, 11-б), машина ишлаб чиқарилишини тадбиқ этилиши ва иш ҳақини ўсиши (141, 26-34 б), ер эгаларини хонавайрон бўлиши ва қишлоқ хўжалиги ишлаб

¹ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Олий ўқув юрлари учун дарслик.–Т.: “Меҳнат”, 2009.-б.

² Экономика труда: учебник.-2-сизд., перераб. И доп./под ред.проф.Ю.П.Кокина, проф.П.Э.Шлендера.- М.:Магистр, 2010.-113с.

чиқаришининг мавсумийлиги (51, 49 ва 246 б) каби муаммоларни ўрганишга бағишланган.

Ҳозирги кунда МДХ ва хориж олимлари ҳам мажбурий иш билан банд бўлмасликка ҳар хил маънода қарайдилар ва ишсизлик хусусиятларини турлича изоҳлайдилар. Бунга нисбатан, иккита қарама-карши нуқтаи назар мавжуд. Биринчиси шундан иборатки, ишсизликка белгиланган доирада йўл қўйилади ва ҳатто баъзи бир маънода ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва меҳнат самарадорлиги учун зарурдир (С.Фишер, Р.Дорнбуш, А.Кетлер). Иккинчи нуқтаи назарга кўра, ишсизлик салбий ижтимоий-иқтисодий ҳодисадир. Шунинг учун унинг даражаси ва давомийлигини, хусусан, давлат томонидан тартибга солиш воситаси асосида доимий равишда пасайтирилиши керак.

Бизнинг фикримизча, ишсизликнинг юқори бўлмаган даражасининг мавжудлиги ишчи кучининг сифат параметрларини такомиллаштиришга таъсир кўрсатади, меҳнат бозорида рақобатни ўсиши эса қонуний равишда ходимлар кўнимсизлиги пасайиши ва меҳнат унумдорлигини ўсишига олиб келади. Шу билан бирга аниқ соҳадаги ёки умуман минтақадаги ишсизлик кўлами шундай бўлиши керакки, ҳаммадан аввал аҳолининг ички миллий даромад ҳажмини пасайиши ва жамиятда ижтимоий борқарорликни ўсишига йўл қўймаслиги керак. Бу гуруҳларга асосан республикамизда ҳудудий табақаланиш бўйича қишлоқ ёшлари ишсизлигининг иқтисодиётни эркинлаштириш ва қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитларида миқдорий жиҳатдан ўсиш тенденциясига эгадир. Бу ўзининг моддий ва ижтимоий ҳолатидан қаноатланмаган шахслар, яъни ёлғиз кишилар ва ногиронлар, нафақахурлар ва кўп болалилар ҳамда кун кечириш учун зарур миқдордан пастроқ даромадга эга шахсларни ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшларни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда ишсизликнинг ижтимоий йўл кўйиладиган даражаси иқтисодий фаол аҳоли сонидан 3-6% гача доирасида деб ҳисоблашга мойиллар¹. Бу ишсизликнинг табиий меъёри бир томондан, меҳнат ресурсларидан самаралироқ фойдаланишга, бошқа томондан эса иқтисодиёт ва жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан мутаносиб ривожланишига, яъни мавжуд иқтисодий потенциалдан самарали фойдаланишга имкон беради.

Кўпгина ғарбий Европалик ва америкалик иқтисодчилар ўзларининг асарларида таъкидлайдиларки, ишсизлик ва ҳаммадан аввал ёшларнинг ишсизлиги нафақат ҳар қандай мамлакатнинг миллий иқтисодиётига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, балки энг аввало ижтимоий муаммоларни вужудга келтиради². Масалан, АҚШдаги Ж.Толскин номли университет олимлари тадқиқотлари маълумотларига кўра ишсизлик даражаси 1% га ошганда қотилликлар сони 4,1% га махбуслар сони 5,7% га ўсади. Яшаш эса 14 марта хавфлироқ бўлади. Россиялик олимлар ҳам худди шундай далиллар келтирган, яъни уларнинг маълумотларига кўра ишсизликни 15% га ўсиши минтақада содир этилган оғир жиноятлар сонини 10000 киши ҳисобига 150 кишига кўпайтиради, бунинг устига уларнинг асосий улуши 30 ёшга кирмаган шахслар ҳиссасига тўғри келади³.

Қишлоқ хўжалигида ишсизликни мавжуд бўлиши аҳолининг максимал гуруҳини миқдорий ўсиши ҳисобланган ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан таназзулига, жиноятчиликни ўсишига, ичкиликвозликка, гиёҳванликка ва ҳар хил қонунбузарликка олиб келади. Ниҳоят салбий ижтимоий соҳалари билан

¹ Экономика труда: учебник.-2-изд., перераб. И доп./под ред.проф.Ю.П.Кокина, проф.П.Э.Шлендера.- М.:Магистр, 2010.-119с.

² Макконнелл К.Р., Брю С.Л.Экономикс: принципы, проблемы, политика: Пер.с англ.-М.: Республика. 1992.- 399с., Мэнкью Н.Г.Макроэкономика: Пер. С англ.-М.: МГУ, 1994.-736с., Фишер С., Дорнбуш Р., Гумалензи Р. Экономика.-М.: Дело ЛТД. 1993. -854с.

³ Карпухин Ю. Безработица, преступность:реальность, современные проблемы и пути их решения// Вопросы статистики. 1995. -№12.-С.65-67.

уларнинг яқинлари ва танишлари, дўстлари ва бутунлай бегона одамлар ҳам ишсиз қолишининг доимий психологик босими остида бўладилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишсизликнинг салбий самараси вужудга келган бозор хўжалигига нисбатан сезиларлироқдир, чунки иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ишсизларни моддий қўллаб-қувватлаш тизими ўзининг шаклланиши босқичида бўлади ва шунинг учун самарасиздир. Молиявий ресурсларни етишмаслиги ишсизлик бўйича нафақани мақбул даражада кун кечириш учун зарур миқдор даражасига яқинроқ ушлаб туришга имкон бермайди.


Ҳозирги вақтда ишсизликни, хусусан, ёшларнинг ишсизлигини қандай тартибга солиш ва уни бартараф этишни изоҳловчи бир неча назариялар мавжуд. Бунда асосан иккита йўналиши ажратилади: кейнсиалистик ва макроиқтисодиётнинг давлат томонидан мажбурий банд бўлмасликни тартибга солишини кўзда тутувчи ва меҳнат бозори конъюктурасини тартибга солиш, шу жумладан иқтисодиётда давлатни чекланган аралашувини чекловчи янги классик синтез назарияси.

Ҳозирги замон иқтисодчилари И.Шумптер, Ж.Гелбринг ва Я.Коррон ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай соҳасида иш билан бандликнинг самарадорлиги ва ишсизликни юмшатилиши аввало халқ хўжалигини мувофиқлаштирилганлиги ва мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръатларига боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Ўз навбатида П.Саверсон, В.Маттге, П.Хейке, П.Маккин, С.Фишерлар асосланган равишда исботлайдиларки, ишсизлик даражасини пасайишига, бундан ташқари давлатнинг кредитлар сиёсатини ривожланиши, нархлар ва иш ҳақи даражасини барқарорлашуви таъсир қилади (89,157,160)

МДХ ва мамлакатимиз олимлари иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ишсизликни юмшатиш бўйича ҳар хил тадбирларни таклиф этганлар. Масалан, асосий эътибор иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш,

хўжалик юритиш ва бошқариш ислохотларини амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг моддий соҳасига инвестицияларни кенгайтириш янги ва қўшимча иш жойларини ташкил қилишни рағбатлантириш, қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликни ривожлантириш (107, 108, 119, 148)

Кўпчилик иқтисодий адабиётларни ўрганиш бизга ёшлар ишсизлиги асосий шакллари таснифлаш моделини таклиф қилиш имкониятини беради. У мазкур ижтимоий- иқтисодий ҳодисани қишлоқ жойига, шу жумладан агросаноат мажмуасида банд бўлганларга нисбатан қулланишга эга хусусиятларини тўлиқроқ акс эттиради (1.1- расм)



1.1-расм. ҚМБ ни ривожлантириш шароитларида ёшлар ишсизлигининг кўламлари ва асосий шакллари*.

*Муаллифнинг ишланмаси асосида тузилган.

Демак ишсизликни намоён бўлиши ва кўламларига кўра, очик ўз навбатида учта (фрикцион, таркибий – технологик, даврий турларидан иборат) ва яширин турларга ажратилади. Бунда аҳоли иш билан бандлигини таъминлаш давлат хизмати идораларида ишсизларнинг фақат кичик миқдордаги қисмигина рўйхатдан ўтади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ишсизларни фақат туртдан

бир қисмигина бандлик марказларига мурожаат қиладилар. Меҳнатгап лаёқатли равишда қидиришни афзал кўрадилар (ҳақиқий ишсизлик деб аталувчи, унинг даражаси ХМТ методикаси бўйича белгиланади ва расмий руйхатдан ўтганлардан камида 3-4 марта ошиб кетади).

Бизнинг фикримизча очик ишсизлик ихтиёрий ва мажбурий турларга бўлинади, улардан ҳар бири ўзининг фарқланувчи хусусиятларига эга. Масалан, ихтиёрий ишсизлик шу ҳолат билан таърифланадики, ёш меҳнатга қобилиятли шахсларни муайян қисми ишлашни (баъзида эса ўқишни ҳам) истамайди ва бунинг учун ҳеч қандай ҳаракат қилмайди.

Мажбурий ишсизликка келсак, ҳозирги вақтда унинг даражаси умуман меҳнатга қобилиятли шахсларнинг барча қилган категорияларига қараганда ёшлар орасида юқоридир. Бу ҳолат жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари сингари Ўзбекистонга ҳам тегишлидир. Бунда ёшлар учун авваломбор фрикцион ишсизлик характерлидир. Янги иш жойини қидириш билан асосланган, масалан, ўқишни тугатиш ёки малакасини ўзгартириш муносабати билан фаолиятини бир турини бошқаси билан алмаштиришда қисқа муддатли давомийлик унинг асосий белгиси ҳисобланади.

Бундан ташқари асосан иқтисодиёт тармоқлари модернизациялаш жараёнига хос бўлган ишлаб чиқаришдаги таркибий-технологик ишсизликни асослаб беради. У узокроқ давом этиб, кўпгина ҳолларда корхоналар ва ташкилотлардан ишчи кучини озод бўлиши жараёни билан боғлиқдир. Даврий ишсизлик эса тўлиқ иқтисодий даврни пасайиши билан белгиланади ва ўзининг намоён бўлиши шакли ва ижтимоий оқибатларига кўра салбийроқ бўлади.

Ишсизликнинг кўрсатиб ўтилган очик шаклидан фарқли равишда унинг яширин шакли банд бўлганлиги кучи орасида корхоналар маъмурияти томонидан муддатсиз таътилга, шунингдек иш ҳақи сақланиб қолмасдан жўнатилган шахслар мавжудлигини кўзда тутаяди ва уларнинг меҳнат салоҳиятидан фойдаланилмаганлиги билан таърифланади.

Яширин ишсизлик иш қидираётганларнинг ҳолатини характерлайди, лекин¹:

а) иш жойи қониқарли бўлмаган ва бошқа жойдан асосий ва қўшимча иш қидирувчилар;

б) иш берувчининг талабига биноан ишдан кетиш эҳтимоли ошганда ва бошқа сабабларга кўра ишлаш сифати қониқарли бўлмаганда, бошқа иш излашга тайёр ва иш излаётганлар;

в) тўлиқ бўлмаган иш кунда иш билан банд бўлишлик ва меҳнат ҳақиға мос келмаган тарзда меҳнат таътилига чиқиш, бошқа иш излашга тайёр ва иш излаётганларни ўз ичига олади.

Яширин ишсизлик даражасини аниқлашда ташкилот бошқарувчилари, иш билан бандлик хизмати мутахассислари, олимлар махсус сўровлар ўтказилади.

Иқтисодий инқироз таъсирида ишсизликни ортиши натижасида меҳнат бозорида қишлоқ ёшлари ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида номуносибликни юзага келтиради. Бу ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига таъсир кўрсатиб қолмасдан, шунингдек иш билан банд ёшлар ўртасида яширин ишсизликнинг ортиши ҳамда унинг ҳудудларнинг иқтисодий тармоқлари бўйича табақаланишини кўчайиши каби иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб келади (1.1-расм). Шу билан бирга қишлоқ меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи ортиқча бўлганлиги ёшларнинг меҳнат баҳоси пасайишида ўз ифодасини топади.

Ҳар бир жамиятда ишсизлик доимо иқтисодий ва ижтимоий йўқотиш ва хатарлар билан боғлиқ бўлади. Жамиятнинг иқтисодий йўқотишлари ишлаб чиқарилмаган товар ва кўрсатилмаган хизматлар қийматлари ошиши, давлат

¹ Рофе А.И. Экономика труда: учебник/А.И.Рофе.-М.: КНОРУС, 2010- 177-178с.

бюджетига солиқ тушимлари қисқариши, ишсизлик нафақасига кетадиган харажатлар кўпайиши билан изоҳланади.

Ижтимоий йўқотишларга аҳолининг маълум бир табақалари турмуш даражаси пасайиши, улар орасида касалликлар, моддий жиҳатдан кам таъминланган оилалар кўпайиши ва ҳоказолар киради.



1.2-расм. Қишлоқ ёшлари ишсизлигини юзага келтирувчи оқибатлар*.

*Муаллифнинг ишланмаси асосида тузилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли иш билан бандлиги ва мавжуд ишсизлик ҳолатига ижтимоий, иқтисодий ташкилий ва институционал омиллар, демографик омиллар билан биргаликда таъсир кўрсатади (1.2–расм). Улар орасида демографик омилнинг ўзгариб бориши глобал муаммо бўлиб, у кўп жиҳатдан жамиятнинг ҳолати ва ривожланишини белгилайди.

Демографик жараёнлар мамлакат ва унинг ҳудудларида аҳоли сони, унинг табиий ўсиши, меҳнат ресурслари ҳамда иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли миқдорига бевосита таъсир кўрсатувчи энг муҳим омиллардан биридир.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида МДҲ мамлакатлари аҳолиси сони анча камайган Беларус, Россия, Украина ва Қозоғистон каби мамлакатлардан фарқли ўларок, Ўзбекистонда аҳоли сони маълум даражада ошиб бормоқда. Бу ўз навбатида Ўзбекистонда аҳолининг туғилиш даражаси ўсиб бораётганлиги билан характерланмоқда. Ўзбекистон статистика маълумотларига қараганда охириги беш йил ичида аҳолининг йиллик ўсиш даражаси ўртача 1,2% ни ташкил этмоқда. Биргина 2009 йилнинг ўзида туғилган болалар сони 603,7 минг тани ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 47,8 мингдан ортиқ бўлиб, туғилиш коэффициентини 20,9 дан 22,4 промиллега оширди.¹

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қумитасининг маълумотлари.



1.3–расм. Ёшлар ишсизлигини камайтиришдаги тўсиқлар*.

*Муаллифнинг ишланмаси асосида тузилган.

Аҳолининг бундай ўсиши мамлакатда янги иш жойларини тез суръатлар билан яратиш ва ёшларнинг ишсизлигини камайтиришдек муҳим муаммоларни ечимини топишни талаб этмоқда. Лекин бу борада жиддий маънавий–маърифий, иқтисодий ва ташкилий тўсиқлар мавжуд (1.3–расм).


Ишсизлик катта иқтисодий, молиявий, ижтимоий ва баъзан психологик харажатларга олиб келади. Иқтисодий харажатлар барча иқтисодий фаол аҳоли

банд бўлмаслиги оқибатида ЯИМ да ўз ифодасини топади. Молиявий харажатларга, биринчидан, ишсизларга ижтимоий ёрдам сифатида кетадиган харажатлар (нафақа ва моддий ёрдамнинг бошқа турлари, иш билан бандлик дастурини амалга оширишга), иккинчидан, давлат бюджетига тушмаган солиқлар суммаси орқали ҳисобланадиган харажатлар киради. 1981 йилда Буюк Британия молия вазирлиги томонидан олиб борилган ҳисоб-китобларга кўра, битта ишсиз учун қилинган харажат давлатга 3,4 минг фунтга тушган ҳамда давлатнинг барча молиявий харажатлари 9,8 млрд. фунтни ташкил этган.¹

Шунингдек, қишлоқ аҳолиси сонининг доимий ошиб бориши Ўзбекистонда демографик ривожланишнинг ўзига хос хусусиятидир. Айни қишлоқ аҳолиси республикамиз аҳолисининг учдан икки қисмини ташкил этиши табиий кўпайиш ва туғилиш билан боғлиқ ҳозирги кундаги “демографик босим” кучайишини намоён этмоқда. Бунда ҳозирги кунда меҳнат бозорида қишлоқ ёшларининг жами меҳнат ресурслари таркибида ҳиссаси ошиб бориши тенденциясининг мавжудлиги қишлоқ ёшлари ишчи кучига талабни ошириш ва ишчи кучи таклифини қисқартириш муаммосини юзага келтирмоқда.

Бугунги кунда республикамиз қишлоқ ёшларини ишсизлиги қўйидаги турларига кўра намоён бўлмоқда(1.4–расм).

¹ Economic progress Report. – London.:1981



1.4-расм. Қишлоқ жойларида ишсизлик турлари*.

*Муаллифнинг ишланмаси асосида тузилган

Қишлоқ жойларда ёшларни қуйидаги ишсизлик турлари кўпроқ учрайди:

- қишлоқ хўжалигида техник ва технологик қайта қуриш ва мулкчилик шакллариининг ўзгариши билан боғлиқ таркибий ишсизлик;
- яширин, бу асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари учун характерлидир ва бу ҳақиқий ишчи кучини камроқ миқдорда талаб қилади. Яширин ишсизлик ишлаб чиқаришнинг чуқур инқирози шароитида кархоналарда иш билан ортиқча бандликнинг сақланиб қолганлигидан далолат беради;
- мавсумий, маълум мавсумда иш билан бандликни таъминловчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш ҳамда тайёрлаш муддати билан асосланган. Мавсумий ишсизликнинг ҳажми ишчи

кучига бўлган талаб ва таклифнинг мавсумий омиллари баробар таъсир қилиши сифатида намоён бўлади.

Ишсизликнинг кўпайишига қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам бевосита таъсир ўтказади. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликни ошириш ва ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишини таъминлаш мақсадида ушбу тармоқда ҳам таркибий ўзгаришлар рўй берди. Чунки собиқ тузумда мерос бўлиб қолган жамоа хўжаликларида рентабеллик ва унумдорлик кўрсаткичлари паст даражада бўлиб, бу ҳолат ер ҳамда моддий ресурслардан кўр-кўрона фойдаланишнинг салбий оқибати эди. Шу билан бирга жамоа хўжаликлари яширин ишсизликнинг “уяси” ҳисобланиб, иш жойига эга бўлмаган меҳнатга муҳтож малакасиз аҳолини бригадаларга жалб қилиш орқали ишсизликка “барҳам берилган”. Айнан шу сабабли собиқ иттифоқда “ишсизлик” тушунчаси ишлатилмаган.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида таркибий ислоҳотлар натижасида яширин ишсизлик камайди, яъни мазкур тармоқдан малакасиз ортиқча ишчи кучи бўшатилади. Мазкур ҳолат натижасида таркибий ишсизлик купайди. Натижада қишлоқ хўжалигида иш билан банд бўлган ишчи кўчининг катта қисми ўз иш жойларини йўқотди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган 189,0 мингдан ортиқ фермер хўжаликларида жами 1,4 млнга яқин қишлоқ аҳолиси меҳнат қилаётган бўлиб, 1га фермер хўжалиги улушига 7,4 меҳнаткаш тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич ўтган 2008 йилга нисбатан 0,4% га камайган¹.

Мазкур камайиш фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигининг ошганлиги, натижада ишчи ўринларининг қисқариб бораётганлигидан далолат беради. Чунки, аввал қўл меҳнатида бажарилган ишлар энди замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарида амалга оширилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан мамлакатда

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

технологик ишсизликка ҳам ўз таъсирини ўтказди. Мазкур ҳолат ижтимоий ҳимояга муҳтож ва етарлича касб-малака маҳоратига эга бўлмаган қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш муаммосини кучайтирмоқда. Шунингдек, малакали ишчи кучини қадрсизланиши тенденциясининг вужудга келиши ҳам ёшлар меҳнат бозорининг характерли аломати ҳисобланиб, у иқтисодийнинг ишлаб чиқариш секторида энг арзон бўлиб қолмоқда ҳозирги вақтда ёш авлодга ижтимоий ва меҳнат фаолиятига нисбатан бефарқлик ҳосидир, чунки бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида у кўпроқ қадрсизланди.

Республикада ишсизликнинг вужудга келиши, унинг нисбатан юқори даражада сақланиб туриши ва аҳолининг иш билан бандлигидан иқтисодийнинг норасмий тармоғи улушининг ортиб боришига сабаб бўлган асосий муаммолардан бири сифатида мамлакатда ишчи кучига талаб ва таклифнинг сифат ва миқдор жиҳатидан номуносиблигини келтириш мумкин. Чунки, бугунги кунда ишсиз аҳолининг катта қисмини малакасиз ходимлар ва меҳнат бозорига биринчи марта чиқаётган ёшлар ташкил этмоқда.

1.2. Ёшлар ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмининг мазмуни ва таркиби


Республикада ижтимоий жиҳатдан самарали иқтисодий шакллантириш бўйича амалга ошириб келинаётган ислоҳатлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Мамлакатимизни ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида қишлоқ ёшларининг ишсизлигини камайтириш ва оқилона иш билан бандлигини таъминлаш муаммоси алоҳида аҳамиятга эга вазифа ҳисобланади. Бу асосан Ўзбекистон аҳолисининг таркибига кўра, ёшлар мамлакати қаторига кириши билан изоҳланади.

Ёшлар ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмининг мазмуни ва таркибини аниқлаш уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлган иш ўринлари билан таъминлаш, фаол иш билан бандлик сиёсатини амалга ошириш, меҳнат бозорида рақобатбардошлилигини ошириш ва касбий ҳаракатчанлагини таъминлаш ёшларга хос иш жойларини квоталаш, қишлоқ жойларида ноқишлоқ хўжалиги иш ўринларини яратиш каби тадбирларни амалга оширишни назарда тутди.

Ижтимоий-иқтисодий механизм объектив ижтимоий-иқтисодий қонунлар талабларига амал қилади, лекин давлатнинг ўзи ҳамда юридик ва жисмоний шахслар манфаатлари мувозанатини таъминлашга қаратилган субъектив ижтимоий-иқтисодий қонун-қоидалар талабларини ўз ичига олади. Умуман олганда, ижтимоий–иқтисодий механизм ўзида ижтимоий–иқтисодий кўрсаткичлар, дастаклар, воситалар, давлат ва маҳаллий бюджетларининг шаклланиши, қайта тақсимланиши ва сарфланишини таъминловчи услуб ва усулларни мужассамлаштиради.

Бизнингча, қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизми деганда, норматив актлар билан расмийлаштирилган, қишлоқ ишсиз ёшларининг ишсизлигини камайтириш ва уларнинг иш билан бандлик даражасини кўтаришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий қонун-қоидаларни ташкил этиш ва бир меъёردа ишлаши учун ижтимоий- иқтисодий усуллар, воситалар ва дастакларнинг мажмуаси тушунилади (1.5-расм).

Бозор иқтисодиётида булар давлат томонидан тартибга солувчи воситалар, ижтимоий-иқтисодий усуллар ва давлат институтлари орқали бошқарилади.



1.5-расм. Қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмнинг таркиби*.

*Муаллифнинг ишланмаси асосида тузилган

Чет эл тажрибасига кўра, иқтисодиёт барқарор ўсиши, ишсизлик бир меъёردа бўлиши, аҳоли турмуш даражасини ошириш учун бозор механизми билан бир қаторда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиб туриш керак. Бу эса бюджет, молия, фискал, пул-кредит механизмлари рационал равишда бирга ишлашини тақоза этади.

Ижтимоий-иқтисодий усуллар ўз ичига қишлоқ ишсиз ёшларининг ишсизлигини камайтириш ва уларни иш билан таъминлашнинг барча босқичларида прогнозлаш, режалаштириш, амалга ошириш, тартибга солиш ва уларнинг мониторинги назорати усул ва тамойилларини олади.

Қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтириш ижтимоий-иқтисодий механизмнинг воситалари орасида қўшимча яратилган иш жойларининг мавжуд бўлиши ва бўш иш жойлари мавжудлиги ҳақида маълумотни қишлоқ ишсиз ёшларига етиб бориши ҳамда ишсизлик нафақаси муҳим ўрин тутди. Яратилаётган иш ўринлари ҳақида маълумотни қишлоқ ишсиз ёшларига ўз вақтида етказиш ва ёшлар ҳақида тулиқ ва тўғри маълумотни иш берувчиларга ўз вақтида етказишни таъминлаш зарур. Ишсизлик нафақаси орқали қишлоқ ишсиз ёшларининг иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни моддий рағбатлантириш ҳамда тезроқ иш топишга ундаш мумкин. Лекин бизнинг фикримизча, ёшларга ишсизлик бўйича нафақаларни оддийгина тўлаш керак эмас. Швециянинг собиқ меҳнат вазири куйидагиларни таъкидлаган: “Ёшларга: мана сизга яшаш учун баъзи бир маблағлар, аммо биз сизнинг хизматларингизга муҳтож эмасмиз, дейишдан ёмони йўқ”¹³. Шунинг учун ёшларга нафақалар тўлашда эътиборни уларни касбий тайёрлаш ва малакаларини алмаштириш, ижтимоий фойдали фаолиятга жалб қилишга қаратилган бўлиши керак. Хорижда ёш ходимлар учун иш ўринларини ташкил қилаётган ва сақлаб қолаётган тадбиркорларга катта ёрдам пуллари берилиши тасодифий ҳол эмас.

¹³ Саруханов Э.Р. Управление занятостью населения.-СПб.: Изд-во УфЭ. 1993.-164с. 69 с

Имтиёзли кредитлар ва тўғри йўналтирилган солиқлар ҳам қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришда ва ёшларда тадбиркорлик иштиёқини кучайтиришда муҳим роль уйнайди.

Иқтисодий воситалар ўз ичига даромад ва харажатларни режалаштириш, шунингдек ишсизликни камайтириш тадбирларини амалга оширишда пул фондларини тўплаш усулларини олади.

Ижтимоий-иқтисодий воситалар қатор функцияларни бажаради. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилар:

- тартибга солувчи;
- қайта тақсимловчилик;
- рағбатлантирувчилик;
- мувофиқлаштирувчилик.

Ижтимоий-иқтисодий воситалар, албатта, маъмурий-ҳуқуқий воситалар билан биргаликда ишлаши лозим. Маъмурий-ҳуқуқий воситаларга республикада қабул қилинган барча ҳуқуқий ҳужжатлар, кодекслар, ижрочи органлар томонидан белгиланган меъёр ва стандартлар киради.

Хуллас, иқтисодиёт барқарор ўсишида ижтимоий-иқтисодий воситалар барча тизимлари қатта ўрин эгаллайди.

Қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмининг асосий тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади:

- умумийлик;
- очиклик;
- кўп томонламалик;
- таъминот турларининг турфа хиллиги;
- мувофиқлик.

Ишсиз ёшларни ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмини яратиш, авваламбор, ишсизларни моддий қўллаб-қувватлашга ва

иш билан таъминлашга сарфланадиган пул маблағларини шакллантириш ва сарфлаш, яъни молиявий муносабатларни тўғри ташкил қилиш зарурлиги билан белгиланади. Иқтисодий механизмнинг асосий мақсади пул фондлари энг рационал равишда тақсимланишини таъминлаш, мавжуд пул маблағларининг тушумлари ва ҳаражатлари ўртасида мувозанатга эришиш ҳисобланади. Шундай қилиб, мазкур масаланинг ечими прогнозлаш ва режалаштириш босқичидаёқ бошланади.

Қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий–иқтисодий механизмини шакллантириш қишлоқ меҳнат бозорини самарали ривожланишининг истикболли йўналишларидан бири ҳисобланади.

Рақобат ҳар қандай бозор механизмнинг таркибий қисми бўлиб, у кўп миқдорда мустақил харидорлар ва сотувчилардан иборат ишчи кучи мавжудлигини улар меҳнат бозорига бемалол киришлари ва уни тарқ этишлари мумкинлигини англади. Меҳнат бозоридаги рақобатбардошлик таклиф қилинаётган иш кучи сифатининг иш берувчи талабига мол келишидир.

Қишлоқ меҳнат бозорида камроқ рақобатбардош ижтимоий гуруҳ ҳисобланган қишлоқ ёшлари ишга жойлашишида бир қатор қийинчиликларга дуч келувчи кишилар бўлиб, уларнинг ишга жойлашувиغا асосан касбий кўникма ва маҳорати, малака даражасининг пастлиги, дастлабки (биринчи марта) меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни ишга жойлаштириш бўйича руҳий кўллаб-қувватланмаганлиги каби сабаблар тўсқинлик қилади. Шунинг учун қишлоқ ёшларининг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш бўйича турлича йўналишларда мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш зарур.

Республикада ҳозирги пайтда ҳам кадрларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, уларни сифат жиҳатидан такомиллаштириш энг долзарб муаммо бўлиб турибди. Бозор иқтисодиёти шароитида эса малакали ишчи кадрлар тайёрлаш, меҳнат салоҳиятини, сифат кўрсаткичларини жаҳон талабларига кўтариш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, қишлоқ хўжалигида ҳам охириги 10 йил

ичида ишчи кучи икки бараварга ўсишига қарамай, малакали ишчилар танқис, шу даврда уларнинг сони бор-йўғи 12 % га кўпайди, холос¹⁴.

Ваҳоланки, касб-ҳунар билим юртларини битирувчиларнинг деярли ярми қишлоқ хўжалиги тармоқлариги юборилади. Қишлоқ жойларида яшовчи туб миллатга мансуб ёшларнинг умум таълим ва касбкорлик тайёргарлиги сифати паст бўлишига қарамай улар кўпинча юксак профессионал мақомга даъво қилишни ҳам истамайдилар¹⁵.

Қишлоқ ёшлари шаҳардагилардан махсус ва касбкорлик билими жиҳатидан сезиларли даражада орқада қолмоқда. Аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишни давом эттирганлар шаҳар мактаблари битирувчиларининг 47-48, қишлоқ мактаблари битирувчиларининг атиги 32-33 фоизини ташкил қилади¹⁶

Қишлоқ мактаблари ҳозир ҳам ёшларнинг мавжуд ижодий имкониятларини тўлалигича очиб бермаяпти. Уларда битирувчиларга касб танлашлари учун мукамал шароитлар яратилмаган. Республикамизда бозор иқтисодиётининг ривожланиш босқичида қишлоқ жойларида ёшларнинг умумий маълумот даражасини ошириш зарур, чунки у меҳнат фаолиятини ўзгартиришга анча таъсир қилади.

Ёшларнинг ишсизлигига таъсир кўрсатадиган узоқ муддатли омил бўлиб, нафақат иш жойларининг мавжуд эмаслиги, балки таълим тизимида тайёрланаётган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш билан таркибий ўзгаришлар шароитида иқтисодиёт тармоқларидаги замонавий иш ўринларига талабнинг мувофиқлигини таъминлаш ҳисобланади.

Маълумки, жаҳон миқёсида кадрлар тайёрлаш ва уларни қайтадан ўқитиш халқаро фан-техника тараққиёти янгиликлари асосида олиб борилади.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

¹⁵ Нарзикулов Н.Р., Мухамедова О.Х., Боқиева И.А. Инсон ресурслари иқтисодиёти (ўқув қўлланма). – Т.: ТДИУ, 2004. – Б.118.

¹⁶ Уша ерда . -Б. 120.

Кадрлар бозорини ўрганувчи чет эл мутахассислар кеталогларнинг фикрича, қачонки ҳозирги замон шароитида мос илмий-амалий тажрибага эга бўлганлар жами ходимдар потенциалининг 20-30 фоизини ташкил этсагина, бозор иқтисодиёти ижобий самара бериши мумкин¹⁷.

Ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимда янги йўналиш бўлиб, иш берувчиларнинг талабларига мувофиқ мақсадли ўқитиш ва аниқ иш ўринлари бўйича алоҳида касбларга ўқитиш ҳисобланади.

Иш билан бандлик хизматида қайта ўқитиш тизими ривожланишининг мақсади уч томонлама муваффақиятли натижаларга эришишни таъминламоғи керак, яъни¹⁸:

- ишсизлар учун - меҳнат бозорида малакасини ошириш, қайта тайёргарликдан ўтиш орқали ўзининг рақобатбардошлигини таъминлаш;

- иш берувчилар учун – бир мунча мос келадиган, касбий тайёргарликка эга ишсизлар захирасидан мустақил равишда танлаш имкониятининг кенгайиши;

- иш билан бандлик хизмати учун – қайта тайёргарликдан ўтган ишсизлар ва уларни ёлловчи иш берувчилар ўртасида меҳнат шартномаларини тузиш бўйича мақбул натижаларга эришиш, бўш иш жойларини малакали кадрлар билан тўлдириш, иш жойига қабул қилинган ишчиларни узоқ муддатга мустаҳкамлигини таъминлаш, ишсизлик даражасининг камайиши ишсизликни давомийлигининг қисқариши, иш жойларини банд қилиш даражасининг ошишига эришишни таъминлашдан иборат.

Бизнинг фикримизча, меҳнат бозорида ёшларнинг хусусан, қишлоқ ёшларининг рақобатбардошлигини ва касбий ҳаракатчанлигини таъминлаш

¹⁷ Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З. Малакали аграр меҳнат бозорининг шаклланиши. -Т.: Фан, 2003. -Б. 10.

¹⁸ Арабов Н.У. меҳнат бозори инфратузилмасининг ривожланиши. Дисс.и.ф.н.-Т.: Ўзб.Р.ФА иқтисодиёт институти 2008. –Б. 84-85.

ҳамда улар ишсизлигининг давомийлигини қисқартириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

- қишлоқ ёшларини ишсизлигини камайтириш ва уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда улар ижросини таъминлаш;

- қишлоқ ёшларининг иш билан бандлигига ижтимоий-иқтисодий, тармоқ, ҳудудий ва демографик жараёнларнинг таъсири доимий мониторингини йўлга қўйиш ҳамда шу асосда кадрлар тайёрлаш ҳудудий дастурларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;

- туман ҳокимият органлари ва иш билан бандликка қўмаклашиш марказлари томонидан амалдаги қонунчилик базаси асосида касбий таълим хизматларини меҳнат бозорида тартибга солиш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш;

- қишлоқда ёш мутахассислар учун бўш иш ўринлари тузилмаси ҳақида маълумотлар банкини шакллантириш;

- туман иш билан бандлик марказларида қишлоқ ёшларини касбга йўналтириш ва психологик қўллаб-қувватлаш бўйича илмий асосланган дастурларни ишлаб чиқиш;

- ёш ишсизларни касбга йўналтириш бўйича психологлар маслаҳатини бериш ва бошқалар.

1.1-жадвал

Ўзбекистонда меҳнат ресурслари ва аҳоли иш билан бандлигининг ўзаро нисбати (минг киши ҳисобида)

Йиллар Кўрсаткичлар	2004 й.		2005 й.		2006 й.		2007 й.		2008 й.		2009 й.		2004-2009 й.й. ўсиш (%)	
	Республика бўйича	Самарқанд вилояти бўйича	Республика бўйича	Самарқанд вилояти бўйича	Республика бўйича	Самарқанд вилояти бўйича	Республика бўйича	Самарқанд вилояти бўйича	Республика бўйича	Самарқанд вилояти бўйича	Республика бўйича	Самарқанд вилояти бўйича	Республика бўйича	Самарқанд вилояти бўйича
Меҳнат ресурслари	14053	1502	14481,5	1551	15367,2	1668	15690,8	1622.0	15690,8	1652.3	15750.3	1699.1	115,4	113.6
Иқтисодий фаол аҳоли	9928,3	1051.4	10354,2	1085.7	10766,5	1171.3	11094,7	1180.2	11094,7	1156.6	12034.6	1189.4	115,3	113.9
Иш билан банд бўлганлар	9910,6	1036.4	10196,3	1054.7	10734,8	1117.6	11035,4	1119.1	11035,4	1140	11735.8	1172.3	115,1	114.1
Шу жумладан моддий ишлаб чиқаришда	6710,6	711.8	6839,8	714.0	7164,4	797.3	7304,9	758.7	7304,9	774.1	7401.9	796.4	111,7	111.8
Ноишлаб чиқаришда	3200	324.6	3356,5	340.7	3570,4	320.3	3730,5	360.4	3730,5	365.9	3739.1	402.9	122,2	124.2
Расмий аниқланган ишсизлар	34,9	2.139	27,7	2.037	20,8	1.94	16,9	2.485	16,9	2.393	16.7	2.343	52,5	51.3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Республикамизда меҳнат бозорининг шаклланиши меҳнат ресурсларининг ортиши шароитида содир бўлмоқда. Меҳнат бозорига демографик босим ҳам юқориликча қолмоқда. Меҳнат ресурслари сони 2004-2009 йилларда Республика бўйича 115,4% га, Самарқанд вилояти бўйича эса 113,6%га шундан иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида жами иш билан банд бўлганлар Республика бўйича 115,7% га Самарқанд вилояти бўйича эса 114,1%га ўсган.

Иш билан банд бўлганлар таркибида моддий ишлаб чиқаришда банд бўлганларга нисбатан ноишлаб чиқариш соҳасида бандлик мунтазам ўсиш тенденциясига эга. Биргина 2009 йилда бу кўрсаткичлар моддий ишлаб чиқариш соҳасида 8,6%га, ноишлаб чиқариш соҳасида 3,2% га таъминланган.

Республикамиз бўйича расмий аниқланган ишсизлар сони 2009 йилда 16,9 минг кишини, шундан ишсизлик бўйича нафақа олувчилар 6,6 минг кишини ташкил этган (1.1-жадвал)

Мамлакатимиз меҳнат қонунчилигига мувофиқ ишга қабул қилиш 16 ёшдан йўл қўйилади 15 ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин.

Шунга кўра Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги қўшилган халқаро-ҳуқуқ ҳужжатлари ва нормаларига тўла-туқис мос келади. Шунингдек, ХМТ нинг 1973 йилда энг кичик ёш тўғрисидаги 138-Конвенциясида ҳар қандай иш турида ёки ёлланиб ишлашда энг кичик ёш-14 ёш деб белгиланиши мумкинлиги кўрсатилган¹⁹.

¹⁹ Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавциялари. –Т.: “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази”, 2008. –Б. 60.

1.2-жадвал

Самарқанд вилоятида 2005-2009 йилларда меҳнат ресурслари ва аҳолининг иш билан бандлиги (минг киши)

Кўрсаткичлар	2005й.	2006й.	2007й.	2008й.	2009й.	2005-2009 йилларда ўсиш (%)
Аҳоли умумий сони	2865,3	2912,3	3002,1	3060,5	3065,4	106,8
Шу жумладан: ёшлар	789,7	791,2	810,6	828,2	854,3	104,9
Меҳнат ресурслари	1551,0	1668,0	1687,6	1695,1	1732,1	109,3
Шу жумладан: Ёшлар	445,9	450,4	457,9	469,7	486,8	104,2
Иш билан бандлар сони	1069,9	1080,7	1180,2	1152,0	1232,1	107,7
Шу жумладан: ёшлар	288,9	291,8	318,6	343,5	356,3	118,9
Ишлашга муҳтож аҳоли сони	25,9	22,5	22,5	23,1	23,2	89,2
Шу жумладан: ёшлар	7,0	6,1	6,1	6,2	6,2	88,6

Манба: Самарқанд вилоят Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Самарқанд вилоятида аҳоли сони 2005-2009 йилларда аҳолининг умумий сони 195,2 минг кишига (6,8%га) ўсган. 2005 йилда умумий аҳоли таркибида ёшларнинг ҳиссаси 27,6% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилда 27,1 5 дан иборат бўлган.

Таҳлил этилаётган йиллар мобайнида вилоятда меҳнат ресурслари сонининг умумий ўсиши (9,3%)га нисбатан меҳнатга лаёқатли ёшлар сони пастроқ (4,2%) суръатларда ошиб борган. Лекин 2005-2009 йилларда ёшларнинг иш билан бандлиги мунтазам ўсиш (18,9%) тенденциясига эга. Бундай ҳолат ёшларни ишга жойлаштириш бўйича самарали сиёсатнинг амалга оширилиши ҳамда ишлашга муҳтож ёшларнинг 2005-2009 йиллар ичида қисқариб (88,6%) бориши натижасидир (1.2- жадвал).

Бизнинг фикримизча, ижтимоий-иқтисодий механизмнинг муҳим воситаларидан бири бўлган ўсмирларни вақтинча ишга жойлаштиришни ташкил қилиш давлат ижроий ҳокимияти идоралари, бандлик, таълим, соғлиқни сақлаш идоралари, балоғатга етганлар ишлари бўйича комиссиялар, ёшлар ишлари бўйича кўмиталарнинг бевосита иштирокида ўтказилиши ва иш берувчилар, ҳамда касаба уюшмалар, ёшлар, болалар ва бошқа жамоа ташкилотлари ва бирлашмалари билан ҳамкорликда амалга оширилиши керак.

Бунда балоғатга етмаганлар меҳнатидан фойдаланиш учун бўш иш ўринларининг миқдори иш берувчилардан келиб тушган бўш иш ўринлари ва лавозимларининг мавжудлиги ҳақида маълумотлар, ҳамда ёшларни мактаб ва мактаблараро ўқув–ишлаб чиқариш комбинатлари, цехлар устахоналар, КХКнинг ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув юртлари ва ёшлар клублари қошидаги кичик корхоналар ва кооперативларда ишга жойлаштириш имкониятлари ҳақидаги маълумотлар асосида белгиланиши керак.

Фараз қиламизки, бандлик хизмати идоралари ўсмирларни ишга жойлаштириш бўйича ишларни доимо ишлаб турувчи ва вақтинча ёшлар ва ўсмирларнинг меҳнат биржалари, вақтинча ёллаш корхоналари, бошқа корхоналар ва жамоа ташкилотларининг воситачилигида шатномалар асосида ташкил қилишлари керак ҳамда бу ишни мустақил ташкил қилишлари ва бевосита ташкилотлар билан шартномаларни, шу жумладан вақтинчалик қўшимча иш ўринларини ташкил қилишга, ўтишлари керак.

Шу муносабат билан иш билан бандлик хизматлари ўсмирларни ишга жойлаштириш учун вақтинчалик кўшимча иш ўринларини ташкил қилиш мақсадида иш берувчиларга Республикамиз аҳолини иш билан таъминлаш давлат фондининг минтақавий қисми маблағлари ҳисобидан мақсадий компенсацион тўловлар кўринишидаги мақсадли молиявий ёрдамни кўрсатишлари мумкин.

Бизнингча, ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг кўпгина минтақаларида ўсмирлар ва ёшларнинг иш билан бандлигини ошириш мақсадаларида ижтимоий-ишбилармонлик марказлари (ИИМ) ташкил қилиш керак. ИИМнинг иш берувчилар, тадбиркорлар уюшмалари, ўқув юртлари билан яқин алоқалари ёшларнинг ишга доир ва касбий фаоллигини ошишига кўмаклашади. Марказлар бозор иқтисодиёти, маркетинг ва менежмент асосларини ўқитишни олиб боришлари, ёшлар тадбиркорлиги, кичик бизнес ва ўзини ўзи иш билан банд қилиш соҳасида маслаҳатли технологик ва услубий ёрдам кўрсатишга тайёр турган хорижий шериклар билан фаол ўзаро ҳамкорлик қилишлари мумкин.

Бунда ижтимоий бандликнинг вилоят (туман) хизматлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган фаолияти асосий йўналишлар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

– ёшларни танлаган мутахассисликлари бўйича (кичик бизнес ва ўзини ўзи банд қилиш соҳасида) ўқитиш ва қайта тайёрлаш, ҳамда юридик ёрдам кўрсатиш ва иқтисодий муаммоларнинг турли туманлиги бўйича ахборот хизматларини тақдим этиш;

– бизнес режаларни ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда ёрдам кўрсатиш, амалдаги корхоналарни реклама қилиш ва тадбиркорлик тизимларини ташкил қилишда рўйхатга олишга кўмаклашиш;

– ёшлар учун иш ўринларини ташкил қилишга лойиҳалар танловларини ўтказиш ва ёш шахслар учун иш билан бандликнинг эгилувчан шаклларини ривожлантиришга кўмаклашиш, шу жумладан уйда ишлашни ташкил қилиш.

Ёшлар иш билан бандлигининг давлат сиёсати тизимида алоҳида ўрин жамоа ишлари дастурларини ташкил қилишга берилиши керак. Маълумки, биринчи марта улар 30 йиллар бошларида жаҳон инқирози ва АҚШдаги “буюк таназзул” йилларида қўлланилган. Ҳозир улардан маҳаллий равишда фойдланилади ва улар, қоидага кўра айрим минтақаларни қамраб оладилар. Шунинг билан бирга Ўзбекистонда меҳнат бозорини ривожланиши шароитларида ёшларни, шу жумладан қишлоқ жойларида яшовчиларни ишга жойлаштириш тизимида етакчи рол ўйнашлари керак.

Жамоат ишлари қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучини сафарбар қилишга йўналтирилиши зарур. Қишлоқ жойларида улар базавий инфратузилмаларни ташкил қилишга хизмат қилишлари керак унга қишлоқ йўлларини қуриш, кичик ирригацион ишлар, арзон уй-жойлар, мактабларни қуриш, табиий офатлар оқибатларини тугатиш киради.

Жамоат ишларининг бошқа тури ижтимоий характерга эга: қариялар, беморлар ва ногиронларга хизмат кўрсатишдир.

Шу билан бирга, ёшларни жамоат ишларини бажариш учун жалб қилишга қаратилган дастурлар шундай ташкил қилиниши керакки, доимий ишни қидириб топиш ва малакаларини ўзгартириш учун етарли вақт бўлсин. Ёшлар учун мажбурий тартибда касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурлари ишлаб чиқилса ва тадбиқ этилган бўлиши керак.

Бизнинг фикримизча, қишлоқдаги оммавий ишсизликни олдини олиш ва унинг оқибатларини юмшатиш мақсадида энг яқин вақтлар ичида қишлоқ ўқувчиларини касбий йўналтиришнинг касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини меҳнат бозорида бирламчи мослашувининг усуллари ва кўникмаларига ўргатиш, улар томонидан иқтисодиёт ва агробизнес, тадбиркорлик ва фермерлик ишини олиб боришни билиш масалаларини ўзлаштирилишини ҳисобга олувчи махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш зарур. Шунингдек бир қаторда қишлоқда ўқувчилар ишлаб чиқариш билан бирга қайта тиклаш ва ривожлантириш, ўқувчилик ва

иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш бўйича тегишли шароитлар яратиш зарур.

Демак, ёшлар сиёсати давлат фаолиятида устивор йўналиш бўлиши ва ёшлар таълим ва бирламчи тайёргарликни нафақат тижорат асосида, балки текин, ишчи кучининг бозордаги ҳолатини, соҳалар ва ишлаб чиқаришларнинг истиқболли ривожланишини ҳисобга олиш билан кўмаклашиш зарур. Ёшларни давлат томонидан қўллаб қувватланиш - бу датация эмас, балки ижтимоий кредитдир. Шунинг муносабати билан касбий таълим ва биринчи иш жойини олишни таъминловчи ҳар хил дастурларни қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш зарур.

Бизнинг фикримизга кўра, қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизми қуйидагилар, ёшларга нисбатан давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалга оширишни асосий инструменти бўлиб хизмат қилиши лозим:

-ёшларнинг барча категорияларига таълим, меҳнат ва тиббий хизмат кўрсатишга тенг ҳуқуқли киришлари учун шароитлар яратиш;

-ёшларни ишга жойлаштириш ва рационал иш билан бандлиги кафолатларини таъминлаш;

-касбий йўналтириш ва ишчи кучини самарали бирламчи тайёрлашга кўмаклашувчи хизматлар тармоғини яратиш;


-ёшлар меҳнатларидан фойдаланувчи ва улар учун янги иш ўринларини ташкил қилувчи иш берувчилар учун имтиёзли солиққа тортиш, кредит бериш, қарзларини қайтариш ва бошқа иқтисодий рағбатлар тизимини қўллаш;

– етимлар ва ёш ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш ва шу муносабат билан соғлиқда четга чиқишлар ҳамда хулқ меъёрлари бузилишига эга ёшларни реабилитациялаш бўйича махсус хизматларни ташкил қилиш;

– иш билан бандлик тузилишини, ҳаммадан аввал хизматлар соҳаси фойдасига, касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан олдин келувчи,

ўзгартириш бўйича тадбирларни, шу жумладан ишдан бўшатилиш хавфи остида қолган ёшларга нисбатан ишлаб чиқиш.

1.3. Қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий - иқтисодий механизмини асосий мезонлари ва кўрсаткичлари.



1.6-расм. Ёш ишсизларнинг сонини камайтириш мезони ва кўрсаткичлари чизмаси²⁰


I-мезон. Ёш ишсизларнинг сонини камайтириш.

Асосий кўрсаткичлар:

- ишсиз эркаклар сони;
- ишсиз аёллар сони;
- ишсизлик нафақаси миқдори;
- мигрантлар сони;
- мавжуд иш жойлари сони;

²⁰ муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

- янги иш жойлари сони;
- ишсизлар ёши;




1.7-расм. Ўш ишсизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш мезони ва кўрсаткичлари чизмаси²¹

II-мезон. Ўш ишсизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш

Асосий кўрсаткичлар:

- ўртача иш ҳақи миқдори;
- иш вақтини давомийлиги;
- натура кўринишидаги моддий рағбатлантириш;
- транспорт харажатлари;
- кафолатланган иш ўринлари сони.

²¹ муаллиф томонидан ишлаб чиқилган




1.8-расм. Ёш ишчи кучига талабни ошириш мезони ва кўрсаткичлари чизмаси

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

III-мезон. Ёш ишчи кучига талабни ошириш.

Асосий кўрсаткичлар:

- иш ўринларининг қиймати;
- мавжуд иш ўринлари сони;
- яратиладиган иш ўринлари сони;
- ички инвестиция миқдори;
- хорижий инвестиция миқдори;
- кичик бизнес объектларидаги иш ўринлари сони.



1.9-расм. Ёш ишчи кучи таклифини камайтириш мезони ва кўрсаткичлари чизмаси²²

IV-мезон. Ёш ишчи кучи таклифини камайтириш.

Асосий кўрсаткичлар:

- ишчи кучининг баҳоси;
- битирувчиларни ишга жойлаштириш миқдори;
- ўрта махсус маълумотлилар сони;
- олий маълумотлилар сони;
- иш стажи.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кейинги вақтларда қишлоқларда ёшлар иш билан бандлигини пасайиши ишсизликнинг кўламлари ва даражасини ўсиши, ижтимоий кескинликни кучайиши тенденцияларини намоён этиши мумкин. Шу муносабат билан қишлоқда ёшлар ишсизлигини ва уларни иш билан банд бўлмаслигининг салбий оқибатларини бартараф қилишга қодир мақсадга қаратилган ҳаракатларни қўллаш зарур. Шунингдек ёшлар ўртасида ишсизликнинг ўсиши ҳудудда ижтимоий зиддиятларни, хусусан, жиноий

²² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

ҳолатга катта таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқда ишсизлик даражасини умумий 1% га ўсиши ёшлар ўртасида жиноятчилик даражасини ўртача 0,4 % га ошишига олиб келади. Бу нафақат маҳсулотни тўлиқ ишлаб чиқармаганлик натижасида иқтисодий самарадорлик пасайишига, балки аҳоли ўртасидаги никоҳлар ва ажралишларнинг миқдорини ўзгаришига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади ҳамда ҳар хил касалликлар ва ўсишни пасайтиради. Бу ҳолат яна жамиятнинг ижтимоий–иқтисодий салоҳиятини пасайишига олиб келади.

Республикамизда ёшларнинг иш билан бандлик муаммосини ҳал қилишнинг зарурлиги кўпроқ шундай ҳолат билан асосланадики, яқин келажакда ёшларнинг ҳам шаҳарда ва ҳам қишлоқда яшовчиларнинг умумий сонидagi салмоғи купайиш тенденциясига эга бўлади.

Қишлоқда қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ижтимоий–иқтисодий омиллар таъсири остида содир бўлмоқда. Хусусан, республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қисқариши, кўпгина қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий ҳолатининг ёмонлашуви ва уларда инвестицияни фаолликнинг пасайиши натижасида ишлаб чиқаришнинг қисман қисқариши меҳнат бозори ҳолатини ёмонлашишига олиб келади. Бунинг натижасида ходимларни оммавий ишдан озод қилиниши, шунингдек ёшларнинг кўп сонли ишсизлар тоифасига ўтиши ҳамда тўлиқ бўлмаган иш ҳафтаси таркибида ишлашнинг мажбурий зарурияти ва узоқ муддатли ҳақ тўланмайдиган таътил берилиши жараёни содир бўлди.

Иш билан бандлик характери кишиларнинг мулкий мақомига боғлиқ бўлади. Ўтиш даврида меҳнат ресурсларининг укладлараро эркин тақсимланиши бўлиб турсада, турли укладлардаги бандлик даражаси, бандликнинг даромад келтириши ва қанчага тушиши бир хил эмас, албатта.

Бу табиий равишда укладлардаги корхоналар салоҳиятига, уларнинг бозор билан таъминланишига умум иқтисодий вазиятга боғлиқ. Бу уклад учун бандлик шароити қўлай бўлгани ҳолда, бошқаси учун ноқўлай бўлади²³.

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохатларни босқичма-босқич чуқурлаштириш, қишлоқдаги мулкдор ва тадбиркорларнинг аҳамиятини ошириш, фермерлар ҳаракатини қўллаб-қувватлаш “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурининг асосий таркибий қисмларидан ҳисобланади. Шу билан бирга Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Фаолият юритаётган аксарият фермер хўжаликларини шакллантиришнинг дастлабки босқичида уларга ажратиб берилган ер майдонларининг камлиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига кўп жиҳатдан тўсқинлик қилмоқда. Имконияти, куч-қуввати кам бўлган фермер хўжаликлари ўзини зарур техника, айланма маблағ билан таъминлаш, кредит қобилиятига эга бўлиши, энг асосийси, ўз харажатларини қоплаш ва фойда кўриб ишлаш, даромадни оширишнинг ишончли асосига айланолмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда²⁴. Шунга кўра, фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашганлиги ва ҳудудий жиҳатлари эътиборга олиниб, уларни ер майдонларини бирлаштириш асосида бирлаштириш ва кенгайтириш чора тадбирлари амалга оширилди.

Бу, албатта, қишлоқ хўжалигида мавжуд ресурслардан тежамли ва самарали фойдаланиш ҳамда инвестицион фаолликни оширишда муҳим аҳамиятга эга. Масаланинг иккинчи томонига қарайдиган бўлсак, қишлоқ хўжалигидаги таркибий ислохатлар натижаси улароқ ходимларни ишдан озод этиш муаммосини кескинлаштиради. Бу эса ҳам таркибий ишсизликни ҳам технологик ишсизликни ўсишига олиб келади. Хусусан, қишлоқда меҳнатнинг диверсификациялаши ва ишлаб чиқаришни

²³ Ваҳобов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп ўкладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. –Т.: “Молия”, 2002. –Б.220-221.

²⁴ И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009. –Б.23.

модернизациялашиши яширин ишсизликни қисқариши билан таркибий ва технологик ишсизликни ўсиши учун шароит яратади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, республикамиз қишлоқ жойларида ишчи кучига талаб ва таклиф қишлоқ жойларида ишчи кучига талабнинг ошишига нисбатан таклифнинг устун даражада ўсиши юзага келган. Айниқса, 16-29 ёшдагиларнинг демографик жараёнлар таъсирида ишчи кучига таклифнинг талабга нисбатан бир мунча юқорилиги ҳамда бу ёш тоифасидагиларнинг миграцион жараёнлари кучайишига сабаб бўлмоқда.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ меҳнат бозори шаклланиши ва ёшларнинг иш кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат бўйича қўйидаги принципиал ҳолатлар мавжуд:

Биринчидан, қишлоқ меҳнат бозорида ишчи кучи таклифини ўсиш суръатлари республикамизнинг аҳолиси зич жойлашган ҳудудлари бўйича ўртача 1,1 марта, шу жумладан ёшлар бўйича, хусусан, унинг меҳнат жараёнига биринчи марта жалб қилинаётган ёшли гуруҳи бўйича ҳам юқори;

Иккинчидан, қишлоқ жойларда меҳнат ресурсларига талаб шаҳардаги иш кучига талабга нисбатан камроқ суръатларда ўсмоқда;

Учинчидан, қишлоқ жойларда яратилаётган иш ўринларининг иқтисодий жиҳатдан нуфуз даражаси шаҳарда яратилаётган иш ўринларига нисбатан анча паст даражада;

Тўртинчидан, қишлоқ меҳнат бозорида ишчи кучига, шунингдек ёш кадрларга таклиф ва талабнинг юқорироқ нисбати ҳосдир.

Қишлоқ ёшларини ишдан озод қилинишининг тузилмасига фикримизни қаратадиган бўлсак, кейинги йилларда ишчи кучини нафақат давлат секторидан, балки нодавлат секторидан ҳам озод қилиниши ёки ўз хоҳиши билан бўшаш тенденцияси кузатилмоқда. Бунда саноат ва қишлоқ хўжалиги ёшларни ишдан озод қилинган ва қилиниши давом этаётган асосий тармоқлар ҳисобланади. Аммо ноишлаб чиқариш соҳасида ёшлар меҳнатга қобилиятлиларнинг бошқа категориясидан фарқли равишда камроқ озод қилинадилар.

Бизнинг фикримизча, вужудга келган ижтимоий–иқтисодий вазият натижасида республикамиз туманлари бўйича қишлоқ кадрларининг ишдан озод қилинишининг тузилиши бир мунча ўзгармоқда ва бу жараён бир хил эмас. Унинг ҳолати қўйидаги тенденциялар билан изоҳланади:

Биринчидан, кадрларни озод қилиниши иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларида содир бўлмоқда. Бунда озод қилинган ишчи кучи орасида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги устувор ҳолатда.

Иккинчидан, давлат секторидан ишчи кучини озод қилиниши йилдан йилга қисқармоқда. Чунки республикамиз иқтисодиётида давлат секторига нисбатан нодавлат секторни улуши ЯИМ улушида ўсиш тенденциясига эга. Худди шу вақтда хўжалик юритишнинг янги шароитларида жамоавий ва айниқса, хусусий секторларда ходимлар анча кўпроқ озод қилиниши содир бўлмоқда.

Ёшларнинг иш билан бандлиги ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ходиса каби, мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлар билан ифодаланиши керак. мутлақ кўрсаткичларга 30 ёшгача бўлганларни, шу жумладан жинси, ёш гуруҳлари, тармоқлар ва соҳалар ҳамда ҳудудий белгилари бўйича умумий сонини киритиш мумкин.

I боб бўйича қисқача хулосалар

Маълумки, жамиятнинг иқтисодий тараққиёти ва инсон салоҳияти ривожлантириш бевосита ишсизлик билан боғлиқ, ишсизлик муаммоларини иш билан бандликни таъминлашга боғлиқдир.

Меҳнат бозорида қишлоқ ёшлари ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида номуносибликнинг юзага келиши биргина ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига таъсир кўрсатиб қолмасдан, шунингдек иш билан банд ёшлар ўртасида яширин ишсизликнинг ортишига ҳамда ҳудудларнинг иқтисодий тараққиёт даражаси бўйича табақаланиши кўчайишига олиб келади. Шу билан бирга қишлоқ меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи

ортиқча бўлганлиги ёшларнинг меҳнат баҳоси пасайишида ўз ифодасини топади.

Республикамизда ёшларни мустақил бандликка эришишлари ҳамон кўп тўсиқларга учрамоқдалар.

Бизнингча булар қуйидагилар: *Маънавий-маърифий тўсиқлар* (Бирор бир касбни эгаллаши учун билимларнинг етарли эмаслиги, ишга кириши учун иштиёқи йўқлиги), *Иқтисодий-молиявий тўсиқлар* (Маълум бир тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлиб турган ёшлар бошланғич капитал етишмаслиги муаммо туғилади. Ёш тадбиркорлар кредит олиш жараёнида деч келадиган қийинчиликлари ҳам кам эмас. Улар бозор конъюктурасини ўрганиш мураккаблиги сабабли ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишда ҳам мушкулликлар гирдобига тушишади), *Ташкилий тўсиқлар* (Меҳнат бозори инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли қишлоқ ёшлари бўш иш жойлари ҳақидаги маълумотга эга эмаслар. Бундан ташқари Самарқанд вилоятида шундай туманлар мавжудки туман марказидан чекка қишлоқларгача бўлган масофа 30-40 километрни ташкил қилади. Бу эса ишсиз ёшларни иш жойлари мавжудлиги ёки бошқа маълумотларни Бандликка кўмаклашиш марказидан билишга қийинчилик туғдиради).

Қишлоқ хўжалигида ишсизликни мавжуд бўлиши аҳолининг максимал гуруҳини миқдорий ўсиши ҳисобланган ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан таназзулига, жиноятчиликни ўсишига, ичкиликвозликка, гиёҳванликка ва ҳар хил қонунбузарликка олиб келади. Ниҳоят салбий ижтимоий-соҳалари билан уларнинг яқинлари ва танишлари, дўстлари ва бутунлай бегона одамлар ҳам ишсиз қолишининг доимий психологик босими остида бўладилар.

Ёшлар ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмининг мазмуни ва таркибини аниқлаш уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлган иш ўринлари билан таъминлаш, фаол иш билан бандлик сиёсатини амалга ошириш, меҳнат бозорида рақобатбардошлилигини ошириш ва касбий ҳаракатчанлигини таъминлаш

ёшларга хос иш жойларини квоталаш, қишлоқ жойларида ноқишлоқ хўжалиги иш ўринларини яратиш каби тадбирларни амалга оширишни назарда тутди.

Қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизми деганда, норматив актлар билан расмийлаштирилган, қишлоқ ишсиз ёшларини ишсизлигини камайтириш ва уларнинг иш билан бандлик даражасини кўтаришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий қонун-қоидаларни ташкил этиш ва бир меъёردа ишлаши учун ижтимоий-иқтисодий усуллар, воситалар ва дастакларнинг мажмуаси тушунилади.

Қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтириш ижтимоий-иқтисодий механизмининг воситалари орасида кўшимча яратилган иш жойларининг мавжуд бўлиши ва бўш иш жойлари мавжудлиги ҳақида маълумотни қишлоқ ишсиз ёшларига етиб бориши ҳамда ишсизлик нафақаси муҳим ўрин тутди. Яратилаётган иш ўринлари ҳақида маълумотни қишлоқ ишсиз ёшларига ўз вақтида етказиш ва ёшлар ҳақида тулиқ ва тўғри маълумотни иш берувчиларга ўз вақтида етказишни таъминлаш зарур. Ишсизлик нафақаси орқали эса қишлоқ ишсиз ёшларининг иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни моддий рағбатлантириш ҳамда тезроқ иш топишга ундаш мумкин. Лекин бизнинг фикримизча, ёшларга ишсизлик бўйича нафақаларни оддийгина тўлаш керак эмас. Швециянинг собиқ меҳнат вазири кўйидагиларни таъкидлаган: “Ёшларга: мана сизга яшаш учун баъзи бир маблағлар, аммо биз сизнинг хизматларингизга муҳтож эмасмиз, дейишдан ёмони йўқ”²⁵. Шунинг учун ёшларга нафақалар тўлашда эътиборни уларни касбий тайёрлаш ва малакаларини алмаштириш, ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб қилишга қаратилган бўлиши керак.

Бизнингча ҳозирги вақтда мамлакатнинг кўпгина минтақаларида ўсмирлар ва ёшларнинг иш билан бандлигини ошириш мақсадаларида **ижтимоий-ишбилармонлик марказлари(ИИМ)** ташкил қилиш керак.

ИИМнинг иш берувчилар, тадбиркорлар уюшмалари, ўқув юртлари билан яқин алоқалари ёшларнинг ишга доир ва касбий фаоллигини ошишига кўмаклашади. Марказлар бозор иқтисодиёти, маркетинг ва менежмент асосларини ўқитишни олиб боришлари, ёшлар тадбиркорлиги, кичик бизнес ва ўзини ўзи иш билан банд қилиш соҳасида маслаҳатли технологик ва услубий ёрдам кўрсатишга тайёр турган хорижий шериклар билан фаол ўзаро ҳамкорлик қилишлари мумкин.

Қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтириш механизмнинг барча ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари қуйидаги **мезонларда** ўз аксини топади: ёшлар ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш, қишлоқ ёшларининг рақобатбардошлигини ошириш, ёшлар меҳнат бозорида улар учун хусусиятли бўлган иш билан бандликка оид ахборотлар тизимини такомиллаштириш, қишлоқда ёшларнинг иш билан бандлик даражасини ошириш, малакали қишлоқ меҳнат бозорини шакллантириш, қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтириш, қишлоқ меҳнат бозорини ташкилий-иқтисодий жиҳатдан сифат кўрсаткичларини таъминлаш ва бошқалар, ёшларнинг меҳнатда иштирокини ошириш, ёшларнинг меҳнат даромадини кўпайтириш.

Мазкур мезонлар муайян **кўрсаткичлар** ёрдамида аниқланади: мавжуд ва янги яратилган иш жойларининг сони, қишлоқ жойларида иш билан банд ёшлар сони, қишлоқ жойларида ишсиз ёшлар сони, қишлоқ ишсиз ёшларининг малака даражаси, қишлоқ ёшларининг даромадлари ва бошқалар.

II - БОБ. Самарқанд вилояти қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтириш ижтимоий-иқтисодий механизми асосий кўрсаткичларини таҳлили ва истиқболи

2.1. Қишлоқ меҳнат бозорида ёшларга бўлган талаб ва таклиф нисбатларини аниқлаш.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни самарали амалга ошириш жараёнида бозор муносабатларининг ривожланиши иқтисодиётни сифатли ислох қилишнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, товарларнинг ҳар хил турларини айирбошлашни, шу жумладан ишчи кучининг олди-сотдисини назарда тутати. Хўжалик юретишнинг бозор тизимини ажралмас элементи бўлган меҳнат бозори меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш соҳасида бир қатор муҳим вазифаларни бажаради:

Биринчидан, меҳнат муносабатлари тизимида ишчи кучи сотувчилари ва харидорларининг манфаатларини объектив равишда солиштириш асосида меҳнат фаолиятининг у ёки бу турининг фойдалигини баҳолаш амалга оширилади, унинг ижтимоий аҳамияти белгиланади.

Иккинчидан, қишлоқ меҳнат бозори ишчи кучига талаб ва таклиф ҳажмини, уни иқтисодиётнинг соҳалари ва тармоқлари ўртасида тақсимланишини тартибга солади, меҳнат ресурсларининг ҳудудий ва касбий сафарбарлигига ҳақиқий импульсни беради.

Учинчидан, бозор туфайли, ходим меҳнат фаолиятининг иқтисодий мустақиллиги ва эркинлиги тўлиқ даражада амалга оширилади, у ишлаб чиқаришда ёки шахсий ёрдамчи хўжаликда бандлик (ёки банд бўлмаслик) ўртасида танлаши, нафақат ўзининг манфаатлари ва имкониятларини, балки минтақавий иқтисодиёт эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда у ёки бу касб (фаолият тури)ни эгаллаши мумкин.

Тўртинчидан, иш берувчига ўз томонидан фойдаланаётган ёлланма ишчи кучининг миқдор ва сифат параметрлари ҳақидаги масалани яқка ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи берилади. Бошқача қилиб айтганда, у ходимларни танлаш,

жой-жойига қўйиш ва ишдан бўшатиш масалаларини мустақил ҳал қилиш мумкин.

Бешинчидан, ишчи кучининг қиймати (бошқачасига - иш ҳақининг даражаси) унинг сотувчилари ва харидорлари ўртасидаги муносабатларининг асосий тартибга солувчиси сифатида кўрсатиб ўтилган томонларининг розилиги бўйича белгиланади ва у бундан ташқари меҳнат бозорининг ҳолатига боғлиқдир.

Шундай қилиб, фақат меҳнат бозори меҳнат ресурсларини ишчи кучига талаб ва таклифи қонуни талабларига кўра, мувофиқ ва рационал тақсимланиши ва қайта тақсимланишини ишлаб чиқаришнинг объектив ва субъектив омилларини ўзаро мослашишини таъминлайди. Шунингдек меҳнат бозори томонидан вужудга келтирилган унинг субъектлари ўртасидаги рақобат шубҳасиз ўзининг қонуний тартибга солинишини талаб қилади.

Қишлоқ меҳнат бозорида ёшлар ишчи кучига бўлган талаб – қишлоқ хўжалиги соҳаларининг қишлоқ меҳнат бозоридан тақдим этиладиган ва иш ҳақи фонди, шахсий ёрдамчи хўжаликлардан келадиган даромади ва бошқа ҳаётий воситалар билан таъминланган ёшларга бўлган ҳажмий ва таркибий эҳтиёжини акс эттиради. **Қишлоқ меҳнат бозоридаги ёшлар ишчи кучига бўлган таклиф** – касбий малака ва кўникмасига таянган ҳолда ақлий ва жисмоний қобилияти сафарбар этиладиган меҳнат билан ёлланиб ишлаш шартига биноан ишга киришдан манфаатдор бўлган 16 ёшдан 29 ёшгача бўлган қишлоқ ёшларининг (сони, жинси, маълумоти, касби, малакаси, миллати, унумдорлиги, даромади ва бошқа кўрсаткичлари бўйича) миқдор ва сифат таркибини ифодалайди. Ёшлар ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбати ёшлар меҳнат бозори конъюктурасини ифодалайди. У кўп сонли омиллар ва шароитлар таъсири остида шаклланади ҳамда меҳнатга лаёқатли қишлоқ ёшлари турли хил гуруҳларининг ёлланма ходимлар сифатида тенг бўлмаган ҳолатини акс эттиради.

2.1-жадвал

Самарқанд вилоятида 2009 йилда ёшлар меҳнат бозоридаги вазият*

№	Курсаткичлар	А	Б	В	Г	Д	Е	Ё	Ж	З	И	Й	К	Л	М	Н
1	Аҳоли сони таркибида ёшлар	1841,5	71,3	88,1	79,8	114,8	129,5	61,0	100,7	120,2	72,4	163,9	167,6	68,8	228,6	90,8
2	Меҳнат ресурслари (ёшлар) (минг киши)	984,7	41,6	38,8	38,2	52,8	63,1	29,5	50,7	61,1	38,6	81,4	86,0	33,1	110,5	46,3
1	Иқтисодий фаол аҳоли таркибида ёшлар сони (минг киши)	757,4	32,1	29,6	30,0	41,0	48,2	23,8	38,3	45,7	31,0	60,7	64,4	25,4	83,6	36,2
4	Иш билан банд ёшлар сони (минг киши)	696,5	29,9	27,4	27,6	36,7	44,8	20,7	35,2	41,7	28,0	56,3	60,2	23,3	76,7	33,5
5	Ишлаш мақсадида республика ташқарисига чиқиб кетган ёшлар (минг киши)	21,7	0,8	1,0	0,9	1,7	1,0	0,8	1,3	1,6	1,0	1,4	1,0	1,0	1,8	1,0
6	Ишга жойлашишга мухтож ёшлар (минг киши)	39,1	1,4	1,3	1,5	2,6	2,3	2,3	1,9	2,5	2,0	2,9	3,2	1,2	5,2	1,6
7	Иқтисодий фаол булмаган ёшлар (минг киши)	227,3	9,5	9,1	8,2	11,8	14,9	5,6	12,4	15,4	7,6	20,7	21,5	7,7	26,9	10,1
8	Ишсизлик даражаси (%)	5,2	4,5	4,5	5,0	6,4	4,9	9,6	4,9	5,4	6,4	4,8	5,0	4,7	6,2	4,5

Манба: Самарқанд вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

* Шартли белгилар: А- Самарқанд вилояти, туманлар: Б – Оқдарё, В – Булунғур, Г – Жомбой, Д – Иштихон, Е – Каттақурғон, Ё – Қушробот, Ж – Нарпай, З – Пайариқ, И- Пахтачи, Й – Пастдарғом, К – Самарқанд, Л – Нуробод, М – Ургут, Н - Тайлоқ.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Самарқанд вилоятида қишлоқ меҳнат бозоридаги вазият 2009 йилда жами қишлоқ аҳолиси сони таркибида ёшлар 1841,5 минг кишини ташкил этган ҳолда, шундан меҳнатга лаёқатли ёшлар ҳиссаси 53,5 %ни, яъни 984,7 минг кишини ташкил этган. Меҳнатга лаёқатли ёшлар таркибида энг юқори салмоқ Ургут (12,4 %), Самарқанд (9,1 %), Пастдарғом (8,9 %), Каттақурғон (7,0 %) туманлари ҳиссасига тўғри келган. Вилоят бўйича 2009 йилда иқтисодий фаол аҳоли таркибида ёшлар 757,4 минг кишини, иш билан банд ёшлар 696,5 минг кишини ташкил этиб, шундан шаҳарга нисбатан қишлоқ жойларда мазкур кўрсаткичларнинг улуши мос равишда 22,1 % ва 22,2 %лардан иборат бўлган. Ишлаш мақсадида республика ташқарисига чиқиб кетган ёшлар вилоят бўйича 2009 йилда 21,7 минг кишини ташкил этган. Шундан энг юқори кўрсаткич Ургут (1,8 минг киши), Пастдарғом (1,4 минг киши), Пайариқ (1,6 минг киши), Иштихон (1,7 минг киши) туманлари ҳиссасига тўғри келган (2.1-жадвал).

Таҳлил этилаётган йил мобайнида вилоятда ёшларнинг ишсизлик даражаси 5,2 %ни ташкил этиб, туманлар бўйича энг юқори кўрсаткич Пайариқ (5,4 %), Ургут (6,2 %), Пахтачи (6,4 %), Қушробот (9,6 %), Иштихон (6,4 %) туманлари ҳиссасига тўғри келган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, амалда ёшлар ишчи кучига талаб ва тақлифнинг умумий ва тақрибий мувозанатига эришиш қийин. Ёшлар меҳнат бозорининг конъюктураси ишчи кучи нархига бевосита таъсир кўрсатади. У ўз навбатида амалдаги бозор нархларига мувофиқ ўзгариб туради, қишлоқ ёшлари муомала соҳасида шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ маълум йўналишни шакллантиради. Ўз навбатида ёшлар ишчи кучи баҳосини унинг қийматидан фарқланиши, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига, тақсимот муносабатларига, иш ҳақи ва шахсий ёрдамчи хўжаликларидан олинадиган даромадлар даражаларига, истеъмол саватининг ўсишига, товарлар ва хизматларни амалдаги нархларига, уларнинг мавжудлигига, табиий бойликларнинг ҳолатига ҳамда бошқа омиллар ва шароитларга боғлиқ.

**Самарқанд вилоятида 2006-2009 йилларда қишлоқ ёшлари иш кучига
таклиф (киши ҳисобида)**

№	Кўрсаткичлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2006- 2009 й.й.да ўсиш, (%)
1	Жами таклиф	98401	100369	142110	148570	150,9
2	Шундан: илк бор иш қидираётган ёшлар жами	35696	36410	64652	66894	187,3
3	Шундан: қишлоқ жойларда илк бор иш қидираётган ёшлар жами	30163	30839	54824	56726	188,0
4	Шундан: ўрта таълим ва умумтаълим мактабларининг битирувчилари	20480	20939	21335	21491	104,9
5	ХТБЮларнинг кундузги бўлимини битирувчилар	4442	4541	4189	3888	87,5
6	ЎМКХК кундузги бўлим битирувчилари	14318	20588	23006	23481	163,9
7	ОЎЮларининг кундузги бўлим битирувчилари	7389	7431	7492	7511	101,6
8	Ҳарбий бўлимга чақирилувчиларнинг	1179	1190	1199	1216	103,1

	барча тоифалари					
--	-----------------	--	--	--	--	--

Манба: Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2.2-жадвал маълумотларига кўра, Самарқанд вилоятида жами ишчи кучига таклиф 148570 кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2006 йилга нисбатан 150,9 %га ўсган. Шундан, илк бор иш қидираётган ёшлар 2009 йилда 66894 кишини ташкил этиб, мазкур кўрсаткич таҳлил этилаётган йиллар ичида 187,3 %га ўсган.

Шунингдек қишлоқ жойларда илк бор иш қидираётган ёшлар сони 2009 йилда 56726 кишидан иборат бўлган ҳамда 2006 йилга нисбатан 188,0%га ошган. Кейинги йилларда ХТБЮларнинг кундузги бўлимини битирувчилари ҳиссаси вилоят бўйича камайиш (87,5 %) тенденциясига, ЎМКХК кундузги бўлим битирувчилари ҳиссаси ўсиб бориш (163,9 %) тенденциясига эга бўлган.

Бизнинг фикримизча, ёшлар меҳнат бозорининг конъюктурасини миқдор ва сифат нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ зотан қишлоқ ёшлари меҳнат бозори қишлоқ меҳнат бозорининг алоҳида сегментида шаклланади.

Ҳозирги кунда республикаимиз қишлоқ ёшлари ишчи кучлари таклифининг миқдори унга бўлган эҳтиёжнинг талабларига тўлиқ мос келмайди. Шунинг учун қишлоқ меҳнат бозори конъюктурасини ифодалайдиган иккита ўзаро боғланган гуруҳлардаги омиллар ва шарт-шароитлар ҳолатини таърифловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларини ажратиш зарур.

Биринчи гуруҳга қуйидагилар киради: иқтисодиёт аграр секторининг ҳолати; моддий-техник таъминоти даражаси; ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланиш ҳолати, қишлоқ қурилиши саноати, шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва уйда ишловчилар меҳнатининг ҳолати; кўп укладли иқтисодиётнинг ривожланиши шароитларида фермер хўжаликлари фаолияти,

ижара, ҳиссадорлик, хусусий, қўшма ва бошқа хўжаликларни ислохот қилиниши даражаси; товарлар ва хизматлар, сармоялар, қимматли қоғозлар ва илмий ишланмалар бозорининг шаклланиши даражаси; табиий бойликларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.

Иккинчи гуруҳга эса қуйидагилар киради: маълумоти, малакаси ва касбни эгаллаганлик даражаси; юқори малакали қишлоқ кадрларини тайёрлаш билан шуғулланувчи ўқув юртларининг ҳолати; меҳнатга лаёқатли иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қишлоқ ёшлари жинси бўйича тузилиши; иш ҳақи ва бошқа манбалардан, айниқса, шахсий ёрдамчи хўжаликларидан олинадиган меҳнат даромадларининг даражаси; ишсизнинг ижтимоий ва руҳий ҳолати; ёллаш бўйича иш таклиф қилувчи меҳнат жамоасидаги ижтимоий-руҳий муҳит; миллий-этник анъаналар ва қишлоқ ёшларининг касбий ҳаракатчанлиги ва бошқалар.

2.3-жадвал

Самарқанд вилоятида қишлоқ ёшлари иш кучига талаб (киши ҳисобида)

№	Кўрсаткичлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2006-2009 й.й.да ўсиш, (%)
1	Жами иш кучларига талаб	91522	93352	136286	142174	155,3
2	Шундан: қишлоқ жойларда	77336	79069	115454	120563	155,9
3	Шундан: ўқув юртларининг кундузги бўлимига умумтаълим битирувчиларидан ташқари ўқишга кирганларнинг ўрнини тўлдириш, жами	30199	30840	31296	31653	104,8
4	Шундан: ЎМКХҚларнинг кундузги бўлимига қирувчилар	20539	19708	20940	23702	115,4
5	ОЎЮларининг	4478	4572	7395	7471	166,8

	кундузги бўлимига кирувчилар					
6	ХТБЮларга кирувчилар	6642	6863	6788	6692	100,7

Манба: Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, Самарқанд вилоятида жами иш кучларига талаб 2006-2009 йиллар мобайнида 155,3 %га ўсган. Шундан, қишлоқ жойларда ўқув юртларининг кундузги бўлимига умумтаълим битирувчиларидан ташқари ўқишга кирганларнинг ўрнини тўлдириш 2009 йилда 31653 та ёшларни ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич 2006 йилга нисбатан 104,8 %га ўсган. 2.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд вилояти қишлоқ меҳнат бозори ва умуман меҳнат бозорининг самарали шаклланишида принципиал фарқлар мавжуд. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, вилоят меҳнат ресурсларининг бошқа баъзи ҳудудларга нисбатан кўплиги натижасида қишлоқ меҳнат бозорида ишчи кучи таклифининг ўсиш суръатлари республикамиз бўйича ўртачадан 1.2 марта, шу жумладан, ҳам умуман ёшлар бўйича ва ҳам унинг меҳнат жараёнига биринчи марта жалб қилинаётган ёшли гуруҳ бўйича ҳам юқори.

Иккинчидан, қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларига талаб шаҳарникига караганда камроқ суръатларда ўсмоқда.

Учинчидан, қишлоқ меҳнат бозори учун ҳам, хусусан, ёш кадрларга талаб ва таклифнинг юқорироқ нисбати хосдир.

Кўрсатиб ўтилган ҳолатлар қишлоқ ёшларининг иш билан бандлигини таъминлашнинг ижтимоий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга эканлигини исботлайди.

Меҳнатга қобилиятли аҳолининг, шу жумладан ёшларнинг иш билан бандлиги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат салоҳиятидан фойдаланишнинг даражаси ва самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади ва пировардида иқтисодий ривожланганлиги даражаси ва

меҳнат бозорини ривожланишининг белгиланган муайян босқичи ҳақида дарак беради.

Шунинг билан бирга, тадқиқотларнинг кўрсатишича, кейинги вақтларда қишлоқда ёшлар иш билан бандлигини пасайиши ишсизликнинг кўламлари ва даражасини ўсиши, ижтимоий кескинликни кучайиши тенденциялари яққол намоён бўлмоқда. Шунинг учун қишлоқда ҳам ишсизликни ва ҳам меҳнат ресурсларини банд бўлмаслигининг салбий таъсирини бартараф қилишга қодир мақсадга қаратилган ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиш ва қўллаш зарур. Шу билан бирга шуни таъкидлаш керакки, ёшлар ўртасида ишсизликни ўсиши ижтимоий ҳолатга катта салбий таъсир кўрсатади.

Масалан, ўтказилган тадқиқотлар шуни тасдиқлашга имкон берадики, қишлоқда ишсизлик даражасининг 1%га ўсиши, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик даражасини ўртача 0,4%га ўсишига олиб келади. Бу нафақат маҳсулотни тўлиқ ишлаб чиқармаганлик ҳамда умумий иш вақти фондининг бефойда кетишидан иқтисодий зарарга олиб келади, балки аҳоли ўртасидаги никоҳлар ва ажралишларнинг миқдорини ўзгаришига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади ҳамда касалликлар ва ўлимни кўпайтиради, бу яна жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини пасайишига олиб келади.

Қуйидаги 2.4-жадвалда Самарқанд вилоятида ёшлар меҳнат бозоридаги ҳолат келтирилган.

2.4-жадвал

Самарқанд вилоятида ёшлар меҳнат бозоридаги ҳолат (минг киши)

№	Кўрсаткичлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2006-2009 й.й.да ўсиш, (%)
1	Аҳоли умумий сонидан ёшлар, жами	791,2	810,6	828,6	847,6	107,1
2	16-29 ёшдаги меҳнат ресурслари сони	420,4	437,9	448,1	456,4	108,6
3	Иш билан банд ёшлар	291,8	318,7	343,5	367,4	125,9

	сони					
4	Ишга жойлашишга мухтож ёшлар сони	6,1	6,1	6,2	9,5	155,7
5	Шундан: а) меҳнат бўлимларида ишсиз деб эътироф этилганлар	0,9	0,9	0,95	1,3	144,4
6	б) мустақил равишда иш қидирувчилар	5,2	5,2	5,25	8,2	157,7

Манба: Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2.4-жадвалдаги таҳлилий маълумотларга кўра, Самарқанд вилоятида ёшлар меҳнат бозоридаги ҳолат бўйича 2006-2009 йилларда аҳолининг умумий сониди ёшларнинг ҳиссаси 27-28 % атрофида тебраниб турган. Шунингдек, 2006 йилда вилоят бўйича ёшлар 791,2 минг кишини ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб, бу кўрсаткич 56,4 минг кишига кўпайган.

Ёшларни умумий сонининг ўсишига (107 %) нисбатан 16-29 ёшдаги меҳнат ресурслари сони таҳлил этилаётган даврлар ичида юқорирок кўрсаткичда, яъни 108,6 %га ўсган.

Республикамизда ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича самарали сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида 2006-2009 йилларда иш билан банд ёшлар сони 125,9 %га ошган. Лекин ишга жойлашишга мухтож ёшлар сони 2006 йил 6,1 минг кишидан 2009 йил 9,5 минг кишига ошган. Шунингдек ишсиз деб эътироф этилган ёшлар ҳиссаси ҳам бу даврлар оралиғида 144,4 %га ўсган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган қишлоқ меҳнат бозорида ёшлар ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбатини аниқловчи омиллар ва шарт-шароитлар ҳамда таҳлилий маълумотлар ёшларнинг иш билан бандлик сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий йўналишлари ва тамойиллари билан рақобатга киришиши мумкинлигини ифодалайди. Бу ҳолда қишлоқ меҳнат бозорида салбий анъаналарга қарши ҳаракат қилувчи тадбирларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва ўтказиш алоҳида ўринга эга. Ҳудудий қишлоқ меҳнат бозорларининг омиллари ва конъюктурасидаги фарқларни ҳисобга олган иш

билан бандлик сиёсати давлат томонидан ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Ҳозирги вақтда қишлоқда ёшлар ишчи кучини таклифи касбий ва малакавий жиҳатдан қишлоқ хўжалиги меҳнатидаги талаб динамикасига тўлиқ жавоб бермайди. Шунинг учун қишлоқ меҳнат бозоридаги ёшлар ишчи кучи таклифини сифат жиҳатдан ўзгартириш ва уни рақобатбардошлигини ошириш вазифаси кун тартибда турибди. Респондентларнинг 35%и касб хунар коллежларини битирувчиларининг ҳамда академик лицейларини битирган ўқувчилар корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилинишида билим даражаси яхши эмаслигини таъкидлаганлар.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ меҳнат бозорида ёшлар ишчи кучини сифат даражасини ва рақобатбардошлигини ошириш учун: касбий таълим бериш, давлат иш билан бандлик хизмати тизимида ёки шу хизмат йўналиши бўйича бошқа ўқув юртларида қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ишларини амалга ошириш; маълум бир касбда ишловчи ёшларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш фаолиятини амалга ошираётган корхоналарни имтиёзли солиқларга тортилишини таъминлаш; мавжуд ишчи кучи бозоридаги алоҳида гуруҳдаги қишлоқ ёшларининг рақобатбардошлигини ошириш учун махсус дастурлар ишлаб чиқиш ва шу каби бошқа чора-тадбирлар ташкил этишни таъминлаш лозим.

Қишлоқ меҳнат бозорида ёшларга бўлган талаб ва таклиф муносабатлари меҳнат бозорида бўлган талаб ва таклиф муносабатларига нисбатан бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Бундай хусусиятлардан биринчиси, қишлоқ ёшларига малака ва касб маҳорати етишмаслиги бўлса, иккинчиси, қишлоқ ёшлари шаҳар ёшларига қараганда техника асридаги янгиликлардан жуда кеч хабар топиши натижада замонавий техника ва технологияни қўллашда сусткашликларга олиб келаётганлигидир.

Тадқиқотлар кўрсатишича, вилоят қишлоқ меҳнат бозорида иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлган қишлоқ ёшлари сони 2006 йилда 137,4 минг кишидан иборат бўлиб, мазкур кўрсаткич 2009 йилда 152,4 минг кишига кўпайган. Ушбу кўрсаткичнинг таҳлил этилаётган йиллар

бўйича вилоят бўйича умумий иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлган ёшларга нисбатан улуши 2006 йилда 81,1 %, 2007 йилда 79,6 %, 2008 йилда 80,4 %, 2009 йилда 80,2 %ларни ташкил этган.

Самарқанд вилояти бўйича иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганлар қишлоқ ёшлари 2006 йилда 100,4 минг кишини ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 137,2 минг кишидан иборат бўлган.

2.5-жадвал

Самарқанд вилоятида меҳнат бозоридаги вазият ва меҳнат ресурсларининг шаклланиш ҳолати (минг киши)

КЎРСАТКИЧЛАР	2006 й.			2007 й.			2008 й.			2009 й.		
	Умумий аҳоли сони	шулардан		Умумий аҳоли сони	шулардан		Умумий аҳоли сони	шулардан		Умумий аҳоли сони	Шулардан	
		ёшлар	кишлок ёшлари		ёшлар	кишлок ёшлари		ёшлар	кишлок ёшлари		ёшлар	кишлок ёшлари
Доимий аҳоли сони	2912	791,2	685,9	3002,1	810,6	701,9	3069,2	828,6	714,3	3102,5	847,6	731,4
Меҳнат ресурслари сони	1573,3	420,4	342,5	1622	437,9	353,4	1641,4	448,1	363,8	1702,1	456,4	369,2
Иқтисодий фаол аҳоли сони	1180,2	291,8	234,9	1180,7	318,6	252,6	1262,1	343,3	273,6	1351,4	362,9	289,6
Иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлганлар	627,4	169,4	137,4	660,3	178,3	142	676,1	184,6	148,5	698,6	190	152,4
Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар	278,2	75,1	60,4	278,2	75,1	61,1	277,5	72,1	61,1	281,4	71,5	61,7
Кичик корхона, микрофирма ва фермер хўжаликларида банд бўлганлар	177,4	47,9	41,2	177,4	47,9	41,5	176,1	47,3	37,3	178,2	50	38,4
Юридик шахс мақомисиз тадбиркорлар (патент)	21,8	5,9	4,6	21,8	5,9	4,9	22,3	6,2	5,1	25,7	7,1	5,6
Деҳқон хўжаликларида банд бўлганлар	130,1	35,1	28,9	130,1	35,1	30,1	139,2	42	31,9	144,3	43,8	32,8
Бошқа корхона ва ташкилотларда банд бўлганлар	19,9	5,4	4,2	52,8	14,3	11,5	61	17	13,1	69	17,6	13,9
Иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганлар	453,3	122,4	100,4	519,9	140,4	117,3	585,8	158,7	125,1	652,8	172,9	137,2
Вақтинчалик бир марталик ишларни бажараиб юрувчилар	164,7	44,5	36,4	164,7	44,5	36,2	181,2	47,8	40,2	196,2	51,1	40,5
Республика ҳудудидан ташқарида меҳнат фаолиятини юритиш учун чиқиб кетганлар	29,3	7,9	4,8	29,3	7,9	5,7	32,3	10,1	6,7	34,1	10,2	6,7
Тадбиркорларга ёрдам бераётган оила аъзолари ва уларга ёлланиб ишловчилар	89,6	24,2	19,1	89,6	24,2	20,1	103,6	28	21,1	118,1	31,4	24,8
Рўйхатдан ўтмасдан туриб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар	169,7	45,8	37,1	236,3	63,8	51,2	268,7	72,8	56,7	304,4	80,2	65,2

Манба: Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ривожланиши шароитида ишчи кучини иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларига белгиланган миқдорий таркиб ва сифатдаги меҳнат ресурсларига (шу жумладан ёшлар ишчи кучига) аниқ зарурат ва эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида меҳнатга талаб ва таклифни ўрганиш асосида қишлоқ ёшларининг ишсизлигини камайтириш катта аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ меҳнат бозорини таҳлил қилиш ва истиқболлаштиришга илмий ёндашиш, ҳаммадан аввал уни сегментларга бўлишни, яъни иш ўринлари бозори ва ишчи кучи бозоридаги асосий ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг қонуниятлари ва тенденцияларини бозорнинг конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда батафсилроқ ўрганиш мақсадида уни алоҳидаги таркибий қисмларга ҳудудий туркумлаштиришни тақозо қилади.

Шунга кўра, қуйидагилар меҳнат бозорининг асосий сегментлари ҳисобланади: бир томондан, белгиланган миқдор (унинг миқдорий таркиби) ва сифат (унинг касбий-малакавий тузилиши даражаси)даги ишчи кучига аниқ талабни тақдим этувчи иш берувчилар; бошқа томондан, меҳнат бозоридаги ишчи кучининг иш билан бандлик ва банд эмаслик, уларнинг жинси ва ёши, маълумоти, малакаси ва талаб этилганлик даражаси категориялари кесмасидаги тузилиши назарда тутилади.

Бизнинг фикримизча, меҳнат бозорини истиқболлаштириш ва ўрганиш биринчи навбатда, халқ хўжалиги соҳаларининг меҳнат ресурсларини талаб этишга қаратилиши керак ва фақат шуни ҳисобга олиш билан ишчи кучини мақсадга мувофиқ кўрсатилган ҳолда, тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, уни ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолияти соҳалари ва тармоқлари бўйича рационал тақсимлаш ва қайта тақсимлашни амалга ошириш, асосан ёш кадрлар ўртасида вақтинча иш билан банд бўлмаганлар ва ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли тадбирларни ўтказиш зарур.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Самарқанд вилоятида қишлоқ меҳнат бозорининг ҳолатига иқтисодиётни нисбатан барқарорлашуви ҳамда туман

бандликка кўмаклашиш марказларининг ижтимоий сиёсат соҳасидаги фаолиятлари ижобий таъсир кўрсатади. Аммо, қишлоқ хўжалигидаги таркибий ўзгаришлар натижасида замонавий ноқишлоқ хўжалиги иш ўринларининг яратилиши таркибий ва технологик ишсизликни ўсишига олиб келиши мумкин, бу эса меҳнат бозорида кескинликни кучайишини келтириб чиқаради ва шубҳасиз, қишлоқда касбий-малака таркиби паст бўлган ёшларнинг иш билан бандлиги ва ишсизлиги муаммоларини кескинлашувига олиб келади.

Самарқанд вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотларига кўра, яқин 2-3 йил ичида қишлоқ жойларда демографик босим таъсирида ишчи кучининг таклифи бир қанча кўпаяди ва демак, уни оператив равишда ишга жойлаштириш имконияти қисқаради, меҳнатга талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносиблик ўсади. Шунинг учун, келажакда қишлоқ кадрларининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоси вилоят туманларининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида устивор ўринни эгаллаши керак.

Шу муносабат билан туман маъмуриятлари ва бандликка кўмаклашиш марказларига ҳар бир туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг стратегияси ва тактикасини белгилаш, унинг молиявий бюджетини, қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш бўйича тадбирларни ва самарали демографик сиёсатни ишлаб чиқиш учун меҳнат бозори конъюнктурасидаги вазиятни ҳисобга олиш ғоятда зарурдир. Бунда ҳаммадан аввал лойиҳалаштирилаётган талаб ва таклифни йиғма ишчи кучига таққослаш учун аҳоли сони ва меҳнат ресурслари таркиби ўзгаришларидаги асосий тенденцияларни ҳисобга олиш зарур. Ҳозирги вақтда ҳам яқин келажакда ҳам 30 ёшгача бўлган меҳнатга қобилиятли шахслар ишчи кучининг асосий манбаси бўлади, уларнинг сони кўпроқ демографик ва ижтимоий-иқтисодий омиллар билан белгиланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги вақтдаги қишлоқ кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ

кескинлашган вазият вилоятда демографик ҳолатни ёмонлашуви билан мураккаблашмоқда.

Ишчи кучига ҳақиқий талабни баҳолаш учун мулкчиликнинг ҳар хил шакллари ривожланиши ва ишлаб чиқариш воситалари эгаларининг сонини истиқболлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг устига ҳозирги шароитда хусусийлаштириш натижасида давлат мулки меҳнат бозорида аста-секин ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Келажакда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг хусусий сектори, шу жумладан якка тадбиркорлик ва фермерлик борган сари фаол ривожланади. Бунинг ўзидаёқ ишловчиларни умумий сонининг 90%дан кўпроғи иқтисодиётнинг нодавлат секторига тўғри келади.

Қишлоқ меҳнат бозорининг асосий ташкил қилувчилари (ишчи кучига талаб ва таклиф, уни тақсимланиши ва ишга жойлаштириш)ни истиқболлаштириш учун, биз қуйидаги методикага амал қилдик:

Биринчидан, 2006-2009 йиллар учун биз томонимиздан вилоят қишлоқ аҳолиси умумий сонини ўзгаришининг асосий тенденциялар, шу жумладан: фаолиятнинг соҳалари ва тармоқлари бўйича банд бўлганларнинг миқдори, ишдан озод қилинганлар, ишсизлар ва кўчиб келганларнинг сони истиқболлаштирилган ҳамда тегишли жинсий-ёшли демографик гуруҳлар кесмасида ўтказилган. Тегишли маълумотларни ишлаб чиқиш учун вилоят Давлат статистика Бош бошқармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси ҳисоботларидан фойдаланилган.

Иккинчидан, келажакдаги қишлоқ меҳнат бозори асосий кўрсаткичларини ўсиши мутлоқ ва нисбий суръатларда ўзгариш интенсивлигининг таҳлили ҳар бир тадқиқот қилинаётган динамик қаторни махсус ишлаб чиқилган дастур бўйича статистик тенглаштириш асосида бажарилган (15-илова). Бунда дастлабки маълумотларни силлиқлаш иккинчи ва учинчи тартибдаги параболик вазифалар ($Y=a+bt+ct^2$ ва $Y=a+bt+ct^2+dt^3$), мураккаб кўрсатувчи эгри ($Y=10^{a-bt+ct^2}$ ва $Y=\exp(a+bt+ct^2+dt^3)$) ҳамда $Y=k/1+10+bt$ ва $Y=k/1+acbt$ кўринишидаги худудий вазифалар билан

бажарилган. Таъкидлаш керакки, кейинги иккита тенгламадан хориж ва мамлакатимиз амалиётида меҳнат бозорини моделлаштириш мураккаб ва бир маъноли бўлмаган ривожланишни таърифловчи ҳар хил демографик жараёнларни башорат қилишда кенг фойдаланилади.

Учинчидан, ҳар бир олинган тренд тенгламаси унинг параметрларига муҳимлигини текшириш натижасида (ўртача хатолари ва вариантларининг коэффициентларини ҳисоблаш ўтказилган) қишлоқ меҳнат бозори кўрсаткичларининг яқин 5 йилга тегишли башорати берилган. Бунда навбатдаги йилга башорат ўтган йилларнинг миқдорини, шу жумладан тренд тенгламаси бўйича ҳисоблаб чиқилганларини ҳам ҳисобга олган (3.7-жадвал).

2.6-жадвал.

Самарқанд вилояти қишлоқ жойларида истиқболда меҳнат ресурсларига талабни шаклланиши, минг киши

Кўрсаткичлар	2011й.	2012й.	2013й.	2014й.	2015й.
Ишчи кучига талаб					
Шу жумладан:					
Янги ва мавжуд иш ўринларини эгаллаш бўйича кадрларга эҳтиёж					
Қўнимсизлик сабаби бўйича кетганларни алмаштириш бўйича ходимларга эҳтиёж					
Қонунга мувофиқ кетганларни алмаштириш бўйича кадрларга эҳтиёж					

Маркетинг методологиясига мувофиқ меҳнат бозорини ўрганиш, комплекс ҳолда таҳлил қилиш ва истиқболлаштириш ишчи кучига талабни аниқлаш, яъни ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятининг ҳар хил

2011											
2012											
2013											
2014											
2015											

Бунинг учун биз томонимиздан вилоят аҳолиси сонининг кейинги 5 йил давомидаги динамикаси ўрганилган ва аппроксимациялаш хатоларига кўра белгиланган формула бўйича динамик қаторларни экстраполяциялашни назарда тутувчи компьютер дастурлари ёрдамида келажакка башорати берилган.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, башорат қилинаётган давр давомида қишлоқ аҳолисининг сони тезроқ суръатлар билан (шаҳарникига нисбатан 1,1 марта) ўсади. Бунда унинг мутлоқ ва нисбатан ўсиши ҳаммадан аввал 20 дан 24 ёшгача бўлган ёшли гуруҳнинг улушини кўпайиши билан асосланади.

2.2. Қишлоқ ёшлари ўртасида ишсизлик кўрсаткичларини таҳлил этиш

Ёшлар меҳнат бозори ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида нафақат ўзининг ўзига хос хусусиятлари, балки яхлитлик, динамиклик, очиклик, нисбатан барқарорлик, беихтиёрлик ва таркибийлик хусусиятлари ҳам хосдир.

Яхлитлик – хусусияти ёшлар меҳнат бозорининг сифатий таърифларини яхлит тизим сифатида унинг алоҳида элементлари йиғиндисига қараганда каттароқ ифодаланишда намоён бўлишидан дарак беради. Бу ҳолат янги ва энг мураккаб масалаларни ечишга кўмаклашади.

Динамиклик – ёшлар меҳнат бозорини ўзаро шартлаштирилган ҳаракат ва ривожланиш ҳолатида туришини ифодалайди, чунки ходимлар бир соҳадан бошқасига ўтишлари ҳам корхона ичида ҳам улар ўртасида алоҳида чекланишларсиз жой ўзгартиришларини ифодалайди.

“Ёшлар меҳнат бозори” тизимининг очиқлиги уни бошқа худди шундай ижтимоий-иқтисодий тизимлар, масалан малакали ва малакасиз ходимлар бозори билан мажбурий алоқада бўлишини кўзда тутди.

Нисбатан барқарорлик – ёшларнинг ўз хулқ-атвор хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, улар биринчи иш жойида иш ҳақи юқори бўлмаслиги сабабли муқим ишлаб қолишдан моддий манфаатдор бўлмайдилар, барқарор даромад олишга ундовчи сабаб йўқ бўлиб, ушбу вазият ёшларни ота-оналари кўпчилик ҳолларда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари билан боғлиқ бўлади.

Беихтиёрлик – меҳнат бозорида ёшларни кўпинча дастлабки меҳнат тажрибаларини муайян ишда эмас, балки иш жойларини ўзгартириш йўли билан боғлиқлигини билдиради. Шу билан бирга, ёшларнинг иш билан бандлиги асосан иш берувчиларнинг муносабати билан белгиланади – конъюнктура ёмонлашган ҳар бир ҳолатда улар, аввало, малакаси кам ва тажрибасиз бўлган ёш ходимларни қисқартирадилар.

Таркибийлик – қишлоқдаги ёшлар меҳнат бозорининг мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида, биринчидан, умуман меҳнат бозорининг тизимчаси бўлади, иккинчидан қишлоқ иқтисодиётининг тизимчали соҳасидир. Шунинг учун уни ривожланишининг қонунлари ва хусусиятларини ҳисобга олиш билан ҳам соҳаларнинг мажмуаси ҳам худудий меҳнат бозори сифатида ўрганиш зарур.

Ишсизлик замонавий меҳнат бозорининг характерли хусусияти ва ажралмас қисмидир. У меҳнатга қобилиятли ёшдаги шахслар учун (уларнинг малакалари даражаси, касбий имкониятлари ва истакларига мувофиқ) ишни топиш мумкин эмаслиги билан изоҳланади ва бундан ташқари, ишчи кучига

талабни етишмаслиги ҳамда бир вақтда унинг таклифини ошиб кетиши билан асосланади.

2.8-жадвал

Самарқанд вилоятида 2006-2009 йилларда қишлоқ жойларда ҳисобланган меҳнат ресурслари баланси.

№	Кўрсаткичлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2006-2009 й.й.да ўсиш, (%)
1	Доимий аҳоли сони	2459,8	2553,8	2595,9	2630,5	106,9
2	Меҳнат ресурслари	1232,7	1254,6	1286,1	1328,2	107,7
3	Шундан: иқтисодий фаол аҳоли	895,3	944,6	983,3	958,4	107,3
4	Иш билан банд бўлганлар	844	876,9	902,8	984,3	116,6
5	Иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлганлар	501,4	530,4	580,2	659,8	132,0
6	Иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганлар	321,9	346,5	322,6	324,5	100,8

Манба: Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2.9-жадвал маълумотларига кўра, Самарқанд вилоятида доимий аҳоли сони 2006-2009 йилларда қишлоқ жойларда 106,9 %га ошган ҳолда, қишлоқ меҳнат ресурслари таҳлил этилаётган даврлар оралиғида 95,5 минг киши кўпайган. Иш билан бандларнинг сони эса 116,6 %га ўсган. Шундан иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлганлар ҳиссаси (132,0 %), иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганлар ҳиссаси (100,8 %)га нисбатан мунтазам ўсиш тенденциясига эга. Бу ҳолат қишлоқ меҳнат бозорининг расмий қисми улушининг ошишини ифодалайди.

2.10–жадвал

Самарқанд вилоятида иш билан банд ёшлар динамикаси
(минг киши)

Кўрсаткичлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2006-2009 й.й. ўсиш, (%)
Жами иш билан бандлар	291,8	318,6	343,5	367,4	129,0
Саноатда банд бўлганлар	27,3	27,9	28,4	32,2	118,0
Қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар	89,2	84,7	80,3	80,1	89,8
Қурилишда банд бўлганлар	15,0	15,3	16,8	18,7	124,7
Транспорт ва алоқада	7,3	7,9	8,9	9,9	
Савдо ва умумий овқатланишда банд бўлганлар	24,3	25,4	28,6	30,9	127,2
Бошқа соҳаларда банд бўлганлар	135,7	149,3	180,5	195,6	144,1

Манба: Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Вилоятда жами иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган ёшлар 2009 йилда 367,4 минг кишини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 129,8 фоизга ўсган. Иқтисодиёт тармоқлари ичида қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар таҳлил этилаётган йиллар мобайнида камайиш (79,8%) тенденциясига эга бўлган. Бунинг асосий сабаби иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширилиши натижасида қишлоқ жойларида ноқишлоқ хўжалиги иш ўринлари яратилиши, қишлоқда кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиши бўйича яратилаётган иш ўринлари сонининг мунтазам ўсиб бориши билан изоҳланади.

Иқтисодиёт тармоқларининг 2003-2009 йилларда ёшлар иш билан бандлигининг энг юқори салмоғи транспорт ва алоқада (154,7%) бўлган. Жами иш билан бандлар ичида ёшларнинг ҳиссаси 2009 йилда 31,6 % дан зиёдни ташкил этган.

2.11-жадвал

Самарқанд вилоятида бандликка кўмаклашиш марказларида ишсиз бўлиб рўйхатда турганларнинг ёши тўғрисида маълумот (киши ҳисобида)

Кўрсаткичлар	16-29 ёш		30-50 ёш		50 ёшдан юқори	
	Жами	Шундан: қишлоқ жойларда	Жами	Шундан: қишлоқ жойларда	Жами	Шундан: қишлоқ жойларда
2006 й.	970	819	737	625	233	197
2007 й.	907	773	710	600	220	186
2008 й.	843	714	681	577	211	178
2009 й.	781	659	669	562	202	171

Манба: Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Самарқанд вилоятида кейинги йилларда туман бандликка кўмаклашиш марказларида расмий рўйхатда бўлган ишсизлар сони мунтазам қисқариш тенденциясига эга бўлган. Вилоятда 2006-2009 йилларда 16-29 ёшдаги ишсизлар 80,5 %га, 30-50 ёшдаги ишсизлар 90,8 %га, 50 ёшдан юқори бўлган ишсизлар 86,7 %га қисқарган. Шунингдек мазкур кўрсаткич бўйича қишлоқ жойларда ҳам шундай тенденция кузатилган (2.11-жадвал).

2.11-жадвал маълумотларига кўра, вилоятдаги бундай ҳолат бўйича қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: биринчидан, расмий ишсизлар сонининг камайиш тенденциясига эга бўлиши бандликка кўмаклашиш марказларида мавжуд бўш иш ўринларининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан нуфуз даражасининг пастлиги оқибатида ишсиз сифатида рўйхатда

туришнинг кам самарага эга эканлиги билан изоҳланса, иккинчидан, бандликка кўмаклашиш марказлари фаолиятларининг кўпроқ ишсизлик муаммоларини (ижтимоий функция) ва иш билан бандлик муаммоларини (иқтисодий функция) ҳал этиш ўртасида турли хил вариантларни ишлаб чиқиш бўйича фаолиятлари расмий характерга эга эканлигидадир. Учинчидан, расмий ишсизларни ишга жойлаштириш бўйича иш берувчилар томонидан қийин талабларнинг қўйилишидир.

2.12-жадвал

Самарқанд вилояти қишлоқ туманлари бандликка кўмаклашиш марказларида 2009 йилда ишсиз сифатида рўйхатга олинганларнинг маълумоти бўйича таркиби

Вилоят туман ва шаҳарлари	Рўйхатга олинган ишсизлар умумий сони	Шу жумладан			
		Олий маълумотли	Ўрта махсус маълумотли	Ўрта умум-таълим маълум-	Тўлиқсиз ўрта маълум-
Туманлар					
Оқдарё	33	1	8	23	1
Булунғур	391	9	95	275	12
Жомбой	68	2	16	48	2
Иштихон	49	1	12	34	2
Каттакўрғон	95	2	23	67	3
Қўшрабод	66	2	16	46	2
Нарпай	105	2	24	74	5
Пайарик	119	3	29	84	3
Пахтачи	61	1	16	43	1
Пастдарғом	109	3	28	77	3
Самарқанд	615	14	152	432	17
Нуробод	55	2	14	39	0
Ургут	5	0	1	4	0

Тайлоқ	146	3	36	103	4
Вилоят бўйича	1917	45	470	1349	55

Манба: Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Самарқанд вилояти қишлоқ туманлари бандликка кўмаклашиш марказларида 2009 йилда ишсиз сифатида рўйхатга олинганларнинг маълумоти бўйича таркиби бўйича ишсизларнинг 70,4 %и ўрта умумтаълим маълумотиغا эга бўлганларни ташкил этган. Шундан 75-80 %и қишлоқ ёшларини ташкил этади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ ёшлари меҳнат бозорида кам рақобатбардош ҳисобланишади. Шунинг учун қишлоқ жойларда яратилаётган замонавий иш ўринларига мос қишлоқ ёшларини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш зарур.

Аҳолини иш билан бандлиги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра, расмий рўйхатга олинган ишсизликни даражаси нисбатан юқори эмас ва ҳудудга кўра 3-4 %ни ташкил қилади. Бунда у 16 дан 29 ёшгача бўлган меҳнатга қобилиятлиларнинг умумий сонидagi ишсизлар сифатида рўйхатга олинган ёшларнинг салмоғи ҳисоблаб чиқилади.

Бизнинг нуқтаи назаримиздан, бундай ёндашишни бутунлай тўғри деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки бу кўрсаткич белгиланган даражада ёшлар меҳнат бозоридаги вазият ҳақида тасаввур берса ҳам, бунда ўқувчи ёшлар ва меҳнат қилишни истамайдиганларни ҳисобга олиш тўғри эмас.

Шунинг муносабати билан қишлоқ ёшлари ишсизлиги даражасини ҳисоблаш учун биз қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланишни тавсия этамиз.

$$B1/Q*100\%, B1(B1*Z)*100\%, B1(B1+ZT)*100\%$$

$$B2/Q*100\%, B2(B2*Z)*100\%, B2(B2+ZT)*100\%$$

Бу ерда В1-бандлик хизмати идораларида рўйхатдан ўтган ишсиз ёшларнинг сони, киши;

В2-ХМТ методикаси бўйича ҳисоблаб чиқилган ишсиз ёшларнинг сони, киши;

Q-ёшларнинг умумий сони, киши;

Z-ўқиш ва меҳнат фаолияти билан банд ёшлар;

ZT- фақат меҳнат фаолияти билан банд ёшлар.

Ушбу ҳолда 30 ёшгача бўлган ишсиз ёшлар даражасининг энг тўғри ва аниқ ҳисобини таклиф қилинган формулаларнинг охиригиси (10) бўйича ўтказилиши мумкин, аммо у махсус тадқиқотларни ва аҳолининг сўровларини ўтказишни талаб қилади.

Гуруҳда кўрсатилганлар орасида биринчи формула (9) бўйича кўпроқ ёки камроқ тахминий ишсизлик даражасини ҳисоблаш мумкин.

Ҳар қандай ҳолда ҳам, формуланинг биринчи ёки бошқа гуруҳидан фойдаланишда шуни назарда тутиш керакки, улардан энг **галчиси** ўнгдагига караганда атайин пастроқ натижа беради (бизнинг ҳисоб-китобларимиз бўйича фарқ икки мартага бўлиши мумкин, масалан В1=5минг киши, Q=40,Z=20,ZT-15 минг киши).

Аҳолининг иш билан бандлигининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш ва меҳнат салоҳиятидан унумли фойдаланиш ишсизликнинг даражасига (нормасига) кўп жиҳатдан боғлиқ ва у хорижий ва маҳаллий иқтисодий адабиётларда турли хил методикалар билан аниқланади.

Масалан, Япония статистикасида ишсизлик нормаси (ИН) икки услубда аниқланади²⁶. Биринчи услубда қуйидагича ҳисобланади:

$$ИН = \frac{\text{ишсизлар сони}}{\text{ёлланма ишчилар} + \text{ишсизлар}};$$

Иккинчи услубда ушбу формула қўлланилади:

$$\text{ИН} = \frac{\text{ишсизлар сони}}{\text{иш билан бандлар} + \text{ишсизлар}};$$

Маҳаллий иқтисодий адабиётларда ишсизлик нормаси ишсизлар сонини (I(t)) иш билан банд ишловчилар сонига (R(t)) нисбати сифатида аниқланади:

$$\text{ИН} = \frac{I(t)}{R(t)} * 100\% .$$

Ёшлар ишсизлиги муаммоларини ўрганишда “ишсиз” категориясини ўзининг мазмуни ҳақидаги масала муҳим роль ўйнайди. Масалан, ХМТ ва ХИХРТ (Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти) методикасига кўра, қуйидагилар ишсиз ҳисобланадилар: а) сўров ўтказилган кунда бир ҳафта давомида иш ҳақи ёки фойда олиш учун ишламаётганлар; б) сўнгги ойда иш қидираётганлар; в) ишлашга қодирлар²⁷ (120). Шунинг билан бир вақтда ишсизликнинг бу таърифи қандайдир ишга эга бўлганларни, ҳатто, у қисқа муддатли бўлса ҳам, истисно қилади.

Ғарб мамлакатларида ишсизликни таснифлашда уларни қуйидаги категорияларни бўладилар: бевосита ишсизлар (ишга эга эмаслар, аммо уни интенсив равишда қидирадилар ва дарҳол унга киришишга тайёрлар); ярим ишсизлар (ишга эга эмаслар, ушбу пайтда уни қидирмаяптилар ва унга тушишга тайёр эмаслар); на бандлар, на ишсизлар (ишга эга эмаслар, ҳар хил сабабларга кўра уни қидирмайдилар ва ишни бошлашга тайёр эмаслар (92).

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунига биноан ишсиз шахс деб, меҳнатга қобилиятли (ўн олти ёшдан бошлаб, то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олгунга қадар), ишга ва иш ҳақиға (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга,

²⁷ Остапенко Ю.М. Экономика труда: Учеб пособие.- 2-е изд., -М.: ИНФРА-М, 2007.- (Высшее образование) –с. 44-49.

касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар эътироф этилади.

Бизнинг фикримизча, ёшлар ишсизлиги давомийлиги ва уларни психологик ҳолатининг алоқасини таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларни қилишга имкон беради:

1) иккала жинсли, бирламчи ишсиз 18-23 ёшли ёшлар орасида “иш топишдан деярли умидини йўқотганлар”нинг улуши юқорироқдир, бу психологик ҳолат 24-26 ёшли бирламчи ишсизлар учун ҳам хосдир;

2) бир ойдан камроқ ишсизларда “иш топишдан умидини узганлар” кичик қисмга эга, бу ерда 24-26 ёшли ёшлар кўпроқ, “бундан кейин ҳам иш ёки даромад манбасини қидириб топмоқчи бўладилар”, 27-29 ёшли ёшларнинг эса асосан “яқин келажакда иш топишга ишончлари комил”;

3) бир ойдан бир йилгача ишсиз бўлган ёшларнинг кўпчилиги, 18-23 ёшли аёллардан ташқари, иш қидиришни давом эттирмоқчи бўлганлар, кейингилари эса кўпроқ “деярли иш қидиришдан умидларини узганлар”;

Мажбурий иш билан банд бўлмасликнинг давомийлиги ва яқка шахсни салбий ижтимоий жараёнларда иштирок этиши ёки иштирок этмаслиги ҳақидаги масалаларнинг ўзаро алоқасини кўриб чиқа туриб, яна кўздан кечирилаётган тенденциялар ҳақида ҳам гапириш мумкин.

Юқорида эсга олинган эмпирик маълумотлар қуйидаги тенденциялар ҳақида гапиришга имкон беради:

1) узунлиги бир йилдан ошмайдиган ишсизлик ижтимоий хавfli эмас, бир ойдан камроқ ишсиз бўлган ҳолда, салбий ижтимоий жараёнларда иштирок этмоқчи бўлганларнинг улуши ғоятда кам (аёллар ичида бундайлар умуман йўқ). Назарияда бу “табiiй даража” деб аталувчи, ишсизликнинг характери фрикцион;

2) узунлиги бир йилдан ошувчи ишсизлик, 27-29 ёшли эркаклар бундан истисно, шароитни беқарорлашуви нуқтаи назаридан хавfli эмас, аммо унда жамиятнинг ёшлар қатламини маргинализациялашнинг салбий салоҳияти яширинган;

3) бирламчи ишсизлик ва узунлиги 1 ойдан 1 йилгача бўлган ишсизлик ҳолатида ижтимоий хавфлидир. 18-23 ёшли, ҳамда 24-26 ёшли эркекларнинг ёшли гуруҳларининг ҳуқуқ-атворини олдиндан айтиб бўлмайди.

Ўтказилган тадқиқотларнинг ушбу маълумотлари қуйидаги таҳлилий ҳулосаларни қилишга имкон беради:

1. Оила аъзосига ўртача ойлик даромадидан қатъий назар 18-23 ёшли иккала жинслардагилар норозилик тадбирларига мойиллиги бўрттириб кўринади. Эҳтимол, бу нарса бу ёшли гуруҳда бирламчи ишсизларнинг катта массаси ва бу ёшлар гуруҳининг оила бюджетини шакллантиришдаги кичик улуши туфайли содир бўлади;

2. 24-26 ёшли эркекларнинг норозилик акцияларида иштирок этиш ниятлари яққолдир, аммо норози кайфиятдаги одамларнинг улуши ўзгармасдан қолмоқда;

3. 27-29 ёшли ёшлар чамаси, ҳар хил митингларда иштирок этишни афзал кўрмайдилар. Оила аъзосининг ўртача ойлик даромадни ўсишида норози кайфиятдагиларнинг улуши камаяди.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ ёшларини вақтинча ишга (худди шу нарса қонунчилик томонидан кўзда тутилган) жойлаштиришни ташкил қилиш давлат ижройи ҳокимияти идоралари, иш билан бандлик, таълим, соғлиқни сақлаш идоралари, балоғатга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ёшлар ишлари бўйича қўмиталарнинг бевосита иштирокида ўтказилиши ва иш берувчилар ҳамда касаба уюшмалар, ёшлар ва бошқа жамоа ташкилотлари ҳамда бирлашмалари билан ҳамкорликда амалга ошириши керак.

Фараз қиламизки, давлат иш билан бандлик хизмати идоралари қишлоқ ёшларини ишга жойлаштириш бўйича ишларни доимо ишлаб турувчи ва вақтинча ёшлар ва ўсмирларнинг меҳнат биржалари, вақтинча ёллаш корхоналари, бошқа корхоналар ва жамоа ташкилотларининг воситачилигида шартномалар асосида ташкил қилишлари керак ҳамда бу ишни мустақил ташкил қилишлари ва бевосита ташкилотлар билан шартномаларни, шу

жумладан вақтинчалик қўшимча иш ўринларини ташкил қилишга тузишлари керак.

Шунинг муносабати билан бандлик хизматлари ўсмирларни ишга жойлаштириш учун вақтинчалик қўшимча иш ўринларини ташкил қилиш мақсадида иш берувчиларга Ўзбекистон Республикаси аҳоли иш билан таъминлаш Давлат жамғармасининг вилоят даражасидаги қисми маблағлари ҳисобидан мақсадли компенсацион тўловлар кўринишидаги мақсадли молиявий ёрдамни кўрсатишлари мумкин.

2.3-жадвал

Самарқанд вилоятида иш қидирувчи қишлоқ фуқароларини ишга жойлаштириш (киши ҳисобида).

№	Кўрсаткичлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2006-2009 й.й.да ўсиш, (%)
1	Жами ишга жойлаштирилган фуқаролар сони	39926	41255	44884	50048	125,3
2	16 ёшдан 29 ёшгача бўлганлар	24210	25943	28166	38877	160,5
3	30 ёшдан 50 ёшгача бўлганлар	15712	15312	15535	15654	99,6
4	50 ёшдан юқори	169	177	334	40	23,6

Манба: Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2.3-жадвалда Самарқанд вилоятида иш қидирувчи қишлоқ фуқароларини ишга жойлаштириш бўйича маълумотлар келтирилган. Унга кўра, вилоятда 2006-2009 йилларда жами ишга жойлаштирилган фуқаролар сони 125,3 %га ошган. Шундан, жами ишга жойлаштирилган фуқароларга нисбатан 16-29 ёшгача бўлганлар ҳиссаси 2006 йилда 60,6 %ни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб, бу кўрсаткич 77,7 %га ўсган.

Шунингдек, қишлоқ ёшларини таҳлил этилаётган даврлар оралиғида ишга жойлаштириш кўрсаткичи 160,5 %га ўсган. Вилоятда қолган ёш

гуруҳидагиларни ишга жойлаштириш ёш таркибига қараб нисбатан пасайиш тенденциясига эга бўлган (2006-2009 йилларда 30 ёшдан 50 ёшгача бўлган лар – 99,6 %ни, 50 ёшдан юқори – 23,6 %ни ташкил этган) (2.1-жадвал). Бундай ҳолатнинг юзага келиши республикамизда ёшларга эътиборнинг, хусусан, иш билан бандлик соҳасида анча юқорилиги билан белгиланади. Бунинг ёрқин мисоли республикамизда 2008 йилни “Ёшлар йили”, 2009 йилни “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”, 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб белгиланиши ёшларни, хусусан, қишлоқ ёшларини иш билан бандлигини таъминлаш бўйича турли мақсадли дастурларни ишлаб чиқиладиганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

2.4-жадвал

Самарқанд вилояти қишлоқ туманларидаа 2009 йилга мўлжалланган янги иш ўринларини яратиш дастурларининг бажарилиши.

(киши ҳисобида)

№	Туманлар номи	Жами яратилган иш ўринлари		
		дастур	амалда	%
1.	Оқдарё тумани	3995	4048	101,3
2.	Булунғур тумани	5324	5401	101,4
3.	Жомбой тумани	4181	4230	101,2
4.	Иштихон тумани	5670	5772	101,8
5.	Каттақурғон тумани	5317	5427	102,1
6.	Қушрабод тумани	3509	3603	102,7
7.	Нарпай тумани	5151	5188	100,7
8.	Пайариқ тумани	5995	6092	101,6
9.	Пахтачи тумани	4440	4500	101,4
10.	Пастдарғом тумани	5780	6015	104,1
11.	Самарқанд тумани	7140	7386	103,4
12.	Нуробод тумани	4176	4217	101,0
13.	Ургут тумани	9572	9738	101,7
14.	Тайлоқ тумани	4282	4346	101,5
	Жами	74532	75963	101,8

Манба: Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2009 давомида Самарқанд вилоятида “Аҳолини иш билан таъминлаш Дастури”нинг бажарилиши янги объектларни ишга тушириш, корхоналарни

кенгайтириш ва қайта қуришда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. қишлоқ жойларига саноатни олиб кириш, қишлоқлар қиёфасини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

2009 давомида Самарқанд вилоятида “Аҳолини иш билан таъминлаш Дастури”га мувофиқ жами бўлиб, 90075 та иш ўрни яратилиши керак эди. Бу кўрсаткич амалда 91712 та қилиб бажарилди. Таҳлиллардан кўринадик, “Аҳолини иш билан таъминлаш Дастури” 1,8 % га ортиқ бажарилган. Ушбу дастур Пастдарғом (4,1 %), Самарқанд (3,4 %), Қўшрабод (2,7 %) ва Каттақўрғон (2,1 %) туманларида юқори даражада таъминланган. Каттақўрғон шаҳри (2,0 %) ва Иштихон туманларида (1,8 %) ҳам ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўриш мумкин. Вилоят бўйича янги яратилган иш ўринларининг энг кам улуши Нарпай (0,7 %), Жомбой (1,2 %), Самарқанд шаҳар (1,2 %), Оқдарё (1,3 %) ва Булунғур (1,4 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади (2.14-жадвал).

Ёшлар учун мажбурий тартибда касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурлари ишлаб чиқилиши ва тадбиқ этилган бўлиши керак.

Бизнинг фикримизча, ёшларга ишсизлик бўйича нафақаларни оддийгина тўлаш керак эмас. Швециянинг собиқ меҳнат вазири ўзининг куйидаги фикрларини таъкидлаган: “Ёшларга: мана сизга яшаш учун баъзи бир маблағлар, аммо биз сизнинг хизматларингизга муҳтож эмасмиз, дейишдан ёмони йўқ” (119, 69-б). Шунинг учун ёшларга нафақалар тўлашда эътиборни уларни касбий тайёрлаш ва малакаларини ошириш, ижтимоий фойдали фаолиятга жалб қилишга қаратилган бўлиши зарур. Хорижда ёш ходимлар учун иш ўринларини ташкил қилаётган ва сақлаб қолаётган тадбиркорларга катта ёрдам пуллари берилиши тасодифан эмас.

Шундай қилиб, қишлоқдаги оммавий ишсизликни олдини олиш ва унинг оқибатларини юмшатиш мақсадида қисқа вақтлар ичида қишлоқ ўқувчиларини касбий йўналтиришнинг касб-ҳунар коллежлари ва лицейлар битирувчиларини меҳнат бозорида бирламчи мослашувининг усуллари ва кўникмаларига ўргатиш, улар томонидан иқтисодиёт ва агробизнес,

тадбиркорлик ва фермерлик ишини олиб боришни билиш масалаларини ўзлаштирилишини ҳисобга олувчи, махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш зарур. Шунинг билан бир қаторда қишлоқда ўқувчилар ишлаб чиқариш билан бирга иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш бўйича тегишли шароитлар яратиш зарур.

Демак, ёшлар сиёсати давлат фаолиятида устивор йўналиш бўлиши ва ёшлар таълимни ва бирламчи тайёргарликни нафақат тижорат асосида, балки текин, ишчи кучининг бозордаги ҳолатини, соҳалар ва ишлаб чиқаришларнинг истиқболли ривожланишини ҳисобга олиш билан олишларига кўмаклашиш зарур. Ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиш – бу дотация эмас, балки ижтимоий кредитдир. Шунинг муносабати билан касбий таълим ва биринчи иш жойини олишни таъминловчи ҳар хил дастурларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш зарур.

Бизнинг фикримизча, қуйидагилар ёшларга нисбатан давлат ва ҳукумат сиёсатининг асосий йўналишлари бўлиши керак:

- қишлоқ ёшларининг барча категорияларига таълим, меҳнат ва тиббий хизмат кўрсатишга тенг ҳуқуқли киришлари учун шароитлар яратиш;
- қишлоқ ёшларининг ишга жойлаштириш ва рационал бандлиги кафолатларини таъминлаш;
- касбий йўналтириш ва ишчи кучини самарали бирламчи тайёрлашга кўмаклашувчи хизматлар тармоғини яратиш;
- қишлоқ ёшлари меҳнатларидан фойдаланувчи ва улар учун янги иш ўринларини ташкил қилувчи иш берувчилар учун имтиёзли солиққа тортиш, кредит бериш, қарзларини қайтариш ва бошқа иқтисодий рағбатлар тизимини қўллаш;
- етимлар ва ёш ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш ва шунинг муносабати билан соғлиғида четга чиқишлар ҳамда ҳулқ меъёрлари бузилишига эга ёшларни реабилитациялаш бўйича махсус хизматларни ташкил қилиш;

– иш билан бандлик тузилишини ишдан бўшатилиш хавфи остида бўлган ёшларга нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасига мос касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш.

Шунинг билан бир вақтда кўрсатиб ўтилган муаммоларнинг ечими уларни батафсилроқ ўрганишни ва ёшлар иш билан бандлиги жиҳатларини аниқ ҳудуд даражасида тадқиқот қилишни талаб қилади.

2.3. Қишлоқ ёшлари ишсизлигининг ижтимоий ва иқтисодий сабабларини социологик баҳолаш

Мамлакатимизда қишлоқ ёшлари ишсизлиги мураккаб ва кўп жиҳатли ҳодисадир. Шунинг учун қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришга доир тадқиқотларнинг кучли дастурини ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этади. Тадқиқотнинг назарий методологияси асосида диссертация муаллифи куйидаги келтирилган дастурни таклиф қилади.

18-29 ёшли қишлоқ ёшлари ўртасида интенсивроқ ишсизлик кузатилади. Бир томондан, ёшлар аҳолининг энг фаол, меҳнатга қобилиятли ва етарлича нафсониятли қисмидир. Уни ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этмаслиги, йирик моддий йўқотишларга олиб келади. Бошқа томондан, ёшларнинг ишсизлиги натижасида бир қатор салбий ижтимоий оқибатларни юзага келтиради. Ишламайдиган ёшлар ўз фаолиятлари давомида жинорий элементларни амалга оширишга мойилликлари пайдо бўлади, жиноятчиликни иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан жиддий хавфини вужудга келтиради. Шунинг учун ёшлар ишсизлиги ҳозирги жамиятда кескин ижтимоий муаммоларнинг бири ҳисобланиб, айтиш мумкинки, кўпгина ҳукуматлар, иш билан бандлик хизматлари, ижтимоий ҳаракатлар ва партияларнинг бош ижтимоий масалаларидан биридир. Масалан, ишсизларнинг умумий сонидан ишсиз ёшларнинг улуши АҚШда 32,8 %, Буюк Британияда 30,5 %, Францияда 24,0 %ни ташкил қилади.

Бир томондан, ёшлар учун мустақиллик ва иқтисодий қарам бўлмасликка интилиш хосдир, бошқа томондан эса амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар стратегияси ёшларни ташаббускор меҳнат фаолиятига жалб қилишга тўсқинлик қилади. Меҳнат бозоридаги ёшларнинг рақобатбардошлиги касбий таркиб, таълим даражаси, ишлаб чиқариш тажрибасини иш берувчиларнинг талаблари, меҳнат бозоридаги талабнинг тузилишига мос келмаслиги асосида пасаяди. Шунингдек, ёшлар – бу бирламчи иш билан банд бўлганлар, яъни меҳнат бозорига биринчи марта чиқувчилардир.

Шундай қилиб, тадқиқот объекти бўлиб – Самарқанд вилоятида 18-29 ёшдаги қишлоқ ёшлари, уларнинг демографик ва ижтимоий гуруҳ сифатидаги хусусиятлари ҳамда социологик сўров натижалари ҳисобланади. Самарқанд вилоятидаги 18-29 ёшли шахслар ўртасидаги ишсизлик тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Муаммоли вазиятни ўрганиш бўйича ушбу тадқиқотнинг мақсади – Самарқанд вилоятида қишлоқ ёшлари ишсизлигининг ўзига хослигини тушуниш ва ўтказилган социологик тадқиқотларнинг яқунлари бўйича қилинган хулослар асосида ижтимоий салбий оқибатларга қарши тадбирлар режасини яратишдан иборат. Қуйилган мақсадларга эришиш қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни кўзда тутди:

I. Назарий вазифалар:

А). Иш билан банд бўлмаган қишлоқ ёшларининг баъзи бир аломатлари, хусусан, жинси ва ёш таркиби бўйича таснифлаш ;

Б). Ушбу минтақа ёшлар ишсизлигининг салбий оқибатларини таснифлаш;

В). Шу асосда диссертация муаллифининг асосий тахминларини амалиётда текширишга имкон берувчи анкета яратиш;

Г). Самарқанд вилояти қишлоқ ёшлари ишсизлигининг кескинроқ салбий оқибатларини аниқлаш;

Д). ишсизликнинг кескинроқ салбий оқибатлари сабабини таҳлил қилиш.

II. Амалий вазифалар:

А). Яратилган анкета асосида социологик сўровни ўтказиш ва унинг ушбу сўровни объектив деб ҳисоблашга имкон берувчи хусусиятлари ва омилларини назарий тушунтириб бериш;

Б). Олинган дастлабки маълумотларни таҳлил қилиш;

В). Миқдорий ва сифатий таҳлиллар асосида қилинган ишдан хулосалар чиқариш;

Г). Назарий фаразлар ва таҳлилий хулосаларнинг мослигини текшириш;

Д). Юқорида эслатиб ўтилган фаразларни хулосаларга мослигига нисбатан нуқтаи назарларни айтиш.

Ушбу тадқиқотнинг асосий тушунчаларини тушунтириш мазкур ишнинг биринчи бобидан бошланган. Шунга қарамасдан, эҳтимол, асосий тушунчаларни лўнда, жамланган шаклда такрорлаш зарур бўлади.

Демак, ёшлар ишсизлиги-бу 18 дан 29 ёшгача бўлган иқтисодий фаол аҳолининг меҳнат бозоридаги мувозанатини доимий равишда бузилиши оқибатида вужудга келадиган ихтиёрий ёки мажбурий иш билан банд бўлмасликдир. Ишсизликнинг ҳолатини қуйидаги аломатлар: ишга эҳтиёж, иш қидириш, ишлашни исташ, ишдан ташқарида бўлиш билан ифодаланади.

Афтидан, бундай вазият ўз кетидан салбий оқибатларни олиб келади. Қишлоқ ёшлари ишсизлигининг салбий оқибатлари – бу иқтисодий ва ижтимоий харажатлардир. Қишлоқ ёшлари ишсизлигининг салбий ижтимоий оқибатлари қуйида батафсил равишда кўриб чиқилади.

Ушбу ишда ёйиладиган ва текшириладиган гипотезалар қуйидагилардан иборатдир:


А). Қишлоқ ёшлари таркибининг бир турли эмаслиги ва бунинг оқибатида ёшлар ишсизлиги билан курашишнинг самарали дастурини ишлаб чиқиш учун қўлланилаётган чораларнинг бир хил эмаслиги ҳақида гипотеза;

Б). Меҳнат бозорида ёшларнинг биринчи марта мазкур бозорга чиқаётганларининг катта қисми туфайли камроқ рақобатбардошлиги ҳақида гипотеза;

В). Қишлоқ ёшларининг иқтисодий ва ижтимоий нафсониятлилиги ҳақидаги гипотеза;

Г). Қишлоқ ёшлари ишсизлигининг устивор салбий оқибатларини аниқлаш ҳақидаги гипотеза ва превентив инқирозга қарши мазмундаги бирламчи чораларни ишлаб чиқиш;

Д). Қишлоқ ёшларини меҳнат бозорининг бошқа сегментларига нисбатан катта миқдорда сафарбарликка эга эканлиги ҳақидаги гипотеза.



2.1-расм. Қишлоқ ёшлари ишсизлигининг туркумланиши*

*Муаллиф томонидан Самарқанд вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотларига асосан тузилди.

2.1-расмдан кўриниб турибдики, 18-29 ёшли ишсиз қишлоқ ёшларининг бир хил эмаслиги, айрим гуруҳларга хос аломатлар бўйича туркумлаштирилиши мумкинлиги ҳақидаги далил шубҳа уйғотмайди. Буни ҳар бир гуруҳни батафсилроқ ўрганиш ва улар ўртасидаги фарқларни асослаш мақсадида тадқиқ қилиш керак. Ишсиз қишлоқ ёшларини таснифловчи гуруҳларнинг туркумлаштирилиши ва асослаш муаммоси етарлича янги эканлигини эътиборга олган ҳолда, диссертация муаллифи

назарий умумлаштиришлар ва эмпирик таҳлил натижалари асосида айнан мантиқийлик ва экспертлик тамойилларидан фойдаланган ҳолда, бу масаладаги ўзининг тасаввурларини шакллантиришга ҳаракат қилган. Албатта таснифлаш тартибга солинган ва Самарқанд вилоятидаги 18-29 ёшли ишсиз қишлоқ ёшларининг таркиби бир хил эмаслиги ҳақидаги гипотеза билан ўзаро алоқани очиб бериши керак.

Бизнинг фикримизча, 18-29 ёшли ишсиз ёшларни ҳаммадан аввал ёши бўйича урта гуруҳга бўлиш керак. Уларни иккита гуруҳга бўлиш ҳар бирининг хусусиятини етарлича очиб бермайди, демак тадқиқот чуқур бўлмаган ва юзаки бўлади. Шу билан бир вақтда ишсиз қишлоқ ёшлари ёши бўйича тўртта гуруҳли сегментларга бўлиш ушбу тадқиқотнинг асосланмаган мураккаблаштириш бўлади, чунки 2-5 йил бу яқка шахснинг онгида тубдан ўзгаришлар содир бўлиши мумкин бўлган муддат эмас. Шунинг учун муаллиф қуйидаги ўтказилган таснифлашни таклиф қилади.

Биринчи гуруҳ 18-23 ёшлиларни қамраб олади. Улардан кўпчилиги ё ўрта касбий ёки олий маълумотга эгалар, бу улар фуқаролик ёки ҳарбий касбга эгалликлари ҳақида дарак беради. Аммо ҳамма вақт ҳам олинган касб бозор талабларига мос келавермайди ва талаб қилинмаслиги мумкин. Кўпинча, бу гуруҳга кирувчи қишлоқ ёшлари ишнинг амалий тажрибасига эга эмаслар ва меҳнат бозорига биринчи марта чиқмоқдалар.

Иккинчи гуруҳ 24-26 ёшли қишлоқ ёшларидир. Бу ёшли гуруҳда ҳам бирламчи иш билан бандлик мавжуд, бу вақтда бу ёшли кишилар олий ўқув юрти (ОЎЮ)ни битирганларидан кейин меҳнат бозорига биринчи марта чиқадилар. Таъкидлаш керакки, бирламчи иш билан банд бўлганларнинг даражаси олдинги гуруҳга нисбатан анча пастдир. Ёшларнинг бу гуруҳи ҳам ишга жойлашишда қийинчиликларни бошидан кечирмоқда, чунки кейинги йилларда битирувчиларни ОЎЮдан кейинги тақсимлаш бекор қилинган, меҳнат бозори мутахассислар билан тўлиб кетган, тайёрлашнинг сифати ва тузилиши эса ҳамма вақт ҳам замонавий талабларга мос келмайди.

Учинчи гуруҳни 27-29 қишлоқ ёшлари ташкил қилади. Бу ёшлар гуруҳи меҳнат бозорида бир оз яхшироқ ҳолатга эга, чунки улар ўз маълумотларининг базавий даражасини ва яқин йиллар давомида нима билан шуғулланмоқчи эканлигини белгилаб олганлар. Аммо ёшларнинг бу гуруҳида ишсизлик масаласи етарлича кескин бўлиб қолмоқда, чунки яқка шахсларнинг иззат-нафслари иш берувчилар таклиф қилаётган шартлар билан зиддиятларга киришмоқда.

Баъзи бир тадқиқотчилар ёшларни таснифлашни 16 ёшдан, баъзида эса 14 ёшдан бошламоқдалар. Бизнинг фикримизча, бундай йўл бир қатор камчиликлар билан боғлиқ, улар ўртасида: фаол меҳнат фаолиятига кириш учун етарлича бўлмаган психологик тайёргарлик, касбни йўқлиги, тажрибани етишмаслиги хосдир. Шу билан бирга, бундай босқичда меҳнат бозорига кириш ёш кишига етарлича маълумот олишга ҳалақит беради, бу нарса бўлғуси авлодларнинг ақлий салоҳиятини шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Аммо тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон 30 ёшли кескин ўзгаришли ёшга кирганда, уни ёшлар гуруҳига киритиш ўринли эмас.

Қишлоқ ёшлари ишсизлигининг салбий ижтимоий оқибатларини ўрганишни қуйидаги асосий йўналишлар бўйича олиб бориш керак:

1. Қишлоқ ёшлари ишсизлигининг унинг турмуш даражасига босими;
2. Жиноий кўрсаткичларни ёмонлашуви;
3. Жамиятнинг ижтимоий кескинлик ва сиёсий беқарорликка босими;
4. Ишсиз қишлоқ ёшлари қатламининг маргинализацияланиши, меҳнат бозоридаги рақобатни кучайиши оқибатида қишлоқ ёшлари ишсизлигини иш билан банд бўлганлар иш ҳақи даражасига босими;
5. Ишсиз қишлоқ ёшларига ижтимоий компенсацияларни тўлаш зарурлиги оқибатида иш билан банд бўлганларга ўсиб борувчи солиқ юки;
6. Узоқ вақт иш билан банд бўлмаган ишсиз қишлоқ ёшлари малакаларини тўлиқ ва қисман йўқотиши ва малакасини оширишга ижтимоий харажатларни кўпайиши.

Қишлоқ меҳнат бозори ёшларнинг ишсизлигини камайтириш ҳамда уларнинг иш билан бандлигини ошириш бўйича ижтимоий-иқтисодий асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш аниқ социологик сўровлар ўтказишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

2010 йил август-сентябр ойларида диссертация муаллифи Самарқанд вилоятида қишлоқ меҳнат бозори ёшларнинг ишсизлигини камайтириш йўллариини ўрганиш мақсадида туман бандликка кўмаклашиш марказларида рўйхатида турган 16-29 ёшдаги ишсизлар билан аниқ социологик сўровлар ўтказди.

Меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланишини ўрганиш учун аниқ социологик сўровларнинг объекти сифатида Самарқанд вилоятининг Нарпай, Пахтачи, Паст-Дарғом, Каттақўрғон, Иштихон, Оқдарё, Жомбой ва Тайлоқ туманларининг меҳнат бўлимлари танлаб олинди. Бу объектлардан 630 та респондент (сўралувчи) танлаб олинди. Респондентларнинг барчаси меҳнат бўлимларида рўйхатда бўлган ишсизларни ташкил этди. Улар 600 та анкета саволларига тўла жавоб бердилар. Жинсий таркиби бўйича респондентларнинг 58,3 %и эркаклар ва 41,7 %и аёллар. Улардан 17,3 %и бошланғич, 22,8 % тўлиқсиз ўрта, 20,8%и тўлиқ ўрта, 4,8 %и тўлиқсиз махсус ўрта, 12,7% махсус ўрта, 12,4 %и тўлиқсиз олий ва 9,2 %и олий маълумотга эгалар. Анкеталар ўзбек тилида тузилди.

Социологик таҳлил шуни кўрсатадики, тадқиқот қилинаётган вилоятнинг жойлардаги туман бандликка кўмаклашиш марказлари бўйича респондентларнинг 44,7%и тўлиқ, 18,0%и қисман, 12,8%и вақтинчалик ва 24,5% мавсумий ишсизлик турларига тааллуқли. Тўлиқ ишсизлик пайдо бўлишининг асосий сабаблари қуйидагилар: иш ҳақининг паст даражаси, иқтисодий ночор кохоналарнинг тугатилиши, ўз хоҳиши билан ишдан бўшаши, малака даражасининг иш жойлари талабаларига мос келмаслиги ва бошқалар.

Қисман ишсизлик иш ҳақининг паст даражаси, соғлиқнинг ёмонлашувчи, иш вақтининг кўп қисмида уй хўжалиги билан шуғулланганлиги сабабли пайдо бўлади.

Вақтинча ишсизлик кўпроқ ёшлар ўқув юртини тугатгандан сўнг ишга жойлаша олмаслиги, аёлларнинг уч ёшгача бола тарбияси билан шуғулланганлиги, ишлаб чиқариш ҳажмининг вақтинча қисқариши, юқори маошли бошқа иш қидириши, малака даражаси иш жойи талабаларига мос келмаслиги каби сабабларга кўра вужудга келади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноат секторларининг тармоқлари учун мавсумий меҳнат характерли. Бу эса, мавсумий ишсизлик пайдо бўлишига асос бўлади.

Социологик таҳлил шуни кўрсатадики, ишсизларнинг 28,7%и етарли, 44,5%и қисман етарли, 26,8% и паст малакага эгадир. Малакаси паст бўлган ишсизларнинг барчаси турли хил ўқув юртларида бошқа мутахассисликни ўрганишни истайдилар, шу жумладан: давлат олий (30,4%) ва махсус ўқув юртларида (27,9%); хорижий ўқув юртларида (3,7%); нодавлат ўқув юртларида (5,6%) ва янги иш жойидаги махсус курсларда (8,1%); меҳнат бўлимлари ёрдамида махсус курсларда (12,4%); кадрлар агентлигининг махсус курсларида (11,8%). Аммо давлат молиявий ресурсларининг етишмаслиги сабабли барча хоҳловчиларни янги мутахассисликлар бўйича қайта ўқитиш учун пул маблағлари билан таъминлай олмайди. Шунинг учун респондентларнинг кўпчилиги янги касб эгаллашни иш билан бандликка кўмаклашиш жамғармаси (29,7%), янги иш жойларининг эгалари (7,5%), шахсий (10,4%), хомийлар (12%), ота-она жамғармаси (13%) ва ижтимоий-хайрия жамғармалари (9,5%) ҳисобидан амалга оширишни истайдилар.

Социологик сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 76%дан ортиғи иш берувчи томонидан меҳнатига мос иш ҳақи ўз вақтида тўланганда (32,3%), мутахассислигига мос иш жойи тақдим этганда (25,7%), тўлиқ иш вақти бўлганда (18,5%) каби меҳнат шароитларини яратганда унга ёлланиб ишлашни хоҳлайдилар.

Тажрибаларга асосланадиган бўлсак, корхоналарда ёлланма ишчи-ходимларнинг ўз касб-малакаларига мос, тўлиқ иш вақти бўйича иш жойларига эга бўлишлари уларнинг меҳнат натижаларига бўлган қизиқишлари ортишига ва бунинг натижаси улароқ меҳнат самарадорлиги ошишига олиб келади.

Респондентларга жойлардаги меҳнат бўлимлари орқали қуйидаги хизмат турлари кўрсатилган:

- янги иш жойи тайинланган (12,2%);
- ишсизлар рўйхатига киритилган (12,8%);
- ишсизлик нафақаси белгиланган (10,5%);
- жамоат ишига таклиф этилган (17,3%);

Респондентларнинг 10,7%и маҳаллий меҳнат бўлимлари фаолиятини «яхши» ва 49%и «қониқарли» баҳолайдилар. Аммо жавоб берувчиларнинг 9,5%и уларнинг хизматларидан асосан қуйидаги сабабларга кўра қаноатланмайдилар;

- бўш иш жойлари ҳақида аниқ маълумотлар олиш имкониятининг қийинлиги (23,2%);
- касб-малакаси бўйича мос ишни топиб бера олмаслиги (27%);
- ишсизлик нафақасининг пастлиги (15,3%);
- меҳнат бўлимлари фаолияти расмий характерга эга эканлиги (3,2%);
- малака ошириш йўналишларининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги (5,5%);
- ишсизлик муддатининг узок давом этиши (12,2%).

Респондентларнинг фикрича, ишсизлик нафақасининг камлиги (8,5%), ишсизларнинг касби ва малакаси бўйича иш жойининг қониқтирмаслиги (29%), ишсизликнинг узок давом этиши (9%), бўш иш жойи ҳақида аниқ маълумотларнинг етарли эмаслиги (13,5%), таклиф этилган иш жойида иш ҳақининг пастлиги (36,5%) каби сабабларга кўра ишсизлар иш топиш

мақсадида меҳнат бозори инфратузилмаси ташкилотлари хизматидан фойдаланишни хоҳамайдилар.

Социологик таҳлил натижаларига кўра, иш билан бандлик хизмати органларининг иш берувчилар билан ишлашида ахборотлар алмашиш тизимининг яхши ривожланмаганлиги (20,5%), иш берувчилар томонидан бўш иш жойларининг яширилиши (24,5%), нуфузли бўлмаган иш жойларининг кўплиги (18,5%), корхоналарда иш ҳақининг пастлиги (11,5%) ва бошқа тўсиқларнинг мавжудлиги қишлоқ ёшлари ишсизлигининг яширин шакли ўсишига олиб келади.

Вилоят меҳнат бозори қишлоқ ёшлари ишсизлиги ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳудудий меҳнат бозорининг шаклланиш самарадорлиги бир қатор муаммолар ечимини ёритишни назарда тутди. Бизнингча, бу муаммолар қуйидагилардан иборат:

1. Қишлоқ меҳнат бозорида малакали кадрларнинг тақчиллиги.

Иқтисодиётда меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши, замонавий янги тармоқларнинг вужудга келиши учун асос яратмоқда. Бунинг натижасида меҳнат бозорида замонавий касблардаги малакали кадрларга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Сўнгги 3-4 йилда меҳнат бўлимларида малакали ишчи кучи ошганлиги ва олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассисларни иш билан таъминланганлик даражасини ўсиши кузатилмоқда. Лекин, вилоят меҳнат бозорида олий маълумотли ва малакали кадрларнинг таклифи 7-8%ни, айрим ҳолларда 6-7%ни ташкил қилмоқда. Бизга маълумки, меҳнат бозорининг самарали шаклланиши учун малакали кадрлар жами ишчи кучининг 20-30%ини ташкил қилиши зарур.

2. Таркибий ишсизлик.

Вилоятда 2010 йил бошига келиб меҳнат бўлимлари ҳисоби бўйича корхоналарда мавжуд бўш иш ўринлари 1942 тани ташкил этган бўлиб, шу даврда ишсизлик миқдори 12128 кишини ташкил этган (2.1 – расм). Бундан кўринадики, иқтисодиёт тармоқларидаги технологик ва мулкчилик

муносабатларининг ўзгариши таркибий ишсизлик миқдорининг ошишига олиб келмоқда. Шундай бўлсада, иқтисодиёт тармоқларида янги ши ўринларининг яратилиши натижасида вилоят бўйича 2004 йил 2003 йилга нисбатан ишсизлик даражаси 0,2% га қисқарган.

3. Иқтисодиёт тармоқлари учун зарур бўлган малакали кадрлар таркиби ва касбга тайёрлаш ва йўналтириш бўйича ўқув юртлари ўртасидаги номувофиқлик.

Таълим тизими ва марказларида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат кўрсаткичлари бўлиб, битирувчиларнинг ишга жойлашиш даражаси бўлиши зарур.

4. Ишсизлик давомийлигининг юқорилиги, бу кўрсаткич ишсизлик муддатини ўртача 6-7 ойгача чўзмоқда. Бунинг натижасида, ишлаб чиқаришда банд бўлмаган меҳнат ресурслари салмоғининг ошиб бориши бир неча ўн минглаб кишилар кун иш вақтининг йўқолишига олиб келмоқда.

Ишсизликни давомийлигининг юқорилиги: бўш иш ўринлари ҳақида ахборотларнинг етишмаслиги; қонунчиликда кўрсатилмаган ортиқча ҳужжатларнинг иш берувчилар томонидан талаб этилиши; кадрларни танлаш усуллари муддатининг чўзилиб кетиши; кўпчиликнинг бир хил касблар бўйича мутахассисликка эгалиги; кадрларни қайта тайёрлашнинг узок муддатлиги ва бошқа сабаблар натижасида юзага келмоқда.

5. Кадрлар қўнимсизлигининг юқорилиги.

Корхоналарда кадрлар қўнимсизлигининг юқори даражада эканлигини асосий сабаблари қуйидагилардан иборат: иш ҳақини корхона фаолиятини яқуний натижалари билан боғланмаганлиги; транспорт воситаларидаги чипта ҳақининг ошиши; кадрларнинг қисқариши; иш жойларида меҳнат шароитларининг ёмонлашуви; иш берувчилар томонидан меҳнат қонунчилигининг бузилиши ва бошқалар.

6. Иш изловчи фуқаролар учун бўш иш жойларига танловлар ўтказиш ҳақида ахборотлар олишнинг қийинлиги, иш берувчиларнинг бўш иш жойлари ҳақида ахборотларни сир тутиши.

Кўпчилик иш берувчилар Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» Қонуннинг талабларига қарамасдан иш билан бандлик хизмати органларига бўш иш жойлари ҳақида тўлиқ ахборотни бермайдилар. Улар бошқа имкониятлардан фойдаланиш мақсадида қариндошлари, ўзининг корхонасидаги яқин танишлари орқали бўш иш ўринларига номзодларни танлайдилар.

7. Кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш доирасидаги муаммолар.

Буларга: тадбиркорликнинг бошланғич босқичида фаолиятини ривожлантириш учун кредит маблағларининг етишмаслиги; хом ашё-материаллар етказиш бўйича ҳамда тайёр маҳсулот реализацияси бўйича муаммоларнинг мавжудлиги; зарур билим ва маслаҳат хизматларидан фойдаланиш имкониятларининг чегараланганлиги ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ меҳнат бозори инфратузилмаси барча субъектлари, шунингдек давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари юқорида келтирилган қишлоқ меҳнат бозоридаги муҳим муаммоларнинг ечимини вилоят иш билан бандлик хизматлари доирасида содир бўладиган жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш ва назорат қилиш асосида қуйидаги ишларни амалга оширишлари зарур: ишсизликни ушлаб туриш, унинг давомийлигини қисқартириш, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида мувозанатга эришишни таъминлаш, фуқароларни ишга жойлаштириш самарадорлигини ошириш, ишсизларни, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ўз вақтида тўлиқ миқёсда амалга ошириш.

Шунингдек, малакали кадрлар тақчиллиги даврида меҳнат ресурслари сифат кўрсаткичларини ошириш бўйича вилоят миқёсида дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; давлат иш билан бандлик хизмати фаолияти доирасида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича таркибий бўлим яратиш ва бу масалаларга қизиқувчи субъектларни жалб қилиш; мутахассислар асосида эксперт комиссиясини

тузиш ва уларнинг зиммасига иш билан бандлик миқёсидаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни ҳар томонлама объектив баҳолашни ўтказишни юклатиш зарур

Самарқанд вилоятида 18-29 ёшли ишсиз қишлоқ ёшларининг танлаб олинган мажмуасини тўғри чизиқли таҳлили қуйидаги хулосаларни қилишга имкон беради:

1. Респондентларнинг жуда кўпчилиги касб ва мутахассисликларга эга, бунинг устига, қоидага кўра, улар бошқа касблар ва мутахассисликларга эга эмаслар. Бунда мутахассислик бўйича иш стажи амалий иш стажидан анча паст. Сўралганларнинг ярмидан кўпи зарур бўлганда ўз малакаларини оширишга ёки янги касб, мутахассисликни олишга тайёрлар;

2. Эркаклар учун ишни ташлаб кетишнинг асосий сабаби иш ҳақидан қаноатланмаганлик, аёллар учун эса – штатларни қисқаришидир;

3. Ишсизлик ишсиз қолган қишлоқ ёшларининг турмуш даражасига жуда жиддий таъсир кўрсатади. Самарқанд вилоятидаги қишлоқ ёшлари ишсизлиги фрикцион эмас, балки тезроқ таркибий характерга эга бўлади;

4. Ёш ишсизларнинг тўртдан уч қисми келажакка эҳтиёткорона оптимизм билан қарайдилар, митинг қилишни истамайдилар, ўзларининг вақтинча иш билан банд бўлмасликларига барча даражадаги ҳокимиятлар айбдор деб ҳисоблайдилар, барқарор давлат секторини хусусий сектордан афзал биладилар.

Бу ерда 24-26 ва 27-29 ёшли каттароқ гуруҳли ёшларда ҳам эркаклар ҳам аёлларда амалда тугалланмаган ўрта маълумотга эга респондентлардан ташқари яқол тенденциялар кўзга ташланмайди.

Юқорида таҳлил қилинган маълумотлар қуйидаги хулосаларни қилишга имкон берадилар:

1) Касб, мутахассислик, амалий иш тажрибаси, мутахассислик бўйича иш тажрибасининг мавжудлиги, оилавий ҳолати респондентларнинг ёшига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади;

2) Бир ёшли гуруҳдан бошқасига ўтишда баъзи бир саволларга аёллар эркекларга нисбатан барқарорроқ жавоб берадилар. Хусусан, аёлларнинг иш ҳақидан қоникмаганлиги сабабли ишдан бўшаган ва иш билан бандлик хизматига ишончининг юқори даражасини билдирган қисми тахминан доимийдир. Эркаклар эса бир ёшли гуруҳдан бошқасига ўтишда, ушбу саволларга жавоб бера туриб, иш ҳақидан норози бўлганларнинг ошиб бораётган қисмини ва иш билан бандлик хизматига юқори даражада ишонувчиларнинг пасайиб борувчи қисмини намоён қилганлар;

3) Ҳам эркеклар ҳам аёлларда баъзи бир масалаларда иштирок этиш имконияти ва иш топиш имкониятига ишониш даражаси юқори тенденцияда кўзатилади. Аммо бунда 24-26 ёшли эркеклар ва аёлларнинг жавоби анча фарқланади. Бу ёшдаги эркекларнинг биринчи саволга жавоблари 18-23 ёшли эркекларнинг жавобларига яқин, бу ёшдаги аёлларнинг иккинчи саволга жавоблари 27-29 ёшли аёллар жавобларига яқин.

Қишлоқ ёшлари ишсизлигининг уларни ижтимоий-сиёсий фаоллигига таъсири.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ ёшлари ишсизлигининг давомийлиги ва уларни психологик ҳолатининг алоқасини таҳлил қилиш кўйидаги хулосаларни қилишга имкон беради:

1) иккала жинсли, бирламчи ишсиз 18-23 ёшли қишлоқ ёшлари ўртасида “иш топишдан деярли умидини йўқотганлар”нинг улуши юқорироқ бўлади, бу психологик ҳолат 24-26 ёшли бирламчи ишсизлар учун ҳам хосдир;

2) бир ойдан камроқ ишсизларда “иш топишдан умидини узганлар” кичик қисмга эга, бу ерда 24-26 ёшли қишлоқ ёшлари кўпроқ, “бундан кейин ҳам иш ёки даромад манбасини қидириб топмоқчи бўладилар”, 27-29 ёшли қишлоқ ёшларининг эса асосан “яқин келажақда иш топишга ишончлари комил”;

3) бир ойдан бир йилгача ишсиз бўлган ёшларнинг кўпчилиги, 18-23 ёшли аёллардан ташқари, иш қидиришни давом эттиришга мойил бўлади.

Мажбурий иш билан банд бўлмасликнинг давомийлиги ва якка шахсни митинглар, рикетларда иштирок этиши ёки иштирок этмаслиги ҳақидаги масалаларнинг ўзаро алоқасини кўриб чиқа туриб, яна кўзда кечирилаётган тенденциялар ҳақида ҳам гапириш мумкин.

Юқорида эсга олинган эмпирик маълумотлар қуйидаги тенденциялар ҳақида гапиришга имкон беради:

1) давомийлиги бир йилдан ошмайдиган ишсизлик ижтимоий хавфли эмас бир ойдан камроқ ишсиз бўлган ҳолда, ижтимоий жиҳатдан салбий оқибатларга олиб келувчи ишларда иштирок этмоқчи бўлганларнинг улуши ғоятда кам (аёллар ичида бундайлар умуман йўқ) бўлади. Назарияда бу “табiiй даража” деб аталувчи, фрикцион ишсизликни ифодалайди;

2) давомийлиги бир йилдан ошувчи ишсизлик, 27-29 ёшли эркеклар бундан мустасно, шароитни беқарорлашуви нуқтаи назаридан хавфли эмас, ammo унда жамиятнинг ёшлар қатламини **маргинализациялашнинг** салбий салоҳияти яширинган;

3) бирламчи ишсизлик ва давомийлиги 1 ойдан 1 йилгача бўлган ишсизлик ғоятда ижтимоий хавфлидир. Бунда 18-23 ёшли ҳамда 24-26 ёшли эркекларнинг ёшли гуруҳлари хулқини олдиндан айтиб бўлмайди.

Ўтказилган тадқиқотларнинг ушбу маълумотлари қуйидаги таҳлилий хулосаларни қилишга имкон беради:

1. Оила аъзосига ўртача ойлик даромадидан қатъий назар 18-23 ёшли иккала жинслардаги ишсизлар норозилик тадбирларига мойиллиги бўрттириб кўрсатилади. Эҳтимол, бу нарса бу ёшли гуруҳда бирламчи ишсизларнинг катта массаси ва бу ёшлар гуруҳининг оила бюджетини шакллантиришдаги кичик улуши туфайли содир бўлади;

2. 24-26 ёшли эркекларнинг норозилик акцияларида иштирок этиш ниятлари яққолдир, бунинг устига оила аъзосига пул даромадларини ўсгани сари бу гуруҳдаги респондентларнинг сони камаяди, ammo норози кайфиятдаги одамларнинг улуши ўзгармасдан қолади;

3. 27-29 ёшли қишлоқ ёшлари ҳар хил норозилик намоёишларида иштирок этмайдилар. Оила аъзосига ўртача ойлик даромадни ўсишида норози кайфиятдагиларнинг улуши камаёди.

Параграфни тугаллаб туриб, таъкидлаш керакки, ёшларнинг ишсизлиги уларнинг турмуш даражасига босим кўрсатиши яққолдир, ишсиз қишлоқ ёшлари қатламлари, айниқса, узоқ вақт иш билан банд бўлмаганларни маргинализациялаш очиқ-ойдиндир, ижтимоий кескинлик ва сиёсий беқарорликнинг жамиятга босими шубҳа уйғотмайди.

Ишсиз ёшларнинг психологик ҳолати, ёшлар ишсизлигининг социологик портрети.

Юқорида таҳлил қилинган жамиятнинг ёшлар кесмаси бўйича маълумотлари қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

1) Бу психологик ҳолатга боғлиқ бўлмаса ҳам барча жинсий ёшли гуруҳларда ҳар қандай ишга розиларнинг улуши катта эмас;

2) Амалда барча жинсий ёшли гуруҳларда психологик ҳолатни яхшиланганлиги сари олдинги мавқиедан паст бўлмаган мутахассислик бўйича ишлашга розиларнинг улуши ошади.

3) Барча ёшдаги эркакларнинг устунлиги ҳар қандай юқори ҳақ тўланадиган иш намоён бўлади, бунинг устига психологик ҳолат қанчалик салбийроқ бўлса, бу устиворлик шунчалик равшан бўлади.

Юқорида баён қилинган эмпирик материал қуйидаги таҳлилий материалларни шакллантиришга имкон беради:

1) Сўралган аёллар қисмидан ҳеч ким жиноий гуруҳларда иштирок этишга тўғридан тўғри розилиklarини билдирмайдилар. 18-23 ёшли иш топишга деярли умидларини ўзган аёллар ичида ўйлаб кўраётганларининг улуши ижтимоий жиҳатдан хавфлидир;

2) Жиноий гуруҳда иштирок этишга розиларнинг улушини камайиши ва деярли барча жиноий ёшли гуруҳлардаги яққа шахснинг психологик ҳолатини яхшиланганлиги сари бунга рози бўлганларнинг улушини кўпайиши тенденцияси кузатилади;

3) 18-23 ва 24-26 ёшли эркакларни жиноий гуруҳда иштирок этишга рози бўлиши мумкинларининг улуши жиддий хавфни келтириб чиқаради. 27-29 ёшли эркаклар унчалик қатъий бўлмасалар ҳам, ушбу таклиф устида ўйлаб кўриши мумкин бўлганларнинг юқори даражаси ғоятда хавфлидир. Бу ушбу жинси-ёшли сегментдаги иш топишга ишонган ва жиноий гуруҳда иштирок этишга рози бўлганларнинг ягона нол бўлмаган кўрсаткичидир.

Самарқанд вилоятида ёшлар ишсизлигининг ижтимоий оқибатлари.

Юқорида таҳлил қилинган эмпирик материал қишлоқ ёшлари ишсизлигини уларнинг турмуш даражасига босими, жиноий кўрсаткичларни ёмонлашуви, ижтимоий кескинлик ва сиёсий беқарорликнинг жамиятга босими, ишсиз ёшлар қатламларини маргинализациялашувини ишончли равишда кўрсатади.

Жамиятнинг ёшлар қатлами, ишни йўқотиб, мураккаб моддий ҳолатда қолиши қишлоқ ёшлари аҳолининг бошқа қатламлари ёки бошқа мамлакатларникидан фарқланмаслиги ҳақиқатдир. Ишсиз ёш киши қандайдир вақт ичида миллий даромадни яратишда иштирок этмайди, жамият эса меҳнаткаш фуқароларда бўлгани каби турмуш даражасини таъминлаш имкониятига эга эмас. Статистик кўрсаткичлар шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда ишсизлик бўйича нафақаларнинг миқдори ўртача иш ҳақининг 75 %идан ошмайди. Масалан, АҚШда ишсизлик бўйича нафақалар ўртача иш ҳақининг 50 %ни, Канадада 60 %ни, Францияда 70 %ни ташкил қилади²⁸. Ишсизлик бўйича юқори нафақалар одамга иш қидиришда рағбатлантирмайдиган таъсирни кўрсатади.

Жиноий кўрсаткичларни ёмонлашиши ёшлар ишсизлигини ўсишининг жиддий таркиби бузилган оқибати ҳисобланади. Жиноятчиликни шиддатли ўсиши давлатнинг ўзини, давлатнинг фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш қобилятини бузади. Ушбу тадқиқот натижасида олинган эмпирик материал

кишлоқ ёшлари ишсизлигини жиноятчилик билан алоқаси туфайли жиддий ташвишни келтириб чиқармасдан қолмайди. Ишсизлик жиноятчиликни ўсиши учун озиклантирувчи замин бўлади ва ишсизларнинг кўпчилиги, айниқса, узоқ вақт иш билан банд бўлмаганлар, ўзларининг моддий ҳолатларини яширин даромадлар ҳисобига яхшилашга ҳаракат қиладилар.

Ушбу тадқиқотда ёшлар жиноятчилиги ҳозирги вақтда фаол равишда кучаяётганлиги яққол кўринади. У ҳам ижтимоий-демографик ҳам ҳудудий ва касбий маълумотли жиҳатдан барча асосий ёшлар гуруҳларини қамраб олмақда. Ёшлар муҳитида ишсизларнинг қатъий ўсишини ҳисобга олиш иш билан банд бўлмаган ёшлар гуруҳлари ўртасида жинойий таъсирга барқарор дучор бўлганларни шаклланишига кўмаклашиши мумкин ва кўмаклашмоқда. Кўпгина ёшлар ҳуқуқбузар бўлмаган ҳолда, ўзларининг тафаккурлари ва ҳулқларида келажакда ҳуқуқбузарликни содир қилиш имкониятига йўл кўйиб “жиноятчилик чегараси”ни кесиб ўтиши мумкин. Ёшлар ўртасида жиноятчилик таъсирини ўсишига кўпроқ даражада ҳуқуқий нигилизм, қонунни писанд қилмаслик, ҳаётий муаммоларни куч билан ҳал қилиш имкониятларининг мавжудлиги таъсир кўрсатади .

Хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра, ёшларга жинойий таъсирнинг ўсиш омиллари ва унинг доирасини кенгайтириши, ҳуқуқий билим бериш ва ҳимоялашнинг самарали тизимининг йўқлиги, таълим тизимини ёшларнинг ахлоқий ва ҳуқуқий тарбиясига таъсирини кучсизланиши, ёшлар ишлари бўйича кўмиталарда ёшларнинг ижобий йўналтирилган фаолиятини ташкил қилишга ҳақиқий кучлари ва ресурсларининг йўқлиги, ҳокимиятларнинг ёшларга жинойий таъсир кўрсатувчи муаммоларга эътиборсизлигини ҳам таъкидлаш керак.

Ишсиз ёшлар ўртасида ижтимоий жиҳатдан салбий ҳулққа эга одамларнинг категорияси шаклланиши мумкин ва шаклланмоқда. Ишини бевосита йўқотган ёки йўқотишни кутиш билан боғлиқ одамларнинг ғоятда руҳий эзилган ҳолати, руҳий жараёнларни юқори даражада бузилишига олиб келади. Олинган ижтимоий мавқиени йўқотилиши ёки йўқотиш хавфи ушбу


жамиятда қабул қилинган ижтимоий меъёрлар ва қадриятларни бузилиши билан боғлиқ йўлдан оғдирувчи ҳаракатларни содир қилишга олиб келиши мумкин.

Ушбу тадқиқотда ёшлар қатламлари, айниқса хроник ишсизларни маргинализациялаш ҳам яққол расмийлаштирилган. Кўп бўш вақтга эга бўлган ҳолда, ахлоқий ва психологик беқарор ёшлар буш вақтдан ўзлари, ўз оилалари ва жамиятга зарарли ҳолда фойдаланадилар: улар ичувчилар қаторларини тўлдирадилар, қиморли ўйинларга жалб қилинадилар, уларнинг оилалари бузилади. Гиёҳвандликнинг даражаси ўсади, бу ҳам жиноятчиликни ўсишига кўмаклашади. Маргинализацияланаётган ёшлар қатламлари лоқайдликка тушадилар, жамиятда ижтимоий алоқаларни узади, чуқур депрессияларни бошдан кечиради.

Самарқанд вилоятида қишлоқ ёшлари ишсизлигининг юқорида кўрсатилган ижтимоий оқибатлари аниқ эмпирик материаллар асосида тадқиқ қилинган. Аммо тадқиқ қилиш шакллари яратишнинг имкони йўқлиги туфайли ёшлар ишсизлигининг баъзи бир ижтимоий оқибатлари эмпирик ўлчовлар билан қамраб олинмаган. Бу салбий ижтимоий оқибатларнинг таъсири ҳам каттадир ва оқибатларнинг назарий таҳлили ҳам илгари сурилган гипотезаларни тасдиқлайди.

Ёш ишсизлигини банд бўлганлар иш ҳақи даражасига босими меҳнат бозоридаги рақобатни кучайишининг оқибати ҳисобланади. Иқтисодий назария ишсизликнинг иш ҳақини ўртача даражасига салбий таъсирини анча олдин белгилаб берган. Бу ҳодиса ҳам ўтган аср иқтисодчиларининг асарларида ва ҳам ҳозирги иқтисодий адабиётларда таъкидланган.

Таъкидлаш керакки, ишсизлик даражаси ва иш ҳақи даражаси ўртасидаги ўзаро алоқа ҳамма вақт ҳам юзада ётмайди, у чуқурроқ характерга эга. Инфляция жараёнларни мавжуд бўлиши ушбу шароитларда бу алоқани белгилашни қийинлаштиради. Иш ҳақига босимни фақат ҳақиқий ҳисоблаб чиқилгандагина аниқлаш мумкин, чунки номинал иш ҳақи амалда иқтисодиётнинг барча соҳалари ва касбий-малакавий гуруҳларда ўсади.



8-расмда

8-расмда ёшлар ишсизлигининг иш билан банд бўлмаганлар иш ҳақи даражасига таъсири чизмаси келтирилган.


Реал меҳнат бозорида иш ҳақининг даражаси кўпгина омиллар таъсири остида шаклланади: бунда касаба уюшмалари, уларнинг кучи ва ташкилий-иқтисодий фаолияти катта рол ўйнайди. Ўзбекистон меҳнат бозорига нисбатан тан олиш керакки, меҳнатга ҳақ тўлаш шароитларини шакллантиришда касаба уюшмаларининг ўрни субъектлар ўртасида ўзаро ижтимоий ҳамкорликнинг йўқлиги ва етарлича тажрибага эга эмаслик сабабига кўра кучсиздир. Ишсизлик даражасини ўсиши ва шунга кўра, меҳнат бозоридаги рақобатни кучайиши касаба уюшмаларининг тадбиркорлар ва ҳокимият тузилмалари билан меҳнат шароитларини белгилаш мавзуси бўйича музокаралари жараёнидаги ўринларида акс эттирилади.

Очиқ ишсизлик билан бир қаторда иш билан банд бўлганларнинг иш ҳақи даражасига қисман ва яширин ёшлар ишсизлиги ҳам босим ўтказди, булар аҳолининг ушбу сегментида кенг тарқалгандир.

Иш ҳақи даражасига ёшлар ишсизлигининг каттароқ даражасидаги босими ходимларни оммавий ишдан бўшатилиши содир бўлаётган соҳаларга таъсир этади. Бунга якка соҳали минтақалардаги ишсизлик даражаси ва иш ҳақи даражаси бўйича статистик маълумотларни таҳлил қилиб чиқиб, ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Шундай қилиб, таъкидлаш мумкинки, нафақат назарий моделлар, балки иқтисодиётдаги ҳақиқий ҳолатни акс эттирувчи статистик маълумотлар ҳам ишсизлик даражасини иш билан банд бўлганларнинг ҳақиқий иш ҳақи даражасига ўсиб бораётган босимини кўрсатади.

Ҳам ёшлар ишсизлигининг иш ҳақи даражасига ҳам ёш ишсизларга ижтимоий компенсациялар тўлаш зарурлиги оқибатида иш билан банд бўлмаганларга ўсиб боровчи солиқ юкининг босимини ҳисобга олмасдан иш билан банд бўлганлар турмуш даражасини пасайишини таҳлил қилиш тўлиқ бўлмас эди.



Бу босим график равишда 9-расмда тасвирланган.

Ишсизларни иқтисодий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Самарқанд вилояти аҳолиси иш билан бандлигининг махсус Давлат жамғармаси ташкил қилинган. Бу жамғарма маблағлари ишсизлик бўйича нафақалар ва бошқа моддий ёрдамларни тўлаш, иш билан банд бўлмаган аҳолининг қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш хизматларини кўрсатиш, янги иш жойларини яратиш, бандлик хизмати апаратини ушлаб туриш ва бошқа мақсадларга сарфланади. Бандлик жамғармаси, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарнинг махсус ажратмалари ҳисобига корхоналар иш ҳақи жамғармасининг 1,5 %и миқдорида ташкил қилинади. Бу бюджетдан ташқари жамғармадир, аммо келажакда бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар каби уни бюджет билан бирлаштириш мумкин, бу нарса айтгандек, на бандлик жамғармасининг иқтисодий табиатини, на унинг мақсадий йўналтирилишини ўзгартиради. Чамаси, корхоналарнинг бу ажратмалари, улар кейинчалик ишсизлик кўламларини ўсиши туфайли кўпайиши мумкин ва ходимлар иш ҳақи даражасига таъсир кўрсатади. Агар корхона бу ажратмаларни ўз маҳсулотига нархларни ошириш ҳисобига тўлдиришга ҳаракат қилса, унда пировардида ҳақиқий иш ҳақи ва аҳолининг турмуш даражаси пасаяди.

Албатта, ишсизлик бўйича суғурта жамғармаларига солиқлар ва бадаллар барча мамлакатларда ҳам мавжуд. Аммо республикамиз корхоналарига нисбатан паст иш ҳақига солиқ юкини ҳар қандай, ҳатто кичик кўпайиши ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий жиҳатдан хавфлидир.

Узоқ вақт иш билан банд бўлмаган ёш ишсизларнинг малакаларини тўлиқ ёки қисман йўқотилиши ва малакани тиклашига ижтимоий харажатларни кўпайиши ҳақида гапира туриб, бу муаммонинг кескинлигини таъкидламай бўлмайди.

Ишни узоқроқ ёки камроқ муддатга йўқотган қишлоқ ёшлари ўзларининг касбий маҳоратларини, кўникмаларини йўқотишлари, касб ва мутахассислик бўйича билимларини жадал суръатларда эскиришини содир бўлишига олиб келади, чунки ишсизлар тегишли ахборотларга қизиқишни

йўқотадилар. Агар ишсиз пировардида ўзининг олдинги мутахассислиги бўйича ишга жойлашса ҳам, қўлдан чиқарилганларни эгаллаш учун ҳам ходим ҳам иш берувчи томонидан қўшимча харажатлар ва маблағлар талаб қилинади. Шу билан бир вақтда янги иш жойига мослашиш даврида меҳнатнинг унумдорлиги ва самарадорлигини йўқотилиши муқаррардир.

Агар ёш ишсизга ўзгарган бозор ҳолатига кўра, ўзининг касби ёки мутахассислигини ўзгартиришига тўғри келса, унда иқтисодий ва ижтимоий йўқотишлар биринчи ҳолга нисбатан ўсади, янги касбни ўзлаштириш етарлича катта ижтимоий ва шахсий харажатларга эга махсус узоқ муддатли ўқишни талаб қилади. Шунингдек бир вақтда касбни ўзгариши жамият маблағларини қайтарилмайдиган ҳолда йўқотилганини билдиради. Албатта, бир қатор ҳолларда касбларни ўзгаришини илмий-техник тараққиётнинг эҳтиёжлари, эски касбларни йўқолиб бориши ва янгиларини вужудга келиши билан изоҳланади. Бу ҳолда янги касбларга ўқитишга харажатлар муқаррар ва иқтисодий ўзини оқлайди, чунки бу харажатларни ёшлар ишсизлигини кўпайиши ёки камайиши, умуман бор ёки йўқлигидан қатъий назар амалга оширилиши керак. Аммо бу ҳолда ҳам жамият ва ходимлар қандайдир йўқотишларга эга бўладилар, чунки агар ходим ишсизлик ҳолатига тушмаса, у янги касбга бевосита ўзининг корхонасида маълум бир кучлар ва маблағларни камроқ сарфланиши асосида катта иқтисодий ҳамда ижтимоий самара билан қайта ўқишдан ўтган бўлар эди.

Айниқса, сезиларли даражадаги иқтисодий-ижтимоий йўқотишлар мутахассислар ва илмий ходимларни оммавий ишдан бўшатилишлари сабабли содир бўлади. Маълумки, мутахассисни, бунинг устига олимни, ўқитиш, тайёрлаш, шаллантиришнинг узоқ жараёнида қандай катта харажатларни қилишга тўғри келади. Агар мутахассис ишсиз бўлиб қолса ёки паст малакали ишга ўтишга мажбур бўлса, унда бу жамиятнинг инсон капиталига киритмаларни қадрсиз бўлиш хавфини юзага келтиради.

Илмий ва техник элетани ва ижодий ходимларни мамлакатдан оқиб кетиши жамият учун фавқулотда катта хавф туғдиради. Бу муаммо бевосита

жамиятнинг ёшлар кесмасига тегишлидир, чунки машҳур олим, қоидага кўра, ёши катта одам бўлади. Аммо, агар фаннинг ёш истиқболли арбоби ўзининг тадқиқотини давом эттириш имкониятига эга бўлмаса, мамлакатдан чиқиб кетса, бундай кўчиб кетганликдан зарар жуда катта бўлади. Маълумки, янги илмий мактаблар ва йўналишларни шаклланиши бир неча авлодлар давомида ўтади. Бундай мактабларни тугатилиши тез содир бўлади, аммо тикланиши учун бир неча йиллар сарфланиши, айрим ҳолларда эса умуман бўлмаслиги мумкин.

Диссертациянинг таҳлилий бобига хулоса чиқара туриб, таъкидлаймизки, қишлоқ ёшлари ишсизлиги жамиятга ғоятда салбий таъсир кўрсатади. Қишлоқ ёшлари ишсизлигининг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари бирлашади. Қишлоқ ёшлар ишсизлигининг ижтимоий-иқтисодий фаровонликнинг омилларидан бирига салбий таъсири ўзининг орқасидан бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқаради, чунки қишлоқ ёшлари ишсизлигининг салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ўзаро яқиндан боғлиқдир. Шу нарса равшанки, Самарқанд вилоятида бу муаммони ҳал қилишнинг жиддий зарурияти муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, уни ҳудудий даражада ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий-психологик асосларини такомиллаштириш алоҳида долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

III-БОБ. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таърисида қишлоқ ёшлари ўртасидаги ишсизликни олдини олишнинг асосий йўналишлари

3.1. Қишлоқ ёшлари иш билан бандлигини таъминлаш инфратузилмасини ривожлантириш

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг амалдаги инфратузилмаси ўз ичига ҳудудий ва муниципал даражадаги бошқарув идоралари, фаолияти тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган тузилмалар ҳамда тадбиркорлар уюшмалари кенгашлари, жамоа ташкилотларини олади. Аммо кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш инфратузилмалари, бизнес-инкубаторлар, технопарклар ва бошқалар каби мамлакатимизнинг кўпгина ҳудудлари ва муниципал тузилмаларида ўз фаолиятини ҳали тўлиқ ҳажмда бошламаганлар.

Бугунги кунда ёшлар тадбиркорлигини республика, ҳудудий ва муниципал даражаларида бошқариш усулларини белгилаш яққол кўриниб турган муаммо ҳисобланади. Бу масала бўйича назарий баҳслар бир неча йилдан бери давом этмоқда. Унинг моҳияти шундан иборатки, бундай бизнеснинг фаолиятига ҳар қандай аралашув унинг мустақамлигини чеклайди. Республикаимизнинг айрим минтақалари ўзларининг ҳудудларида кичик тадбиркорликни бошқариш тузилмасини мустақил равишда яратмоқдалар, аммо ёшлар тадбиркорлиги керакли эътиборсиз қолмоқда.

Ёшлар тадбиркорлиги ёшлар иқтисодий фаоллигининг иқтисодий манфаатларига эришиш, ижодий салоҳиятини очиш, ёшларнинг ўз-ўзини ижтимоий-иқтисодий тизимда намоён этиш ҳисобланади. Ёшлар тадбиркорлиги, ёшлар бандлигини таъминлаб иқтисодий, ижтимоий, демографик, сиёсий вазифаларни амалга оширади. Бунда бу вазифаларни намоён бўлиши шакллари билимлар, ташаббус, иқтисодий хатарларни ўзига қабул қилишга қодирлик ва тайёрлик, ёшлар учун қўшимча иш жойларини ташкил қилиш, ҳамда уларни бозор иқтисодиётида тизимли ёндашиш асосида тўлиқроқ амалга ошириш шароитлари бўлиши керак. Ёшлар

тадбиркорлигини кўриб чиқишга тизимли ёндашиш меъёрий-ҳуқуқий базани мувофиқлаштириш, давлат ва минтақавий тузилмалар томонидан ёшлар сиёсати доирасида ёшлар тадбиркорлигини бошқариш, молиявий-кредит маслаҳалари тизимини ривожлантириш, самарали инфратузилмани яратишни кўзда тутди.

Ёшлар тадбиркорлигининг бундай тушунчаси ёшлар фаолиятининг фаол ва новаторлик характерига суянувчи янги сифат билан ажралиб туради, унинг ёрдамида тубдан янги қийматларни ташкил қилиш, янги технологияларни қўллаш, ишлаб чиқариш, сотиш ва унинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги мақсадида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишнинг янги шакллари тадбиқ этиш имконини беради.

Ёшлар тадбиркорлигидаги иқтисодий вазифани бу фаолиятни чекланган иш билан бандлик ҳамда ҳудудий иқтисодий тизимларнинг молиявий, мулкӣ ва ахборот ресурслари шароитларида фаолият юритиши жараёнининг ўзида намоён бўлади. Ёшлар тадбиркорлигини ривожланиши даражаси билан хўжалик юритишнинг ижодий ва инновацион тури билан яқиндан боғланган. Ёш тадбиркорлар иқтисодий вазифалар доирасида янги ғоялардан фойдаланишлари ва қўйилган мақсадга эришиш учун қулай усулларни ишлаб чиқишлари мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳудудий иқтисодий тизимда қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича тегишли инфратузилмасини шакллантириш зарур.

Таъкидлаш керакки, тадбиркорликни ривожланишида вужудга келадиган макро ва мезо даражаларда ўз ечимини топа олмаётган кўпгина муаммолар вилоят ва муниципал даражадаги ҳокимият идоралари ва тадбиркорларнинг ўзларининг ташаббуслари туфайли ҳал қилинади. Тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган тадбирларни амалга оширилиши кўпроқ тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш инфратузилмаси, шу жумладан, қишлоқ

ёшлари тадбиркорлиги инфратузилмасининг мавжудлиги ва ундан самарали фойдаланиш ҳолати билан белгиланади.

Ҳаммадан аввал, вилоятда иқтисодий ривожланиш ҳудудларини яратиш зарур. Бунда янги тадбиркорлик тузилмалари, шу жумладан, қишлоқ ёшларининг тадбиркорлик тузилмалари устиворликка эга бўлиши керак.

Иқтисодий ривожланиш ҳудудларининг асосий мақсадлари тадбиркорлик ва инвестицион фаолиятнинг қулай режимини таъминлаш ҳамда туманларнинг моддий, меҳнат ва табиий ресурсларидан самарали фойдаланишдан иборат бўлиши зарур. Улар рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва аҳоли, хусусан, қишлоқ ёшлари иш билан бандлигини таъминлаш учун янги технологияларни тадбиқ этиш мақсадида ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилишни зарурат этади.

Вилоят иқтисодий ривожланиши ҳудудий иқтисодий тизимларнинг моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга имкон беради, бюджетларнинг даромад қисмини анча кўпайтиради.

Амалиётни исботлашича, вилоятнинг шаҳарлари ва туманларидаги тадбиркорликни ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашларининг ҳокимият ва тадбиркорларнинг жамоа ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича инфратузилмани ривожлантириш бугунги кунда қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий базаси ҳисобланади. Маслаҳат кенгашларининг фаолияти манфаатдор жамоа ташкилотлари, давлат ва муниципал тузилмалар вакиллари билан амалга оширилиши керак. Кенгашда қишлоқ туманлари олдида турган кескин, тезроқ ҳал қилиниши ва тегишли қарорлар қабул қилинишини талаб қилувчи масалалар кўрилади. Аммо ҳамма туманларда ҳам кенгашлар аниқ ва самарали фаолиятни амалга оширмайдилар. Бундай кенгашлар ёшлар тадбиркорлигини ривожланишини қўллаб-қувватлаш бўйича фаолиятни амалга оширишлари зарур.

Кенгаш ижтимоий эксперт маслаҳат берувчи, давлат ҳокимияти идоралари ва тадбиркорлар жамоа ташкилотларининг вилоятда

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришга кўмаклашувчи ҳисобланади. Унинг таркибига тадбиркорларнинг жамоа бирлашмалари ассосациялари (уюшмалари), айрим тадбиркорлар, вилоят депутатлари, вилоят маъмуриятининг лавозимдаги шахслари ҳамда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун ҳаракатнинг энг яхши вакиллари кирадилар.

Ушбу кенгаш қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини ривожлантиришда маъмурий тўсиқларни бартараф этиш бўйича муассасалараро комиссия вазифасини олиши керак.

Бизнинг фикримизча, маслаҳат кенгаши ва манфаатдор тузилмалар қўйидаги муҳим масалаларни муҳокама қилишлари керак: ҳудудий ва муниципал турар жой-коммунал заруриятлар учун товарлар, хизматлар, ишларни етказиб беришга давлат буюртмасини танловли жойлаштиришни ўтказиши бўйича ишларни такомиллаштириш; ёш тадбиркорларни танловларда иштирок этишга жалб қилиш, қишлоқ ёшлари тадбиркорлиги субъектларини танловлар ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш ва уларни бу тадбирларда иштирок этишларини таъминлаш; ҳудудий ва муниципал давлат буюртмалари реестрини яратиш.

Маслаҳат кенгаши вилоят ҳудудида қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ва муниципал мулкдан фойдаланиш масаласини ҳал қилинишини таъминлаши керак. Юқори ижара тўлови ҳамда бошқа мулкий муносабатлар масаласи бўйича хуник ходисаларни камайтириш мақсадида қўйидагиларни амалга ошириш зарур:

- муниципал даражада қишлоқ ёшлари тадбиркорлиги субъектларига ижарага берилиши ёки сотилиши мумкин бўлган мулклар реестрини шакллантириш;

- ижара тўловини ҳисоблаш услубиятига ўзгартиришлар киритиш;

- қишлоқ ёшлари тадбиркорлиги субъектлари учун ижара ҳақи бўйича имтиёзлар (пасайтирувчи коэффициентлар)ни тақдим этилиш имкониятини кўриб чиқиш;

– иншоотларни таъмирлаш ва қайта қуришга сарфланган маблағларни ҳисобга киритишни кўриб чиқиш;

– давлат ва муниципал мулк бўлган ер участкалари, фойдаланилмаётган майдонлар, ускуналарни қишлоқ ёшлари тадбиркорлиги субъектларига узоқ муддатли ижара, сотиб олиш ва лизинга топшириш шароитларида топширишнинг соддалаштирилган тартибини ишлаб чиқиш.

Маслаҳат кенгаши тадбиркорлар, муниципал тузилмалар маъмуриятлари, бошқа манфаатдор тузилмалар иштироки билан ишларнинг ўз режаларига мувофиқ ишлайди. Ишлашнинг бундай шакли масалаларни маҳаллий даражада барча манфаатдор томонлар билан мувофиқлашган ҳолда ҳал қилишга имкон беради. Бунда ахборот воситалари ва хизматлари қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини ривожлантириш инфратузилмасининг муҳим элементларидан бири бўлади. Демак “ёшлар тадбиркорлиги субъектларини қонун томонидан қўллаб-қувватлаш” ахборотли маълумотномасини яратиш зарур. Бунда шундай ҳужжатларни тайёрлашда ёш тадбиркорларнинг ўзлари иштирок этишлари мумкин ва керак.

Ҳудудий ва муниципал даражаларда оммавий ахборот воситаларида қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масалалари мунтазам равишда ёритилиши керак.

Маслаҳат кенгашининг жамоатчилик қабулхонасида керакли ахборотларни олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни истовчи қишлоқ ёшлари бўйича социологик сўров ўтказиш керак. Бундай ахборотларни бошқа манбалардан ҳам олиш мумкин. Қишлоқ ёшлари тадбиркорлиги субъектларининг инфратузилмаси тармоғи ҳақидаги хабардорлигини ошириш ҳамда уларни ривожланишини таъминлаш зарур.

Ушбу мақсадларда қишлоқ ёшлари тадбиркорлигининг ташқи муҳити, яъни инфратузилма ташкилотларини талаб қилиниши, уларни амалга ошириш самарадорлигини таҳлилий тадқиқоти ва таҳлилини ўтказиш зарур.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ ёшлари ўртасида тадбиркорликнинг ташкилий тузилмаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи асосий муаммолар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

– корхонани ташкил этиш босқичида қишлоқ ёшлари катта молиявий ресурслар ва вақт тақчиллигига дуч келишади, бу ўз навбатида бошланғич капиталнинг миқдори у ёки бу тадбиркорлик турига қараб мутаносиб равишда муаммоларнинг ҳам ҳажмини белгилайди. Натижада кўпгина ташаббускор қишлоқ ёшлари ўз бизнесини яратиш борасидаги фикрларини четга суриб қўйишади;

– бошланғич капиталнинг йўқлиги ҳамда банклардаги кредит ставкаларининг юқорилиги, ижарага бино ва машина ускуналарининг йўқлиги;

– **сертификатлаш ва лицензиялашнинг кўшимча шакллари**нинг юритилиши;

– потенциал ҳамкорлар ҳамда бозорлар ҳолати тўғрисида маълумотларнинг йўқлиги;

– **умуман республика миқёсида ёш тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида инфратузилма шакллантириш тизимининг йўқлиги.**

Иш билан бандликка кўмаклашувчи нодавлат ташкилотларининг камлиги ҳамда улар таклиф этаётган хизматлар кўламининг кичиклиги ёшларнинг иш билан бандлигига таъсир ўтказишга қодир эмас.

Тадбиркорлар янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва техник модернизациялаш учун кредитлар олиш бўйича банклар билан ишлашни камроқ қулайроқ ҳисоблайдилар, умуман банкларда кредитлар остида кафолатлар олиш имконияти мавжуд бўлса ҳам, у жудаям ҳақиқий эмас, чунки улар бундай кредиторларни бизнес бўйича шериклар, дўстлар ва қариндошлар сифатида афзал кўрадилар. Тадбиркорларни қўллаб-

қувватлашнинг маҳаллий дастурларидан ёрдам олишга бундайларни молиялаштиришини йўқлиги сабабли умид йўқ.

Ҳозирги вақтда қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш таълим муассасалари, таълимни бошқариш, иш билан бандликка кўмаклашиш марказлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, касаба уюшмалари ташкилотларининг биргаликдаги аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатларига боғлиқдир.

Иқтисодиёт, илм-фан жадал суръатларда ривожланаётган ҳозирги вақтда касб-корлар, ихтисосликлар беқиёс. Қишлоқ ёшлари учун улар орасидан ўз қобилияти, истеъдоди, ҳоҳиш-истакларига мосини топиш жуда мураккаб. Бу муаммони ҳал этишда касблар тўғрисида хабардорлик қўл келади. Ана шу ахборотга эҳтиёж ҳамда кўпинча кадрлар тайёрлаш таркиби билан муайян мутахассисларга бўлган талаб ўртасида мавжуд бўладиган номуносиблик касбга йўналтириш тизимини йўлга қўйиш заруратини туғдиради.

Республикамиз бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилган аҳолининг асосий тоифаси ёш фуқаролар – ўқув билим юртлари битирувчилари (38%-40%) ва иш жойини ўзгартираётганлардир (45%-48%).

Ҳозирги кунда, Самарқанд вилоятида турли йўналишлардаги ўқув юртларининг иш билан бандлик муаммолари кучаймоқда. Бундай ҳолат яқин 3-5 йил ичида ҳам сақланиб қолиш эҳтимоли мавжуд. Иш билан бандликка кўмаклашиш органлари у ёки бу мутахассисликлар бўйича меҳнат бозоридаги талабни илмий асослаш мақсадида меҳнат бозори мониторингини ўтказиши зарур. Меҳнат бозори мониторинги ўтказилиши ўқув юртларини битирувчиларни ишсиз бўлиб қолишининг олдини олиш бўйича илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқиш имкониятини юзага келтиради. Чунки, ўқув юртларини битирувчилар эртага ишсиз бўлиб юрсалар, уларни ўқитиш учун кетган харажатларни молиялаштириш самарасиз бўлиб чиқади.

Шу билан бирга, хусусан, олий ўқув юртларининг олий маълумотга эга битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи ҳам долзарбдир.

Бизнинг фикримизча, кўп функцияли тизим сифатида, талабаларга уларнинг касбий шаклланиши ва меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида олий ўқув юртлари қошида битирувчиларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича жамғарма ташкил этилиши керак. Бу жамғарманинг битирувчиларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш бўйича фаолияти ҳокимият органлари ва иш билан бандлик хизматлари билан мувофиқликда амалга оширилиши ҳамда давлат иш билан бандлик хизмати органлари амалдаги қонунчилик базаси асосида, касбий-таълим хизматларини меҳнат бозорида тартибга солиш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Бизнингча, бу тадбирлар қуйидагилардан иборат: касбий таркибнинг йиллик таҳлили, битирувчи ишсизлар сони ва уларни ишга жойлаштириш мониторингини ўтказиш; ёш мутахассислар учун бўш иш ўринлари тузилмаси ҳақида маълумотлар банкини шакллантириш; битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида иш берувчилар билан алоқадорликни ташкил этиш; вилоят ҳокимият органлари билан ўқув юртлари раҳбарияти ва битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича ўқув юртлари жамғармалари билан алоқаларини ташкил этиш; олий маълумотли мутахассисларга вилоят иқтисодиёт тармоқларидаги талабни истиқболлаштириш; олий ўқув юртларига қабул қилинаётган талабаларга меҳнат бозоридаги талабни ўрганиш; янги очилган мутахассисликларга хулоса бериш.

Касбга йўналтириш, фикримизча, шахснинг муайян касб эгаси бўлишга эҳтиёжи ҳамда жамиятнинг ижтимоий-касбий таркибни таъминлашга эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган шахс билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимидир.

Касбга йўналтиришнинг энг муҳим йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Касбий ахборот – аҳоли турли гуруҳлари, айниқса ёшларни замонавий ишлаб чиқаришнинг турлари, меҳнат бозори, хўжалик мажмуаларининг малакали мутахассисларга эҳтиёжлари, ихтисосликлар

бозори моҳияти ва унинг ривожланиши истиқболлари, касб-корларни эгаллаш шакллари ва имкониятлари, меҳнат фаолияти жараёнида касб малакасини ошириш хусусиятлари билан таништиришдир;

– касбий маслаҳат – шахсга унинг қобилияти, психофизиологик ва бошқа хусусиятларига қараб, шунингдек жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда муайян касб ёки ихтисосликни танлашда ёрдам кўрсатишдир;

– касбий саралаш – норматив талаблар асосида шахснинг муайян касбга (хизмат вазифаси, иш ўрнига) лаёқатли эканлигини аниқлаш;

– касбий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий кўниктириш – ходимнинг тегишли касбий, ижтимоий сифатларни эгаллаши, фаол, ижодкор меҳнат қилиш, касбий маҳоратини такомиллаштиришга кўмаклашадиган чора-тадбирлар тизимидир.

Тадбиркорларнинг жамоа бирлашмалари ўз мақсадларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат ҳокимияти идоралари билан ўзаро ҳамкорлик қиладилар. Баъзи бир туманларда бу муносабатлар бир маъноли эмас ва нафақат ўзаро ҳамкорлик, балки **конструктив** бўлмаган муносабатлар заминида ривожланади. Бундай ҳолатни ўзгартириш зарур, чунки ягона мақсадга биргаликдаги ҳаракатлар билан эришиш керак. Бу мақсад тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш ва қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини ҳақиқий қўллаб-қувватланишини таъминлаш керак.

Ҳозирги вақтда жамоат ташкилотларининг ягона мувофиқлаштирувчи марказини ташкил қилиш учун шароитлар мавжуд. Жамоат бирлашмаларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳар хил жамоат ташкилотидан касба уюшмаси қўмитасигача бўлиши мумкин, аммо бу тузилмаларнинг мақсадлари ва вазифалари ягонадир, яъни:

- юридик маслаҳатлар ва хизматлар;
- бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш бўйича маслаҳатлар;
- бизнес консалтинг;
- таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқишда ёрдам;

- ахборот хизматлари;
- маъмурий тўсиқларни бартараф қилиш;
- муниципал буюртма бўйича танлов комиссияси ишида иштирок этиш;
- мулкларнинг ижараси, ер участкаларини ажратиш ва бошқалар бўйича муниципал қоидаларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи комиссияларда вакиллик;
- қишлоқ ёшлари тадбиркорлигига нисбатан ижобий жамоат фикрларини шакллантириш.

Жамоат бирлашмалари тадбиркорлар ишини ёмонлаштирувчи қонунчилик ҳужжатлари қарорларини бекор қилиши ёки ўзгартиришлар киритишга эришишлари ёки қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг муниципал дастурларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этишлари ҳамда судларда тадбиркорларнинг даъволари бўйича суд муҳокамаларида ташаббускорлар бўлишлари мумкин.

Дастур доирасида вилоятнинг туманлари ва шаҳарларида ахборот-маслаҳат марказларини ташкил қилишлари мумкин, улар қишлоқ ёшлари тадбиркорлиги учун хизматлар кўрсатадилар.

Қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини ривожлантириш учун ҳаракатни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ташкилот унинг мақсади, вазифалари, мафкурасига хайрихоҳ бўлган ҳар бир тадбиркор учун очик бўлиши керак.

Қуйидагилар қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини ривожлантириш учун ҳаракатнинг мақсадлари бўлади:

- ташкилот аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш;
- қишлоқ ёшлари тадбиркорлигининг иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиш;

- ёш тадбиркорларга маъмурий тўсиқларни бартараф этишда ёрдамлашиш;
- қонунларни ўзгартириш, турли хил қонунчилик ташаббусларини илгари суриш;
- қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини ривожлантириш учун ахборот ва сиёсий майдонни яратиш;
- қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини микро кредитлаш.

Самарқанд вилоятидаги тадбиркорликни ривожланиш ҳолати ва тенденцияларининг таҳлили қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини ривожланишини самарали қўллаб-қувватлаш зарурлиги ҳақида хулоса қилишга имкон беради. Ишлаб чиқиладиган дастурлар сифатини, айниқса, муниципал тузилмаларда ҳар томонлама амалга ошириш ушбу йўналишдаги биринчи навбатдаги вазифадир.

Статистик маълумотлар, инвестицион лойиҳалар ва вазифаларининг қисқача рўйхати билан чегараланган ҳолда, мақсадли дастурларни ишлаб чиқишга сифатсиз ёндашишга йўл қўйилмайди. Дастурлардан нусха кўчиришга ҳам йўл қўйилмайди. Маълумотларнинг қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иш билан бандлигини таъминлашга нисбатан ҳаракатларининг аниқ режалари зарур.

Муниципал дастурда ҳудудларни жойлашиши ва ривожланишининг ўзига хос шароитлари, имкониятларини ҳисобга олиш, бизнесни ривожланишининг устивор ва алоҳида эътибор талаб қилувчи истеъмол бозорини ривожланиши билан бирга бўла оладиган йўналишларини ажратиш зарур, бу мантиқий изоҳга эга. Бизнинг фикримизча, алоҳида дастурлар кўйидаги параметрлар бўйича баҳоланиши керак:

1. Дастурни ишлаб чиқиш бўйича, унинг блоклари (муаммонинг мазмуни, дастурнинг мақсадлари, вазифалари, амалга ошириш муддатлари ва механизми самарадорлиги, назорати) бир бирлари билан мантиқий туркумлаштирилган ва боғланган бўлиши;

2. Асосий тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича, унда молиялаштиришнинг ҳар хил манбалари (ҳар хил даражадаги бюджетлар, корхоналарнинг шахсий маблағлари, жалб қилинган маблағлар)ни жалб қилиш кўзда тутилган;

3. Мазкур тадбирларни амалий бажариш бўйича.

Аммо дастурларни ишлаб чиқилганлиги даражаси муниципал ҳокимият идораларининг қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳамда уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш соҳасидаги самарали фаолиятининг асосий ва белгилаб берувчи кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас. Баҳолашнинг асосий мезони – бу қўллаб-қувватлашнинг асосий шакллари: маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига ижара тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар бериш; муниципал бозор фойдасини ривожланишга қайта инвестициялаш, тадбиркорларни ўқитиш бўйича семинарлар ўтказиш, тадбиркорликни ривожлантириш марказини ташкил қилиш.

Диссертацион тадқиқотда қишлоқ ёшлари иш билан бандлигини таъминлаш тизимини ва тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида куйидагилар таклиф қилинди:

1. Ижтимоий йўналтирилган хўжалик юритувчи, шу жумладан кичик аҳоли турар жойлари ҳудудларида ишлаб чиқариш бўлинмаларини ташкил қилувчи субъектларга кўмаклашиш бўйича таклифларни тайёрлаш;

2. Ижтимоий йўналтирилган хўжалик юритувчи субъектлар сифатидаги фермер хўжаликларига давлат кўмагини кўрсатиш бўйича таклифларни тайёрлаш:

а. Ёш тадбиркорларнинг барча манфаатдор томонлар билан ишга доир ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

б. Амалдор шахсларнинг ёш тадбиркорларга нисбатан **суитамоллари** ҳақидаги ахборотларни доимий равишда текшириш;

с. Қишлоқ жойларида ёшлар тадбиркорлик тузилмаларининг фойзини кўпайтириш;

3. Қишлоқ ёшлари бизнеси учун ходимлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш:

а. Хатарли деҳқончилик минтақаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан тартибга солинишини ташкил қилиш;

б. Ёш тадбиркорларда ижара ишини ва унинг учун йиғимларни такомиллаштириш;

с. Қишлоқ ёшлари тадбиркорлиги субъектлари учун иншоатларни расмийлаштириш ва ажратиш тадбирларини соддалаштириш.

Муаллиф қишлоқ ёшлари тадбиркорлигининг ҳудудий-иқтисодий тизимлардаги қишлоқ ёшлари иш билан бандлигини таъминлашнинг омили сифатидаги афзалликлари ва фойдаларини таъминлаши зарур деб ҳисоблайди. Бугун қишлоқ ёшлари тадбиркорлиги иқтисодий манфаатлари ҳудудий иқтисодий тизимлар манфаатларига тўлиқ мос келувчи ижтимоий куч бўлиши керак. Худди ёш тадбиркорлар соғлом рақобатга ва ўзининг яратувчанлик салоҳиятини кўпроқ амалга ошириш имкониятига асосланган соғлом ва маданийлаштирилган иқтисодий муҳитни яратилишидан манфаатдордирлар.

Диссертацион тадқиқотда Самарқанд вилояти бўйича Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармасининг ҳудудий-иқтисодий тизимларни бошқаришдаги қишлоқ ёшлари иш билан бандлигини тартибга солиш вазифасини самарали амалга оширишга имкон берувчи модели таклиф қилинади (14-расм киритилади). 14-расмда қуйидагиларни киритиш таклиф қилинган: иш билан бандлик дастурлари бўйича бошқарма раҳбари ўринбосарининг бошқаруви тузилмасига қишлоқ ёшлари иш билан бандлик дастурлари бўлими; ишга жойлаштириш ва махсус дастурлар бўлими қошида ишга жойлаштириш ва ёшлар иш билан бандлигининг махсус дастурлари гуруҳи ёки бўлимини ташкил қилиш; давлат хизмати ва ходимлар масалалари бўйича бўлим қошида ёш ходимлар резервини шакллантириш бўлими. Ёш ходимлар резервини шакллантиришда

номзодларни баҳолашнинг “даража-омилкорлик сифати” матрицасидан фойдаланиш таклиф қилинган.

Муаллиф томонидан таклиф қилинган ёшлар иш билан бандлигини тартибга солиш вазифаларини самарали амалга оширишга қаратилган методологик ёндашишлар ва ишлаб чиқилган тавсиялар ҳар хил бошқарув даражалари ўртасида мувофиқ нисбатга эришиш, республика ва ҳудудий бошқарув тузилмалари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ўртасида қишлоқ ёшлари иш билан бандлигини тартибга солиш муаммоларини ҳал қилишда уйғун муносабатларни ўрнатишга имкон беради. Кўпгина муниципал тузилмаларда қишлоқ ёшлари иш билан бандлигини таъминлашнинг туман дастурларини қабул қилиниши мумкин. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, йирик ва хусусий корхоналарни ёш тадбиркорларнинг кенг иштироки билан янги ишлаб чиқариш-техник занжирчаларини ташкил қилишга манфаатдорлиги ошади, минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳудудий ва соҳавий номутаносиблиги пасаяди. Қишлоқ ёшлари тадбиркорлиги субъектлари учун кириш осон бўлган ва ахборот, маслаҳат, молия, маркетинг ва қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларини кўрсатувчи инфратузилма элементлари мажмуаси ташкил қилинади. Бозор маҳаллий ишлаб чиқаришнинг рақобатбардош товарлари ва хизматлари билан тўлдирилади. Қишлоқ ёшлари иш билан бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурини амалга оширилиши минтақадаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазиятга ижобий таъсир кўрсатади.

Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда ҳудудий-иқтисодий тизимларнинг кўпчилиги учун қуйидаги аломатлар ҳосдир: пастроқ таълим даражаси ва ишчи кучининг пастроқ малакаси; таълим ва фан тизимини кучсиз ривожланганлиги; саноатнинг паст технологик даражаси; ҳудудлар ичидаги ишлаб чиқариш кооперациясининг чекланган имкониятлари; қишлоқ хўжалигидаги маданият ва унумдорликнинг паст даражаси; молиявий инфратузилманинг нисбатан кучсиз ривожланганлиги ва молиявий

ресурсларни доимий равишда етишмаслиги; қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг кучсиз ривожланганлиги; аҳоли турмушининг камроқ қулай шароити; маҳаллий ўзини ўзи бошқариш малакасининг паст даражаси ва аҳолининг етарлича бўлмаган фаоллиги ва ташаббуслиги; чекка ҳудудлардаги қулай бўлмаган тадбиркорлик шароити. Бу хусусиятлар қоқоқ ҳуудудларни бозор шароитларига секинроқ мослашиши, иқтисодиётни қайта туркумлашишининг паст даражаси, ишсизликни мавжудлиги ва ўсиши ва шунга кўра умумий ва айниқса, қишлоқ ёшлари иш билан бандлигининг паст даражасини белгилаб беради.

Бу муаммоларни ҳал қилиш ҳудудий иқтисодий тизимларни бошқаришдаги ёшлар иш билан бандлигини бошқаришнинг роли ва ўрни ҳақидаги янги тасаввурларни шаклланишини талаб қилади.

Қишлоқ меҳнат бозори эҳтиёжларини қишлоқ ёшларининг ҳаётий кадриятлари мўлжалларига мос келмаслиги улар томонидан фаол иш қидиришга тўсиқ бўлувчи ҳақиқат бўлиб, ғоятда салбий ижтимоий оқибатларга эга, у ҳудудий иқтисодий тизимдаги қишлоқ ёшлари иш билан бандлигини тартибга солишнинг тегишли механизмини шакллантиришни талаб қилади. Ушбу механизм иш билан бандликни тартибга солишнинг қуйидаги вазифаларини амалга ошириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилиши керак:

- ёш қишлоқ фуқароларнинг корхоналар, ташкилотлар ва давлат муассасаларида конкурсли танлов асосида стажировкалари ва ишга жойлашишларини ташкил қилиш;

- қишлоқ ёшлари учун иш жойларини квоталаштириш мақсадида минтақавий мақсадли бюджет фондларини ташкил қилиш;

- таълим муассасалари битирувчилари иш билан бандлигини таъминловчи иш берувчиларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;

- қишлоқ ёшларининг касбга йўналтириш ишларини ўтказиш;

- қишлоқ ёшлари ишсизлигини олдини олиш бўйича тадбирларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- қишлоқ ёшларини босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, маълумотномавий ва ахборот услубий адабиётларни босиб чиқариш орқали меҳнат бозорининг ҳолати ва қишлоқ ёшларини қўллаб-қувватлаш тадбирлари ҳақида хабардор қилиш;
- қишлоқ ёшлари тадбиркорлиги ва ёшлар корхоналарини ташкил қилиш амалиётини ривожлантириш, ёшлар бизнес-лойиҳаларини маслаҳатли ва экспертли кузатиб бориш.

Тизимлилик ва мажмуавийлик тамойили қишлоқ ёшлари иш билан бандлигини бошқариш тизимига кирувчи ўзаро боғланган ва ўзаро асосланган элементларнинг аҳамиятлироқ мажмуасига кўра олишликни кўзда тутди. Бу ёшлар иш билан бандлигини тартибга солиш муаммоларини ҳал қилишга изчил, босқичма босқич ёндашишдир. У мақсадларни қўйиш, ахборотларни йиғиш, муқобилларини ишлаб чиқиш, вариантларни баҳолаш ва улардан энг яхшилари танлашга имкон беради. Муаллифнинг фикрига кўра, бунда мультипликациялаштирувчи самара каби тизимнинг муҳим ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш зарур, у ёшлар иш билан бандлигини тартибга солиш тизимчасини ривожланишида ҳудудий иқтисодий тизимчаларни бошқаришнинг бошқа тизимчалари ривожланишини ишга туширишга имкон беради.

3.2. Қишлоқ ёшларини меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш йўллари

Бозор иқтисодиётининг узвий таркибий қисми бўлган меҳнат бозори ўзининг ривожланишида мазкур иқтисодиётнинг барча хусусиятларининг мавжудлиги, бозор конъюктурасининг ривожланганлиги билан белгиланади. Иқтисодиётни диверсификациялаш ва замонавий иқтисодиёт

тармоқларини модернизациялаш шароитида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришиш, замонавий турмуш сифатини таъминлаш, инсон капитали ривожланишига шарт-шароит яратиш, меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражасига эришиши кўп жиҳатдан меҳнат бозорида меҳнат ресурсларининг, хусусан, қишлоқ ёшларининг ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишни назарда тутади.

Президентимиз И.Каримов бу масалага алоҳида тўхталиб: “Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз”¹ – деб таъкидлаган эдилар.

Рақобат – ҳар қандай бозор механизмини ташкил этувчи ажралмас қисм бўлиб, у кўп миқдордаги эркин харидорлар ва иш кучини сотувчиларнинг мавжудлиги ҳамда улар учун меҳнат бозорига эркин кириш ва уни тарқ этиш имкониятини англатади²⁹.

Қишлоқ ёшлари ишчи кучи рақобатбардошлигини ошириш меҳнат бозорида уларнинг ишчи кучига бўлган талаб ва таклифи сифатини оширишга, миллий даромад ўсишига ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига олиб келади. Ишчи кучи рақобатбардошлигини ошириш ижтимоий меҳнат муносабатларининг амалга оширилишида назарий ва амалий жиҳатдан энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш стратегиясининг негизида сифатни таъминлашнинг учта асосий циклларига комплекс ёндашув ётади:

Биринчи босқичда, кадрлар эҳтиёжлари прогнозланади ва уларга нисбатан талаблар белгиланади, яъни кадрлар модели яратилади, сифатнинг

¹ И.А.Каримов. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил 30 январь, №21 (4936).

²⁹ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). – Т.: “Меҳнат”, 2009. –Б. 117.

илгарилаб боровчи юқори даражаси аниқланади. Иккинчи босқичда малакали кадрларни тайёрлаш амалга оширилади, бу эса белгиланган сифат даражасини таъминлаши лозим. Учинчи, малакали кадрлардан профессионал фаолият соҳасида фойдаланиш билан боғлиқ босқичда таъминланган сифат даражаси мунтазам ошиб бориши керак.

Иқтисодиёти энг ривожланган ва интеллектуал тараққий этган мамлакатларнинг юқорида келтирилган стратегияси ва тажрибасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг таълим стандартлари халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқиши керак, бу мутахассисларни тайёрлаш сифатига эришиш ва уни баҳолашга ягона ёндашувни таъминлайди. Бу рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва интеллектуал соҳада яқин ҳамкорликни ташкил қилишда халқаро тажрибадан фойдаланишга ёрдам беради ³⁰.

Шундай келиб чиққан ҳолда, иқтисодиёти энг ривожланган ва интеллектуал тараққий этган мамлакатларнинг юқорида келтирилган стратегияси ва тажрибасига мувофиқ кадрлар тайёрлаш сифатини, рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга мос малакали кадрлар тайёрлаш тизимини **такомиллаштиришнинг** асосий таркибий қисми қуйидагилардир:

- малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс-фуқароларни шакллантириш;

- туман бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан “Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ҳудудий Дастури”ни режалаштириш жараёнида келажакдаги потенциал ишчи кучи таклифи (ўқув юртларини битирувчилари, касб-ҳунар коллежлари, лицей, мактаб битирувчилари ва

³⁰ Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт// С.С.Ғуломов таҳрири остида. – Тошкент: Konsauditinform-Nashr, 2006. –Б. 401.

бошқалар) ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотлар асосида янги иш ўринларини яратиш лозим;

- давлат ва жамиятда малакали кадрлар тайёрлаш тизими амал қилиши ва ривожланишининг кафиллари юқори малакали рақобатбардош мутахассисларининг фаолиятини уйғунлаштирувчи сифатида фаолият кўрсатиши;

- фуқароларнинг билим олиши, касб танлаши, ўз малакасини ошириши ҳуқуқларини рўёбга чиқариш;

- малакали кадрлар тайёрлаш муассасаларини ўзбек тилидаги замонавий ўқув, илмий ва услубий адабиётлар билан, шунингдек, моддий-техник база билан таъминлаш;

- узлуксиз таълим фаолиятида ижтимоий фаол, маънавий бой шахснинг шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрларни илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун миллий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинувини амалга ошириш;

- замонавий илм-фан, техника ютуқлари, технологиялардан фойдаланиб халқаро меъёрлар асосида ишлаб чиқилган илгарилувчи ва комплекс таълим стандартларидан фойдаланиш;

- олий малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлашни амалга ошириш;

- малакали кадрлар тайёрлайдиган муассасаларнинг таркибий ва сифат бўйича ислоҳ қилинаётганини ҳисобга олиб ўқитувчиларни замонавий билимлар ва ютуқлар асосда қайта тайёрлаш;

- кадрлар тайёрлаш жараёнида энг янги педагогик, ахборот, компьютер ва бошқа технологиялардан фойдаланишни ҳисобга олиб фанлар бўйича намунавий-режалар ва дастурларни такомиллаштириш;

- барча даражадаги малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ўлчаш ва баҳолашнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;
- кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий тадқиқот жиҳатдан таъминлаш инфратузилмасини вужудга келтириш;
- таълимнинг ахборот тармоқларидан фойдаланиш мақсадида билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базасини шакллантириш ва ривожлантириш;
- юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, қишлоқ ёшларининг илмий иқтидорини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- шахсни касбга йўналтириш ва меҳнат бозори талаблари, имкониятлари ва ундаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни ҳисобга олиб, бандликнинг энг мақбул турини танлашда ёрдам берадиган, шунингдек, иқтидорли ёшларнинг қобилиятларини қўллаб-қувватлайдиган касбга йўналтириш тизимини ривожлантириш;
- тармоқли ва минтақавий иқтисодиёт учун интеграцияланган таълим муассасалари доирасида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш;
- мамлакат илм-фанининг халқаро илмий ҳамжамиятдаги интеграциясини фаоллаштириш, таълим соҳаси ва кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида илмий ютуқлар ва олимлар билан ўзаро тажриба алмашинув жараёнини кучайтириш;
- ишлаб чиқаришнинг талаб эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши ва даражасини шакллантириш;
- ўрта махсус маълумотга эга кадрлар ичидан олий касбий маълумотга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашнинг шакл ва усулларини кенгайтириш;
- таълим муассасаларини молиялаш механизминини такомиллаштириш ва уни иқтисодий ривожланган ҳамда интеллектуал ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш;

– турли даражадаги ишлайдиган кадрларни ва ишдан бўш мутхассисларни қайта тайёрлаш ҳисобига республиканинг рақобатбардош кадрлар салоҳиятини такрор ишлаб чиқариш;

– барча даражадаги кадрларнинг малака тарифларини меҳнат бозори талаблари шаклландан олдин ишлаб чиқиш;

– барча даражадаги кадрларни мақсадли тайёрлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш.

Юқоридаги кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш ва бажаришни давом эттириш иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга мос кадрларни ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Гарчи кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими қишлоқ ёшларининг меҳнат бозорига кириб келишларини нисбатан кечиктирсада, лекин уларнинг сифатли ва жаҳон стандартларига жавоб берадиган ҳолатда чиқишини таъминлайди. Зеро, ижтимоий-иқтисодий ва ҳаётий муносабатларда сифат омили устувор аҳамиятига эгадир. Малакали кадрлар тайёрлаш миллий модели мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир. Шу билан бирга, у ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрларнинг илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Миллий иқтисодиётимиз соҳалари ва тармоқларини малакали кадрлар билан таъминлаш ва бошқаришдаги маъмурий-буйруқбозлик усулларида воз кечиш бозор муносабатларига мос келадиган кадрлар салоҳиятига таъсир этишнинг янада тадбирли восита ва шаклларига ўтишни заруриятини келтириб чиқарди.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга мос малакали кадрлар тайёрлаш, умуман малакали кадрлар муаммосини эътибордан четда қолдириш ёки унга етарлича баҳо бермаслик шундай ҳолатларга олиб

келадик, етарлича капитал қўйилмалари ҳамда моддий воситалар сарфланган тақдирда ҳам муайян бозор иқтисодиёти механизмлари тўлақонли равишда ишламайди. Бу ҳолат қишлоқ меҳнат бозорида, айниқса, қишлоқ ёшлари ўртасида яққол сезилади.

Рақобатбардош малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини бошқариш механизми – тайёрланадиган кадрларнинг сифатига ва улардан самарали фойдаланиш даражасига таъсир этадиган ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий, услубий муносабатлар, шакл ва усуллар йиғиндисидан иборатдир.

Ушбу механизмнинг асосий элементлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали шакл ва усуллари ишлаб чиқиш;
- буюртма асосида малакали кадрлар тайёрлашнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш;
- малакали кадрлар тайёрлаш бўйича уч томонлама ҳамкорлик механизмини ривожлантириш;
- иқтисодиётдаги таркибий ва теологик ўзгаришлар натижасида ишсизга айланган шахсларни касбга йўналтириш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш.

Қишлоқда иқтисодий ислохотларни муваффақиятли олиб бориш кўрсаткичларидан бири қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтириш билан боғлиқ ижтимоий мувоффақиятга эришиш ва уларга мос иш билан бандликни таъминлаш ҳисобланади. Шундай экан мамлакатимизда касбий таълим тизимини такомиллаштириш асосида қишлоқ ёшларининг рақобатбардошлигини ошириш муҳим, долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Касбий таълим тизими ўқув юртларини битирувчи қишлоқ ёшлари қишлоқ меҳнат бозорида етарлича ўзига хос гуруҳлардан бири ҳисобланади. Бу ўзига хослик касб (мутахассислик)нинг мавжудлиги билан изоҳланади, у

бошқа тенг шароитларда ёш мутахассиснинг ишга жойлашишдаги имкониятини оширади. Аммо бу афзалликка автоматик равишда эришилмайди, бир қатор аниқ ҳолларда эса ёш мутахассиснинг олган касби уни ишга жойлашиш эҳтимолини пасайтиради ёки уни ишга ёллашнинг қаноатлангирмайдиган шартларида ишга жойлашишга мажбур қилади (тўлиқ иш куни ва тўлиқ иш ҳафтасида паст иш ҳақи, истикболсиз ва нуфузи пастроқ бўлган иш жойида ишлаш, маъмурият томонидан меҳнат қонунчилиги меъёрларига риоя қилмаслик ва ҳ.к.). Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти ривожланишидаги таркибий ўзгаришлар шундай хулосага келишга имкон берадики, меҳнат бозоридаги давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати ва бозор қонунларининг амал қилиши ижтимоий-меҳнат соҳасидаги муносабатларнинг такомиллаштиришни ва ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни зарурат этмоқда.

Қишлоқ меҳнат бозорида рақобатбардошликнинг паст даражаси билан ажралиб турувчи аҳолининг ижтимоий-демографик гуруҳлари ичида ҳам меҳнат соҳасидаги рақобатбардошлик даражаси бўйича битта гуруҳ(гуруҳлар)га кирувчиларга нисбатан “кучсизлар ичидаги кучлилар”, яъни ўзига хос етакчилик ҳолатни эгалловчи фуқаролар мавжуд. Бу тасдиқ қишлоқ ёшларига нисбатан ҳам аҳамиятлидир. Бунинг устига, кейинги йилларда худди уларнинг ичидан ўхшаш касбий-малакага эга каттароқ ёшли гуруҳ вакилларига қараганда меҳнат бозорида анча барқарорроқ гуруҳлар шакллана бошлади. Афсуски, қишлоқ меҳнат бозорида 16-29 ёшдаги меҳнат ресурсларининг умумий сонидаги рақобатбардош ёшларнинг улуши етарлича кам, шунинг учун қишлоқ ёшлари учун умумий бўлган ишсизларнинг умумий даражаси сақланиб қолинмоқда. Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз қишлоқ ёшлари рақобатбардошлигининг пастлиги қишлоқ меҳнат бозорида аҳолининг бошқа гуруҳлари рақобатбардошлиги пастлигини келтириб чиқарувчи сабабларга нисбатан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун қишлоқ ёшларига келгусида меҳнат қайтими нуқтаи назаридан аҳолининг энг

истикболли гуруҳи сифатида қараш керак, уларни меҳнат бозорига мослашиши ва рақобатбардошлигини оширишда давлатнинг самарали ижтимоий сиёсатини юритиш ва уни маблағлар билан таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Ўзининг ижтимоий ҳолатининг ўзига хослиги туфайли ёшлар нафақат иш билан бандликнинг фаол сиёсати билан, балки кўпроқ қишлоқ ёшларининг ишсизлигини олдини олишга қаратилган иш билан бандлик сиёсати билан қамраб олиниши керак. Ишсизликни бартараф этишга қаратилган давлат тадбирлари қишлоқ ёшлари ишсизлигини қисқартиришга имкон беради.

Бизнинг фикримизча, бундай турдаги чора-адбирлар қуйидагилардан иборат бўлиши зарур:

- касбий таълим тизими ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича;
- касбий таълим тизимини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш бўйича;
- ёшларни ҳар хил категориялари учун иш жойларини квоталаштириш бўйича.

Шу нарса равшанки, ёшлар меҳнат бозоридаги мавжуд муаммоларга нисбатан ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш муаммоси энг қийин ҳал қилинадиган муаммо ҳисобланади.

Бу қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

1) ўрта махсус ва олий ўқув юрти битирувчиларининг етарлича кўп сонли гуруҳга эга эканлиги, уларнинг биринчи марта иш қидирувчилар сониди ва иш билан бандликка кўмаклашиш марказларига ишга жойлашиш масаласи бўйича мурожаат қилган ёшлар сонидидаги улушининг юқорилиги;

2) касбий таълим битирувчиларининг у ёки бу шаклдаги иш билан бандлик кафолатларини беришдаги муаммоларнинг кескинлиги ҳамда ишга жойлашишнинг кўпроқ расмий характерга эга эканлиги;

3) аҳолининг ҳар қандай категорияси ёки гуруҳининг иш билан бандлигини маблағ билан таъминлаш бўйича чоралар аҳолини меҳнат бозорида қўллаб-қувватлашнинг ижтимоий дастурларида иштирок этаётган тадбиркорлар(иш берувчилар) томонидан молиялаштиришни талаб қилади, бу иш билан бандликнинг Давлат жамғармаси маблағларининг чекланганлиги шароитларида етарлича муаммоли ҳисобланади;

4) иш берувчиларни фуқароларнинг у ёки бу категорияларини ёллашга ундаш ёки мажбур қилувчи иқтисодий бўлмаган (маъмурий) чоралари амалда ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликка асосланган эркин тадбиркорликнинг шаклланиш механизмига салбий таъсир кўрсатади;

5) тадбиркорнинг ходимларни ёллаш ва ишдан бўшатиш масалаларида мустақиллигининг йўқлиги ташкилотнинг рақобатбардошлиги даражасини пасайишига, натижада товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажмларини қисқариши, иш жойларини тугатилишига олиб келади;

б) касбий таълим тизими таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш муаммоларини ажралган ҳолда, умуман меҳнатга талабни рағбатлантириш муаммоларини ҳал этмасдан ҳар хил даражадаги (маҳаллий, минтақавий, миллий) меҳнат бозорлари даражасида ҳал қилиш мумкин эмас.

Қишлоқ ёшлари қишлоқ меҳнат бозорининг ҳар қандай даражасида ишчи кучи таклифи сифатида алоҳида тизимчаси ҳисобланади, шунинг учун уни тартибга солиш бўйича ҳаракатлар иш билан бандликни умумий сиёсати билан мувофиқлаштирилади. Бу ҳолатларни инобатга олмаслик ҳар хил даражадаги ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашишга йўналтирилган иш билан бандликнинг Давлат жамғармаси, маҳаллий ва республика бюджетларининг бевосита молиявий ресурсларидан самарасиз фойдаланишга олиб келади.

Таълим даражаси ва ишга жойлашганлар улуши ўртасидаги сақланиб қолинган боғлиқлик олий таълим тизими меҳнат бозорининг сигналларига ўрта ва бошланғич таълим тизимида нисбатан кучсизроқ жавоб қайтаради деган хулосага келиш мумкин. Бизнинг фикримизча, касбий таълим тизими

таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришда табақалаштирилган ёндашув зарур, у қуйидагиларни кўзда тутиши керак:

1) касбий таълим тизими таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш қишлоқ иқтисодини ривожланишининг меҳнатга талабни ўзгариши динамикасини белгилаб берувчи истикболлари ва устворликларини ҳисобга олиш билан амалга оширилади ва қишлоқ ёшларини касбий йўналтириш бўйича ишнинг шаклларида бири сифатида кўриб чиқилади, бу кейинчалик уларни олий таълим тизимидаги тегишли ўқув жойига йўналтиришга имкон беради;

2) касбий таълим тизими талабларини ишга жойлаштиришга олинган касб(мутахассислик) бўйича меҳнат фаолиятига мослашишнинг биринчи босқичи сифатида қаралади, буни шубҳасиз, қишлоқ ёшларининг ушбу гуруҳи вакиллари учун иш жойини қидиришда ҳисобга олиш зарур.

Касбий таълим тизимини битирувчиларнинг турмуш даражаси қанчалик паст бўлса, ҳақ тўланадиган ишнинг мазмуни, буни устига унинг келгуси меҳнат фаолияти билан ўзаро боғлиқлигидан қатъий назар, интилаётганларнинг сони шунчалик катта бўлади. Бундай тенденция қишлоқ ёшларининг арим гуруҳларида меҳнатга ундовчи сабаблар механизми ҳаракатини бузади, касбий ривожланиш ва мартабали ўсишнинг бўлғувси имкониятларини пасайтиради, бунинг натижасида, ҳам алоҳида олинган қишлоқ туманларининг, ҳам умуман мамлакатнинг умумий меҳнат салоҳиятини пасайтиради.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ ёшлари ишсизлигининг салбий оқибатларини олдини олиш ва уларнинг олган касбий таълим мутахассислиги бўйича самарали иш билан банлигини таъминлаш, уларнинг рақобатбардошлиги ва меҳнат бозорида талаб қилиниши даражасини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

1) касбий таълим тизими доирасида бўлғувси ёш мутахассисни ишга жойлаштириш кўзда тутилаётган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши устворликларидан келиб чиққан ҳолда, республика ёки

худудий (маҳаллий) бюджетдан молиялаштириладиган ўқув юртларининг тузилишини белгилаш;

2) меҳнат бозоридаги ёш мутахассисларга эҳтиёжларни, шу жумладан, касб-малака кесмасида уларни аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш;

3) касбий таълим тизими ўқув юртлари, иш берувчилар, иш билан бандликка кўмаклашиш марказлари ва ёш мутахассисларнинг иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини мувофиқлатириш механизмини амалда тадбиқ этиш.

Республикамизда ҳар хил даражадаги давлат ҳокимияти идоралари мазкур соҳада белгиланган фаолиятни олиб бормоқдалар. “Олий таълим муассасаларининг иш билан банд бўлмаган битирувчиларини ишга жойлаштириш ва қайта тайёрлашга кўмаклашиш тизимини ташкил қилиш” муассасаларда мақсадли дастурининг асосий вазифалар сифатида қуйидагиларни назарда тутди:

- абитуриентлар, касбий таълим муассасалари ва талабалари, саноат корхоналари раҳбарларини меҳнат бозорлари ва таълим хизматлари ҳақидаги маълумотлар билан таъминловчи ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва яратиш;

- касбий таълим муассасалари талабалари ва битирувчилари, ёш мутахассислар меҳнати ва иш билан бандлик масалалари билан шуғулланувчи давлат (худудий ва маҳаллий) ва ташкилотлар ҳамда муассасалар тизимини шакллантириш;

- ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш бўйича минтақа ОЎЮ марказлари ва минтақавий меҳнат бозорлари ва таълим хизматларининг статистик тадқиқотлари ва таҳлилининг илмий-услубий базаси фаолиятини илмий-услубий таъминотини ишлаб чиқиш; касбий таълим муассасаларининг иш билан банд бўлмаган битирувчиларини қайта тайёрлаш ва инфрутузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимини ташкил қилиш;

- ўрта махсус ва олий маълумотли дипломга эга ёш мутахассисларни ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш механизмини ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистон ва халқаро тижорат тузилмалари, суғурта компаниялари, банклар иштирокида касбий таълим муассасалари талабалари ва битирувчилари, ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришнинг унификацияланган тизимини таъминлашнинг иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш.

Юқорида келтирилган вазифаларни ҳал қилиш натижасида қуйидагиларни ташкил қилиш имконияти юзага келади:

– касбий таълим муассасалари талабалари ва битирувчилари, ёш мутахассисларга маслаҳатлар бериш, ахборотли ва таълимни қўллаб-қувватлаш; ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялашни амалга оширувчи ташкилотлар ва муассасалар тизими;

– маҳаллий ва глобал компьютер тармоғларини ўз ичига олувчи ахборот тизими, олий таълим муассасаларининг иш билан банд бўлмаган ўқувчилари ва битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича маслаҳат бериш, ахборот ва таълим фаолиятини қўллаб-қувватланишини таъминловчи маълумотлар базалари;

– ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш бўйича минтақавий ва олий ўқув юрти марказлари фаолиятини илмий-услубий таъминлаш ва ҳудудий меҳнат бозорлари ва таълим хизматларини статистик тадқиқоти ва тахлилининг илмий-услубий базаси;

– касбий таълим муассасаларининг иш билан банд бўлмаган битирувчиларини қайта тайёрлаш ва инфратузилмали қўллаб-қувватлашни амалга оширувчи ташкилотлар тизими;

– касбий таълим муассасалари талабалари ва битирувчи ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш тизимини фаолият юритишини таъминлашнинг иқтисодий механизмини шакллантириш тамойиллари.

Бизнинг фикримизча, “Касбий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва меҳнат бозорига мослаштиришга кўмаклашиш” ташкилий дастури қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни кўзда тутди:

– таълим тизимида мутахассисликни танлашга ёрдам берувчи касбий йўналтириш хизматини, абитуриентлар, ўқувчилар ва ёш мутахассисларнинг шахсий хусусиятларига мос келувчи фаолият соҳаларини ташкил қилиш;

– касбий таълим муассасалари абитуриентлари, ўқувчилари, битирувчилари ва иш берувчиларни меҳнат бозорлари ҳақидаги ишга жойлаштиришнинг ҳақиқий масалаларини ҳал қилишга ёрдам берувчи маълумотлардан хабардор қилувчи тизимни ташкил қилиш;

– меҳнат бозорлари ва таълим хизматларини ривожланишини ўзаро боғлиқ ҳолда башоратлашнинг илмий асосланишини ташкил қилиш;

– касбий таълим муассасалари ўқувчилари ва битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш масалалари билан шуғулланувчи республика, минтақавий, маҳаллий жамоат ташкилотлари ва муассасаларининг тармоғини шакллантириш;

– касбий таълим муассасаларини иш билан банд бўлмаган қишлоқ ёшлари битирувчиларини қайта тайёрлашни қўшимча касбий таълимнинг мавжуд тизими ташкил қилиш;

– касбий таълим муассасалари ўқувчилари ва битирувчиларни ҳуқуқий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш;

– меҳнат бозори ва таълим хизматларини ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланишининг истиқболларига асосланган касбий таълимнинг мазмуни, шакллари ва усуллари, мутахассисликларнинг рўйхати ва ишга олишнинг тузилиши, Давлат таълим стандартларига тузатиш киритиш механизмини шакллантириш.

Қуйидагилар ушбу дастурнинг кутилган яқуннинг натижалари бўлиши керак:

– касбий таълим муассасалари ўқувчилари ва битирувчиларига кўмаклашиш тизимини шакллантириш ва уни тажрибали фаолият юритиши, у ўз ичига иш билан банд бўлмаган қишлоқ битирувчиларини касбий қайта

тайёрлашнинг ахборот тизими, уларни ҳимоялашнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини олади;

– тизим томонидан касбий таълим муассасалари ўқувчилари ва битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашишларини қамраб олиниши;

– таълим тизимида шахсий хусусиятларга мос келувчи ва касбий мартабани ривожланишининг муваффақиятига кўмаклашувчи мутахассислик, таълим муассасаси ва фаолият соҳаларини танланишини таъминловчи касбий йўналтириш тизимини ташкил қилиш;

– меҳнат бозори ва таълим хизматлари ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланишини истиқболлаштириш, у меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни мувофиқлаштириш муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради;

– касбий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашувчи тизимни фаолият юритишини таъминлашнинг иқтисодий механизми;

– касбий таълим тизимида фаолият юритишда меҳнат бозоридаги ўзгаришларга мос келувчи ўзгаришлар бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш механизми.

Самарқанд вилояти қишлоқ жойларида битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича олиб борилган тадбирлар таҳлили бир қатор умумий аломатлар ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради, буларга қуйидагилар хосдир:

1) қишлоқ меҳнат бозори конъюктурасининг таҳлил ёки битирувчиларга талабнинг мавжудлиги ҳақида ахборотни беради;

2) ушбу касбий таълим муассасалари ўқувчилари ва битирувчиларини ёш мутахассисларига келиб тушувчи иш кучига талаб (иш берувчиларнинг буюртмалари ва бўш иш жойлари) ва унинг таклифини акс эттирувчи маълумотлар базасини шаклланиши учун шароит яратади;

3) ишнинг ташкилий шакллари орасида бўш иш жойлари ярмаркаси, мартаба куни, қишлоқ тумани битирувчиларининг рекламали такдимоти, ёшлар амалиётига афзалликлар берилади;

4) ёш мутахассисларга шахсий ишини ташкил қилиш ёки ўзини ўзи иш билан банд қилишнинг бошқа шакллари амалга ошишида ёрдам кўрсатиш кўзда тутилади (ёки амалга оширилмоқда).

5) лойиҳа доирасидаги фаолиятни компьютер технологиялари базасида амалга ошириш кўзда тутилади.

Лойиҳаларнинг барча санаб ўтилган элементларини, шубҳасиз ижобий баҳолаш керак, аммо ушбу лойиҳалардаги қуйидаги умумий камчиликларини таъкидлаш зарур:

1) ҳокимият тузилмалари, иш берувчилар ва битирувчиларнинг иқтисодий манфаатларига таъсир кўрсатишга кўмаклашувчи ва ёш мутахассисларни ишга жойлаштирилариининг тезлиги ва эҳтимоллиги таъсир кўрсатувчи иқтисодий характердаги тадбирларнинг йўқлиги;

2) ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш муаммоларининг келиб чиқишини юмшатишга имкони борича қаратилган фаол тадбирларнинг йўқлиги бу ёш мутахассислардан келиб чиқувчи меҳнат таклифини шакллантиришдаги тегишли салбий тенденцияларни қайд этилишига олиб келади.

Ёшларни касбий тайёрлашга ажратилаётган маблағлардан мақсадга мувофиқ ва самаралироқ фойдаланиш учун иш билан бандлик хизмати қишлоқ жойлардаги корхоналарда мавжуд ва келажакдаги бўш ўринлар ҳақидаги ҳақиқий маълумотларга эга бўлиши керак. Аммо, улар биргина бандлик хизматига ўзларида мавжуд бўлган бўш ўринлари ҳақидаги маълумотларни берадилар (афсуски, ахборотларни ишлаб чиқиш пайтига келиб, кўпинча улар банд бўлган бўладилар). Қолган ташкилотлар ва корхоналар ходимларни иш билан бандлик хизматини четлаб ўтган ҳолда, мустақил равишда топишни афзал кўрадилар, бу меҳнат бозорини тартибга солишда айрим муаммоларни яратади.

Шунинг учун корхоналар ва туман бандлик хизматларининг ўзаро ҳамкорлик механизмини ишлаб чиқиш, бир томондан, корхоналарнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг мавжуд режаларидан келиб чиққан ҳолда, туман бандлик хизматига белгиланган касб, малакага эга ходимларга эҳтиёжлари ва мавжуд иш ўринлари ҳақида мунтазам равишда ва ўз вақтида хабар қилишларига, бошқа томондан, туман бандлик хизматини ишсизлик ҳисобида турганлар орасидан ходимларни тавсия этиш ёки бундайлар бўлмаган ҳолда, уларнинг тегишли тайёргарлигини таъминлашга мажбур қилиш зарур. Бунда белгиланган мутахассисларга эҳтиёж маълум қилинганда, туман бандлик хизмати зарур кадрларни тайёрлашни амалга ошираётган таълим муассасалари билан шартномалар тузиши керак.

Қишлоқ ёшлари бандлиги муаммоларини ечишга қаратилган ҳар қандай фаол тадбирлар катта маблағни талаб қилиши сабабли, бу вазифани фақат туман бандлик хизмати зиммасига юклаб бўлмайди. Нафақат республика, балки маҳаллий бюджетларни молиялаштиришнинг манбалари сифатида назар тутувчи давлат дастури ҳамда корхоналар ва иш берувчиларнинг ўзларини маблағларидан фойдаланиш зарур. Масалан, харажатларни қуйидагича тақсимлаш мумкин: аҳоли иш билан бандлигини республика ва вилоят фондларидан молиялаштириш 25-70%, маҳаллий бюджетдан 15-20%, корхоналар ва иш берувчилар ҳисобидан 10% дан кўпроқ.


Умуман касбга йўналтириш ва таълим тизимини такомиллаштириш ҳақида гапира туриб, бизнинг фикримизча, қишлоқ ёшларини касбий тайёрлашга икки асосий ёндашишни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи, касбий ўқитиш ҳаммадан аввал янги мутахассислик ёки касбни эгаллашни истовчи ва ўқишга доимий барқарор қизиқишни намоён қилувчилар йўналтирилган, иккинчи ёндашиш, ўқишни ташлаган ва шунинг билан хавфлилар гуруҳига кирувчи қийин ўсмирлар деб аталувчиларга қаратилиши керак.

Шундай қилиб, оддийгина қишлоқ ёшларининг иш билан бандлиги дастурини эмас, балки ўсмир шахсан белгиланган турини ҳисобга олувчи, ёшларни ижтимоийлаштириш ва касбий ўқитиш бўйича махсус дастурни яратиш зарур. Касбий ўқитишдан ўтганларнинг касбий мослашуви ва ишга жойлашишлари даражаларнинг олдинги тажрибасини ҳисобга олиш билан касбий ўқитишнинг аниқ кўламлари ва молиявий маблағларга ҳақиқий эҳтиёжни режалаштириш зарур. Касбий ўқитишга ҳақ тўлашни шартномаларнинг тегишли шакллари мавжуд бўлганда, ўқув юртларининг туман бандлик фондига қарзларини ўзаро ҳисоблаб ўтказиш йўли билан қоплаш доирасида амалга ошириш зарур.

Ёшларни қишлоқ хўжалиги тармоғига бириктириш учун қишлоқ ўқитувчилари учун улар томонидан агрономия ва механизация, иқтисодиёт ва молия масалаларини, тадбиркорлик иши ва агробизнесни олиб боришни ўрганиш ҳамда ишлаб чиқарувчи меҳнатда иштирок этишини кўзда тутувчи махсус таълим дастурларини амалга ошириш зарур (3.___ -расм). Бундай дастурларни яратишнинг муҳимлиги яна шунинг билан изоҳланадики, инновацияларга қобилиятли ёшлик даврининг чўққиси давомий бўлмайди. Шунинг учун кўрсатиб ўтилган демографик имкониятни ўтказиб юбормаслик муҳимдир.

Бундан ташқари, қишлоқ ёшларини касбий тайёрлаш дастурларига қишлоқ меҳнат бозорининг маркетинг тадқиқотларини ҳисобга олиш билан ҳар чорақда тузатишлар киритишни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз. Ўтказилган таҳлил ёшларни ҳозирги вақтда қуйидагича мутахассисларга зарурлигини тақиқлайди: дурадгорчилик ва мебел ишлаб чиқаришнинг устаси, пардозлаш, қурилиш ишлари устаси, санитар-техник тизимлари мантажчиси, механик- йиғиш ишлари симсори, кучайтириш тармоқлари ва ускуналари бўйича электр мантажчиси, мевасавзавотчилик устаси ва қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш бўйича уста, мактабгача болалар муассасасининг чет тили билимга эга тарбиячиси ва кичик тиббий ҳамшира, менежер техник ва маиший хизматлар соҳаси менежери, ёғочга, металга

расмлар чизиш, минатуралар чизишнинг рассом устаси, “В” ва “С” категорияли ҳайдовчи, техник моделёр ва тикувчи бичувчи.



3-расм. Қишлоқ ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг касбий йўналтириш ва бошланғич касбий ўқитиш бўйича тадбирлар мажмуаси

Ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларини қайта тикланиши ва ривожланиши қишлоқ ёшларини касбий йўналтирилишини ривожлантириш ва шунинг билан бир вақтда иш билан бандлигини оширишнинг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади.

Умуман қишлоқ ёшларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлиги даражаси ўртача, баъзида эса катта ёшлилардаги ходимларникидан паст бўлганлиги сабабли, уларни адолатли равишда меҳнат бозоридаги энг кучсиз ҳимояланганлар категориясига киритиш мумкин эмас. Қишлоқ ёшлари иш билан бандлигининг қўшимча кафолатларини таъминлаш усулларида бири

иш жойларини квоталаштириш механизмидан фойдаланиш ҳисобланади, у ташкилот ходимлари сонига фуқароларнинг у ёки бу категориялари учун белгиланган квоталарни белгилашни кўзда тутди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш қидиришда қийинчиликларни бошидан кечираётган қишлоқ ёшларини ишга қабул қилиш учун иш жойларини квоталаш уларни иш билан бандлигининг қўшимча қафолатларини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш қидиришда қийинчиликларни бошидан кечираётган шахсларни ишга қабул қилиш учун квота ўрнатиш ҳуқуқига эгалар. Квоталаш иш берувчилар билан мувафиқлашиш бўйича маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари ва иш берувчилар ўртасида тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари маҳаллий меҳнат бозорида вужудга келган вазиятларни ҳисобга олиш билан аҳоли иш билан бандлиги давлат хизматида тегишли ҳудудий идоралар таклифлари бўйича маҳаллий идоралар ижтироқида мулк шаклларида қатъий назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш қидиришда қийинчиликларни бошидан кечираётган қишлоқ ёшлари учун квоталар белгилайдилар. Фуқароларнинг кўрсатиб ўтилган категориялар учун иш жойларини ажратаётган ёки ташкил қилаётган иш берувчиларга қонунчиликка мувофиқ имтиёзлар ва компенсациялар берилди.

Квотани белгилашда фуқароларнинг ҳар бир категорияси ва улар киритилаётган ходимларнинг белгиланган ўртача рўйхатли сонига эга аниқ ташкилотлар учун унинг ўлчами белгиланади.

Иш жойларини биринчи навбатда квоталаш киритилаётган аҳоли гуруҳларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқароликка эга бўлмаган шахсларнинг қуйидаги категориялари киради: ногиронлар; таълим муассасалари, бошланғич ва ўрта касбий таълим муассасаларининг битирувчилари, етимлар ва ота-оналар ва уларни ўрнини босувчи шахслар қарамоғидан маҳрум

бўлганлар орасидан, ёшларни тарбиялаш меҳнат колонналаридан озод бўлган ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларини битирган балоғатга етмаган қишлоқ ёшлари; озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахслар; ногирон болаларни тарбиялаётган аёллар. Меҳнат бозорида вужудга келган вазиятга кўра аҳолининг бошқа гуруҳлари учун ҳам иш жойларини квоталаш мумкин.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш қидиришда қийинчиликларни бошидан кечираётган, аҳоли иш билан бандлиги давлат хизмати идораларида ҳисобда турувчилар ичидан ишсиз фуқаролар белгиланган квота ҳисобидан ташкил қилинган иш жойларига ишга жойлашиш учун йўлланма олишнинг афзалли ҳуқуқига эгалар.

Ташкилотлар билан иш жойларини квоталаш маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Квоталаштириш ҳақидаги шартнома бошқалар билан бир қаторда қуйидаги мажбурий маълумотларга эга: иш жойининг нафи; санитария-гигиена талаблари ва ишлаш шароитлари ва тартиблари бўйича тиббий ижтимоий экспертизанинг тавсиялари; молиялаштириш манбалари (ёки солиқ имтиёзлари ва тўловлари) ҳамда шартнома шартларини бажармаган томонларга нисбатан жазолар.

Квоталарни ўрнатиш шартлари ва тартиби унинг миқдори ва амалда бўлиш муддатлари, у белгиланаётган фуқароларнинг категориялари маҳаллий ўзини бошқариш идоралари томонидан аҳоли иш билан бандлиги давлат хизматининг тегишли ҳудудий идораси, меҳнат бўйича идора ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш қидиришда қийинчиликларни бошидан кечираётган фуқаролар гуруҳлари манфаатлари ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотларини жалб қилиш билан тасдиқланади.

Квотанинг ўлчами ва уни киритиш тартиби маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораси томонидан ҳар йили ҳудудий меҳнат бозорида вужудга келган вазият, иш берувчиларнинг имкониятлари, ҳудуднинг бир календар

йилидан кам бўлмаган муддатдаги молиявий имкониятларини ҳисобга олиш билан белгиланади.

Қишлоқ ёшларини белгиланган квота ҳисобига ишга жойлаштириш иш берувчи томонидан туман иш билан бандликка кўмаклашиш марказларининг йўлланмаси бўйича аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳудудий идоралари, таълимни бошқариш идоралари, қишлоқ ёшлари ишлари бўйича ташкилотлар, балоғатга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳамда ногиронларнинг жамоат ташкилотлари таклифларини ҳисобга олиш билан ёки мустақил равишда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш қидиришда қийинчиликларни бошидан кечираётган фуқаролар орасидан амалга оширилади. Квоталаш ҳақидаги шартномани амалда бўлиш муддати давомида квота ҳисобидан ишга жойлаштирилган ходимларни маъмурият ташаббуси бўйича ишдан бўшатиш, уларни ушбу иш жойига йўналтирган иш билан бандликка кўмаклашиш марказини албатта хабардор қилиш билан амалга оширилади. Квоталар доирасида ташкил қилинган иш жойларини тугатишни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари билан келишиш ва иш билан бандликка кўмаклашиш марказларини хабардор қилиш билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Иш берувчи белгиланган квотага мувофиқ иш жойларининг керакли миқдорини, зарур бўлган ҳолда уларнинг махсус ускуналарини кўзда тутган ҳолда ташкил қилади ёки ажратилади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идорасининг иш жойларини квоталаш ҳақидага қарорини олган пайтдан бошлаб бир ой муҳлатда у ташкил қилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади.

Ўзининг ишлаб чиқаришда ўсмирлар ёки фуқароларнинг бошқа категориялари меҳнатидан ушбу ташкилот учун белгиланган квота ҳисобидан иш жойларини ажратиш ёки ташкил қилишнинг иложи бўлмаган ҳолда иш берувчилар ушбу мақсад учун иш жойларини ижарага олиш ёки бошқа ташкилотларда квоталанган иш жойлари қийматини тўлаш учун маҳаллий бюджетга тегишли маблағларни ҳисоблаб ўтказишни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бир неча ташкилотлар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш

идораларининг таклифи ва ўзаро келишувларига мувофиқ ўз маблағлари ҳисобидан улардан бирида цех ёки участка ташкил қилишлари мумкин, бунда иш жойларидан иш жойларини квоталаш дастурини амалга ошириш учун фойдаланиш мумкин.

Ташкил қилинаётган иш жойлари қиймати миқдорига пул маблағларини ҳисоблаб ўтказиш иш берувчи томонидан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идорасининг тўлов талабномаси бўйича амалга оширилади, иш берувчи томонидан пул маблағларини ҳисоблаб ўтказишни ҳисоблаш одатда ҳар ойда амалга оширилади.

Бошқа ташкилотларда иш жойларини ташкил қилиш бўйича харажатлар қопланмаган ҳолда, иш берувчилар амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган меъёрларга кўра жавобгарликка эга.

Иш берувчилар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари ва туман бандликка марказларига квоталаштирилган иш жойларининг ҳаракати ҳақида ахборот беришлари керак. Бу ахборотни тақдим этишнинг тавсия этилган муддати уларни ажратиш, тугатиш ёки қайтадан ташкил қилиш ҳақидаги қарор қабул қилиш пайтидан ҳамда ходимларни квоталантирилган иш жойларидан бўшатирилган ҳолда уч кундан кўп бўлмаслиги керак. Белгиланган квота доирасида иш жойини ташкил қилиш ҳақида ахборот иш берувчилар томонидан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари ва туман бандликка марказларига ташкил қилинган пайтдан бошлаб ўн кундан кам бўлмаган ҳолда топширилиши мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш қидиришда қийинчиликларни бошидан кечираётган қишлоқ ёшларини ишга жойлаштириш иш жойлари иш берувчилар маблағлари, Ўзбекистон Республикаси аҳолини иш билан таъминлаш Давлат жамғармаси, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг худудий жамғармаси маблағлари ҳамда бошқа манбалар ҳисобига ташкил қилинади.

Иш жойларини квоталаш дастурлари доирасида фойдаланиладиган иш жойларини ажратаётган ёки ўз ҳисобидан уларни ташкил қилаётган иш

берувчилар учун маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўз ваколатлари доирасида имтиёзларни белгилайди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва қийинчиликларни бошидан кечираётган кишлоқ ёшларининг иш билан бандлигига ёрдам кўрсатиш бўйича тадбирларни молиялаштириш учун маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари қўйидагилар ҳисобидан мақсадли фондлар ташкил қилиниши мумкин: маҳаллий бюджет маблағлари; маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари томонидан ташкил қилинадиган бюджетдан ташқари фондлар маблағлари; иш берувчиларнинг белгиланган квоталар доирасида иш жойларини ташкил қилишга ажратмалар; ихтисослашган ҳудудий фондлар ва ижтимоий суғурта фондлари маблағлари; корхоналар, жамоат ташкилотлари ва хусусий ишларнинг ихтиёрий бадаллари; белгиланган квоталарни бажармаган иш берувчилар томонидан жарима жазолари бўйича тўланган маблағлар.

Мамлакатимизда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ёшлар иш билан бандлигини барқарорлаштириш учун иш жойларини квоталаш амалиётидан фойдаланишнинг бой тажрибаси тўпланган. Аммо вазирликда молиявий маблағларни чекланганлиги, аҳолининг кучсиз ҳимояланган категорияларини ишга жойлаштиришдаги қийинчиликлар иш билан бандликни бошқариш тизимини ижтимоий ҳимоялашнинг дастурий тадбирларидан аҳолининг ижтимоий заиф гуруҳларини манзилли қўллаб-қувватлашга тизимини қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

Иш жойларини квоталаш ҳуқуқий тизими Ўзбекистон Республикасининг балоғатга етмаган фуқароларнинг иш билан бандлигига кўшимча кафолатларни таъминлаш бўйича барча қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларини жамлаган ҳолда, бизнинг мамлакатимиз учун ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни меҳнат бозорига мослаштириш тизимини ривожлантириш учун молиявий ресурсларни олишга имкон берувчи тўғридан тўғри квоталашни квоталаш-жаримага тортишга алмаштирган ҳолда янги тизимни таклиф қилади. Квоталаш жаримага тортиш тизимидан

жаҳон амалиётида кенг фойдаланилади. Унинг моҳияти шундан иборатки, ўз корхонасида қандайдир сабабга кўра, белгиланган квоталар ҳисобидан кучсиз ҳисояланган категориядаги фуқароларни ишга жойлаштириши мумкин бўлмаган ёки хоҳламаган иш берувчи ҳар бир ишга жойлашмаган шахслар учун мажбурий тўловни тўлашга мажбур. Мажбурий тўловни киритишга жазо сифатида эмас, балки барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар учун тенг шароитларни ташкил қилувчи бадалларнинг муқобил шакли сифатида қараш керак. Бундан ташқари, бу тизим ишга жойлашишда қийинчиликларни бошидан кечираётган ёшларни меҳнат бозорига мослашиш учун зарур ресурсларни олиш, ҳар бир ишга жойлашмаган балоғатга етмаган фуқаро билан яқка тартибдаги ишни олиб боришга имкон беради.

Ўзбекистон қонунчилигида кўзда туилганидек, нафақат 30 ва ундан кўпроқ ходимлар сонига эга ташкилотларда, балки ходимлар сони 30 дан камни ташкил қилганларда ҳам квоталанган иш жойларини белгиланиши зарур. Кўпчилиги катта иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечираётган давлат корхоналаридан фарқли равишда кичик бизнес корхоналари бозор шароитларига мослашганлар, нисбатан барқарор ишлайдилар. Бундай корхонага квота ҳисобидан битта одамни ишга жойлаштириш ёки унинг учун иш жойининг энг кичик миқдорига тенг мажбурий тўловни киритиш корхона учун оғирлик қилмайди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ишга қабул қилиш учун квоталар бир йилдан кам бўлмаган муҳлатга белгиланади.

3.1-жадвал

Самарқанд вилояти бўйича 2003-2006 йилларда ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз фуқароларни квота иш ўринларига ишга жойлаштирилиши

№	Кўрсаткичлар	2003й	2004й	2005й	2006й	2003-2006 йилларда ўсиш, (%)
1	Квотага тушувчи корхоналар	849	604	567	534	62,9

2	Корхоналарда умумий ишловчилар сони (киши)	364400	309745	307075	306445	84,1
3	Белгиланган квота бўйича жами иш ўринлари	14139	11390	11976	12085	85,5
	Шу жумладан: Ногиронлар учун	10801	1213	933	952	88,1
4	Квота иш ўринларига ишга жойлашганлар	14075	11390	11976	12085	85,8
	Шу жумладан: а) мустақил равишда ишга жўйлашганлар	4395	5144	5985	6092	138,6
	б) меҳнат бўлимлари йўлланмаси билан ишга жойлашганлар	9680	6246	5991	5993	61,9

Манба: Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Самарқанд вилояти бўйича 2006 йилда квотага тушувчи корхоналар 534 тадан иборат бўлиб, бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 315 тага қисқарган. Ушбу корхоналарда умумий ишловчилар сони ҳам 2006 йилда 306445 тани ташкил этиб, 2003 йилга нисбатан мос равишда 57955 тага камайган.

Белгиланган квота бўйича жами иш ўринлари сони 2006 йилда 12085 тани ташкил қилиб, ногиронлар учун ажратилган квота иш ўринлари 952 тани, яъни жами квота иш ўринларининг 7,9% ини ташкил этди. 2003-2004 йилларда бу кўрсаткич мос равишда 7,6%, 10,6% ни ташкил этган.

Вилоят бўйича квота иш ўринларига мустақил равишда ишга жойлашганлар ҳиссаси 2003-2006 йилларда ўсиб бориш (138,6%) тенденциясига эга. Лекин, меҳнат бўлимлари йўлланмаси билан ишга жойлашганлар таҳлил этилаётган даврлар мобайнида 61,9% ни ташкил этган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат бўлимларидаги квота иш ўринларининг нуфузли эмаслиги, мустақил равишда ишга жойлашиш хиссасининг ортиб боришини ифодалайди (3.1-жадвал).

Иш берувчилар белгиланган квоталарга мувофиқ фуқароларнинг қонунда кўрсатилган категорияларини ишга жойлаштириш учун иш жойларини ташкил қилишлари ёки ажратишлари ёки ҳар бир ишга жойлаштирилмаганлар учун белгиланган квоталар доирасида мажбурий тўловларни киритишлари керак. Иш берувчилардан қонунчиликда белгиланган квоталарга риоя қилмаганлик учун тушган мажбурий тўловни иш билан бандлик жамғармасининг мақсадли ҳисоб рақамида белгиланган квота ҳисобига ва ундан кўпроқ махсус иш жойларини ташкил қилган иш берувчиларни молиялаштириш учун жамланиши мумкин. Жалб қилинган маблағлардан авваллари буни ҳаёлга келтира олмаган ўсмирларни меҳнат жараёнига жалб қилиш учун фойдаланилади. Иш жойларини квоталаш шартларини бажармаганлик учун молиявий маблағларни йиғиш бўйича мақсадли ҳисоб рақамидан маблағларни 18 ёшгача бўлган қишлоқ ёшлари учун иш жойларини ташкил қилиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш учун олиши ва бу фуқаролар учун иш жойларини модернизациялашга ишлатиши мумкин.

Натижада қишлоқ ёшлари учун иш жойларини квоталаш дастурини амалга ошириш механизми туман маҳаллий меҳнат бозори субъектлари, яъни ижроия ҳокимиятнинг маҳаллий идоралари билан тақдим этилган давлат иш берувчилар ва қишлоқ ёшлари категорияларига киришлари мумкин бўлган ёлланма ходимлар иқтисодий манфаатларини биргаликда боғлашга имкон беради. Қишлоқ ёшлари учун иш жойларини квоталаштириш дастурларини амалга оширишга маблағларни маҳаллий бюджет маблағлари, маҳаллий меҳнат бозори муаммоларини ечишга мақсадли белгиланган трансфертлар кўринишида йўналтирилган маблағлар ҳамда бюджетдан ташқариш манбалардан маблағлар ҳисобига молиялаштириш кўзда тутилган.

3.3. Қишлоқ ёшлари ишсизлигини камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш йўналишлари

Иқтисодиётнинг барча секторларидаги таркибий ўзгаришлар ҳозирги шароитда ҚМБда ишчи кучига талаб ва таклифининг янги ҳаракатини белгиловчи энг муҳим иқтисодий шартлардан ҳисобланади. Булар қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш тармоқларида янги иш жойларини яратишни ва қишлоқ ҳудудида ижтимоий-иқтисодий ривожланишида сифат ўзгаришларни вужудга келтиради. Бундай шароитларда бир томондан, ҚМБнинг янги сегментлари агросаноат мажмуаси ва ижтимоий-ишлаб чиқариш инфратузилмасининг кўп сонли меҳнат талаб қиладиган тармоқлари ва ишлаб чиқариш бўғинларини қамраб олса, бошқа томондан, иқтисодиётнинг анъанавий секторларида бозор муносабатларини вужудга келтиради ва ривожланади.

Қишлоқ меҳнат бозорида ёшларга бўлган талаб ва таклиф нисбатини яхшиланишига табиий-иқлим шароитлари муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Юқори унумдор қишлоқ хўжалиги ерларида ва етарлича сув билан таъминланган яшаш жойларида ишчи кучи кўпроқ жамланади ва ишчи жойлари нормал фаолият кўрсатади. Янги иш жойларини яратиш ва ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш йўли билан ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлашга маълум даражада имкониятлар вужудга **келтирилди**. Булар эса меҳнат ресурсларининг ортиқча даражасини, демак, қишлоқ ёшлари ишсизлик миқёсини ҳам кескин камайтиришга бевосита таъсир этади.


Бизнинг фикримизча, қишлоқ ёшлари иш кучига талабнинг ошишини асословчи омиллар қуйидагилардан иборат: ноқишлоқ хўжалиги тармоқларда янги иш жойларини яратиш, **меҳнат қўлланиладиган амалдаги минтақаларни техник қайта жиҳозлаш**, модернизациялаш, қайта таъмирлаш, хорижий сармояларни жалб қилиш, янги ерларни ўзлаштириш, қайта ишлаш саноати, хизматлар кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти кўламини кенгайтириш,

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда касаначиликни ривожлантириш ва бошқалар. Шу билан бир вақтда қишлоқ ёшлари ишчи кучига таклифни ва қишлоқ хўжалиги иш жойларига эҳтиёжни пасайтирувчи омиллар вужудга келади ва улар таъсир қила бошлайди: шахсий ёрдамчи хўжалик, якка меҳнат фаолияти, хусусий тадбиркорлик ва ўз-ўзини банд қилишнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш, иш билан банд қилишнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш, иш билан бандликнинг эгилувчан ва ностандарт шакллари кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг бозор усуллари тадбиқ этиш, инфляция ва ишсизликни пасайтириш, маҳаллий кадрларнинг мобиллигини(сафарбарлигини) ҳамда малакасини ошириш ва бошқалар.

Шу билан бирга ўтиш даврида ноқишлоқ хўжалиги меҳнат минтақаларининг етишмаслиги, иш ҳақининг паст даражаси ва истеъмол товарларининг қимматлашуви, хом-ашёлар етишмаслигининг кўпайгани, ёш кадрларнинг малакаси ва касбий ҳақатчанлиги даражасининг пастлиги ишчи кучига талабнинг ошишига асосий тўсиқ бўлмоқда. **Қишлоқ ходимлари меҳнатининг якуний натижалари кадрсизланиши** мулкнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш самарадорлигини оширишга тўсиқ бўлувчи асосий иқтисодий воситалардан биридир. Бу соҳада ижобий натижаларсиз бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракат қилувчи кучлари-тадбиркорлар, яъни ҚМБда ишчи кучининг харидорлари пайдо бўлиши мумкин эмас.

Иш берувчилар малакасининг пастлиги ва уларда тадбиркорликка тажриба кўникмалари етишмаслиги ҚМБининг шаклланиши йўлида жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда. Бу муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун қишлоқ тадбиркорлари бизнес, маркетинг, менежмент, банк иши, агротехника каби фанларни мукамал билишлари, аграсаноат меҳнатини ҳал қилувчилик ўрнини тушунишлари ва уни бошқа ҳар қандай меҳнатдан юқори баҳолай олишлари учун маълум вақт ва шароитлар керак.

Қишлоқдаги ёшлар меҳнат бозорини ривожланишини истиқболлаштириш унинг кескинлиги кучайишини кўрсатар экан, яқин вақтлар ичида қишлоқ ёшларининг иш билан бандлигини ошириш бўйича тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш зарур. Тегшли ташкилий-иқтисодий тадбирлар тизими 3.4-расмда берилган. Улардан асосийларини таърифлаймиз.



3.4-расм. Самарқанд вилоятидаги қишлоқ меҳнат бозорида ёшлар иш билан бандлигини ривожлантириш бўйича ташкилий-иқтисодий тадбирлар*

*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ишчи кучини тайёрлашни такомиллаштириш ва уни ишга самарали жойлаштириш масалаларини кўриб чиқа туриб, таъкидлаш керакки, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида қуйидаги мутахассисликларга ўқитиш зарур: менежер, маркетинг, қимматбаҳо қоғозлар билан ишлаш ва божхона юкларини декларациялаш бўйича мутахассис, суд-ҳуқуқий, бухгалтерия ва инвестиция лойиҳаларни стратегик режалаштириш, КТБЮ қуйидаги касблар ва мутахассисликларга ўқитишлари керак: саноат дизайни, нонвойхона, муқовалаш ва машинада ёзиш мосламанинг эгаси, суғурта ва реклама агенти, менежер, экспедитор.

Ишчи мутахассисликларга келсак. Ҳозирги вақтда қуйидаги интеграцияланган касбларни энг истиқболли деб тан олиш зарур: механик йиғиш ишлари ва транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича слесарь, ғишт терувчи-печ, курувчи-ойна қўйувчи, бўёқчи-сувоқчи, плитка қўйувчи-безовчи, бичувчи-тикувчи-моделер, ошпаз-қандолатчи-сотувчи, котиб-стенографист-кадрлар иши билимига эга реферант ва бошқалар. Касбий тайёргарликнинг худди шундай кенг турли туманлиги ишчи ёшларни қишлоқ меҳнат бозорида рақобат бардошроқ бўлишига имкон беради.

Тадқиқотлар кўрсатишича, ҳозирги вақтда Самарқанд вилояти ва унинг бир неча туманларида демографик жараёнларнинг мураккаблашуви, бунинг натижасида демографик босимнинг юқорилиги қишлоқ ёшларини иш билан бандлигини таъминлаш муаммосини кескинлаштирмоқда. Бу эса тегишли равишда туман бандликка кўмаклашиш марказлари қошида ёшлар меҳнат биржаси ва унинг филиалларини ташкил қилиш зарурияти юзага келмоқда (3.5-расм).

Бизнинг фикримизча, меҳнат биржаси иш билан таъминлаш Давлат жамғармаси ва Самарқанд вилояти ёшлар ишлари бўйича қўмитанинг маблағлари ҳисобига ташкил қилиниши керак. Қуйидагилар унинг асосий вазифалари бўлиши керак:

- ташкилотлар, корхоналарда ёшлар ва ўсмирларни ишга жойлаштириш, уларга касбий йўналтириш (касбий маслаҳатлар бериш,

касбий яроқликни тестдан ўтказиш ва бошқалар бўйича хизмат кўрсатиш) бўш иш ўринлари ахборотлар банкининг маълумотларини тақдим этиш;

- қишлоқ хўжалигида, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида вақтинча ва мавсумий ишга жойлаштириш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш; ўсмирлар ишлари (доривор ўсимликларни териш, болалар ва ўсмирлар ижоди марказлари билан ишлаш, аҳолининг хусусий буюртмалари бўйича қисқа муддатли ишларни бажариш)ни ташкил қилиш;

- Самарқанд вилояти бошқарув идоралари ва муассасалари билан ёшлар меҳнат биржасининг ўзаро алоқаси (лойҳа) ишларни бажариш ва бошқалар;

- КХК, ўрта махсус ўқув юртлари ва ОЎЮ талабалари учун амалиётни ташкил қилиш; бўш иш ўринлар ярмаркасини ўтказиш; қишлоқ ёшларини меҳнат ва ижтимоий-психологик мослашувининг ўқув-услубий ва иш марказларини ташкил қилишга раҳбарлик қилиш.

Бизнинг фикримизча, туман бандликка кўмаклашиш марказларининг ёшлар меҳнат биржаси билан ишчи ёшлар ва ўсмирларнинг вақтинча ва доимий бандлигини таъминлаш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатларни ҳамда тегишли харажатларни қисман молиялаштиришни кўзда тутувчи шартнома асосида тузилиши керак.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш мақсадларида вилоятнинг барча туманларида “Ёшлар амалиёти” деб аталувчи дастурдан кенг фойдаланиш зарур, унда корхона битирувчи билан муддатли шартнома тузади, уни ушлаб туриш бўйича харажатлар тўлиқлигича ёки қисман бандлик хизмати (меҳнат биржаси)нинг зиммасига юкланади. Кейин меҳнат фаолияти жараёнида ўзини ижодий томондан кўрсатган ёш мутахассис ёки ишчи доимий ишга ўтказилиши мумкин.

Ўқув юртлари битирувчиларини меҳнат бозорида яхшироқ мослашишлари учун вилоят ва туманлар даражасида бир йилда 2 мартадан кам бўлмаган ҳолда меҳнат биржаси мутахассисларининг раҳбарлиги остида

бандлик хизмати, ёшлар ишлари бўйича қўмиталар, ўқув юртлари вакиллари ва иш берувчиларни жалб қилиш билан ишчи ва ўқувчи иш ўринлари ярмаркасини ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ярмаркада қишлоқ ёшларига бўш иш ўринлари банки, психологик ва касбий маслаҳатлар бериш шаҳобчаларига кириш таъминланиши керак. Бунда ахборотлар банкида ўқув юртлари ўқувчилари ва битирувчиларини тестдан ўтказиш натижаларини бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ёшларни самаралироқ ишга жойлаштириш мақсадларида 30 ёшгача бўлган шахсларни ишга ёллаган иш берувчиларни иқтисодий рағбатлантириш зарур. Уларга нисбатан барқарор молиявий сиёсат ўтказилиши керак. Уларни ижтимоий суғурта фондига ушбу ёш ходимлар учун бадаллар тўлашдан озод қилиш керак. Шунинг билан бир вақтда ёшлар учун квота қилинган иш ўринлари бўйича режаларга амал қилинмаган вақтда иш берувчи ҳар бир ишга қабул қилинмаган ёш шахс учун иш ҳақининг 12 энг кичик тариф ставкасидан кам бўлмаган миқдорда компенцияон солиқ тўлашга мажбур. Бу маблағлар ёшлар учун иш ўринларини ташкил қилишга йўналтирилиши мумкин.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш қишлоқдаги ишсизликнинг салбий оқибатини юмшатишнинг муҳим йўлларида биридир, улар катта инвестициялар киритишни талаб қилмайди ва шунинг билан бир вақтда ёшларнинг вақтинча бандлигини таъминлашга имкон беради. Бунда қишлоқ хўжалиги, тарнспорт, ортиш-тушуриш, қурилиш ва аҳоли турар жойлари ҳудудини ободонлаштириш ва кўкламлаштириш ишларида малакали ишчи кучидан фойдаланиш шарт эмас. Ўқув юртларининг банд бўлмаган ўқувчилари аҳолини рўйхатга олиш ва социологик сўровларни ўтказишда иштирок этишлари, архивлар, ҳарбий қисмлар, тиббиёт муассасалари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва ижтимоий ҳимоялаш идораларига ёрдам кўрсатишлари мумкин.

Шунинг билан бир қаторда, ўйлаймизки, энг яқин вақтлар ичида вилоятнинг барча туманларида ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш

бригадаларини ташкил қилиш ҳақидаги масала ҳал қилиниши керак. Ҳозирги вақтда улар вилоят туманларида мавжуд эмас. Бу ҳаракатни ривожланиши ҳисобига (у эса, бизнинг нуқтаи назаримиздан, қишлоқдаги ёшларни касбий йўналтириш ишида белгилаб берувчи бўлади), ишлаб чиқаришга кўпроқ ўсмирлар жалб қилинишлари мумкин.

Бу тадбирларни амалга оширишни башорат қилинаётган давр ичида 30 ёшгача бўлган рўйхатга олинган ишсизлар сони қишлоқда 50%гача, ишсизликнинг расмий даражаси 2,2 %дан 1,2 %гача пасаяди.

Шу билан бирга таклиф қилинаётган тадбирларнинг самарадорлиги фақат кўрсатилган пул суммаси билан белгиланмайди. Унинг натижавийлиги кўпроқ даражада умуман вилоятнинг қишлоқ жойларидаги ёшлар иш билан бандлигини ошишида намоён бўлади, бу эса нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам ижобий ҳолат бўлади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, бекарор қонуний база, қўллаб-қувватлашнинг йўқлиги, узоқни кўра олмайдиган солиқ сиёсати, бундан кейинги фақат бир лаҳзали фискал мақсадлар муқаррар равишда тадбиркорни “Соёли” иқтисодга итариб юборади.

Инфратузилмани ривожланмаганлиги, тадбиркорлик тузилмаларининг тарқоқлиги, ўқув маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган умумий кириш мумкин бўлган ташкилотлар ҳақида камроқ хабардорлик маданиятлашган бизнесни вужудга келишига тўсқинлик қилади.

Ҳар қандай давлатнинг асоси демографик **генофонд**дир. Машхур тадқиқотчиларнинг тасдиқлашларига кўра, худди иқтидорли, савдой ва ноёб одамлар қудратли давлатни ва бир қатор буюк умуминсоний қадриятларни яратишлари мумкин ва бу маънода ёшлар тадбиркорлиги институтини яратиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, у кўпроқ даражада мамлакат ва минтақаларнинг келажагини белгилаб беради.

Тадбиркорлик секторини ривожланишига тегишли бўлган бир қатор методологик жиҳатларни кўриб чиқишни зарур деб ҳисоблаймиз. Тадбиркорликнинг кўп асрли тарихига қарамасдан, унинг энг муҳим қисмини

кичик тадбиркорлик ташкил қилади, бугунги кунга қадар бу иқтисодий ҳодисани аниқ тушунмасдан, ёшлар тадбиркорлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Таъкидлаш керакки, бизнинг республикамизда “тадбиркор” ва “тадбиркорлик” каби тушунчаларни тушуниш қийин, буни ўз вақтида машҳур олим П.Друкер ҳам таъкидлаган. Ёшлар тадбиркорлиги каби тушунча эса ҳозирги замон атамашунослигида умуман кенг қўлланилмайди. Аммо методологик нуқтаи назардан ёшлар тадбиркорлигининг моҳиятини тўғри тушуниш қуйидаги сабабларга кўра катта аҳамиятга эга:

1. Ёшлар тадбиркорлиги иқтисодий жараёнларни ривожланишидаги янги йўналиш сифатида ёшлар иш билан бандлиги муаммосини самарали ҳал қилишга имкон беради;

2. Ёшлар тадбиркорлигига давлатни қўллаб-қувватлаши ҳамда уни фаолият юритишини республика, минтақа ва муниципал даражада ҳисобга олиниши ва таҳлил қилиниши зарур.

3. Ёшлар тадбиркорлигини ривожланиши ва уни фаолият юритиши жараёни харажатлар билан боғлиқ ва маблағлардан мақсадли фойдаланишни давлат ва муниципал идоралар томонидан назорат қилинишини талаб қилади;

4. Ёшлар тадбиркорлигини иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясининг йўқлиги жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин;

5. Ёшлар тадбиркорлиги фаолиятнинг, айниқса, хатарли тус олади, агарда у инсофсиз рақобат, маъмурий тўсиқлар ва бошқа салбий ҳолатлар мавжуд бўлса.

Ёшлар тадбиркорлиги тушунчасини аниқлашдан олдин, олимларнинг ушбу категорияга нисбатан ҳар хил нуқтаи назарларини кўриб чиқиш зарур. Р.Контильон, тадбиркорни хўжалик юритувчи субъект сифатида тушуна туриб, биринчи марта “тадбиркорлик” тушунчасини қўллаган ва уни белгиланган мақсадларга эришиш учун хатарли шароитда ҳаракат қилувчи деб атаган. Унинг фикрига кўра, фойда олиш шарт бўлмаган.

А.Смит хусусий тадбиркорлик ижтимоий фойдали ва тадбиркорга шахсий фойда келтириши керак деб ҳисоблайди. А.Смит давлатни тадбиркорлик фаолиятига аралашшига қарши чиққан, чунки “ҳукуматлар ҳамма вақт ҳам ва истисносиз буюк исроф қилувчилардир”³¹. Ж.Б.Сей тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг учта классик омиллари – ер, сармоя ва меҳнатнинг бирлашмаси, камбинацияланиши деб белгилайди, бунда у тадбиркорларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги фаол ролини тан олган³².

Й.Шумпетер “тадбиркорлик” тушунчасини вазифани худди янги комбинацияларини амалга ошириш бўлган ва фаол элемент сифатида бўлувчи хўжалик субъектида кўради, унинг вазифаси иқтисодий ўсишни таъминловчи янгиликларни амалга оширишдан иборат бўлади³³. Ф.Хейек тадбиркорликнинг моҳиятини фаолият тури эмас, балки янги иқтисодий имкониятлар, ҳуқ таърифини қидириш ва ўрганиш сифатида кўриб чиқади³⁴.

Мамлакатимизда тадбиркорликнинг назарияси ва амалиётини ривожланишига меҳнат, бойлик ва фойданинг манбаи бўлади, у биринчи ўринга ишлаб чиқаришни ва мамлакат ҳунармандчилигини ривожланишини кўяди.

Кўпгина олимлар тадбиркорликни ўз аксини қонунчиликда топган ҳар қандай фаолият сифатида белгилайдилар. Бундай таърифнинг мақсади асосида ўзини ўзи ташкил қилиш этган, ўзини ўзи иш билан банд қилишга кўпгина одамларни ундашдан иборатдир. Бозор иқтисодиёти шароитида асосан тадбиркорлик фаолиятининг оддий турлари оммавий тарқалгандир. Кейинчалик эътибор субъектнинг шахс сифатидаги фойда олишни

³¹

³¹ А. Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Прогресс, 1989, с. 25-28.

³² Ж.Б. Сей. Трактат политической экономии. – М.: 1996, с.12-15.

³³

³³ Й. Шумпетер. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982, с. 114-115.

³⁴

³⁴ Ф. Хайек. Концепция как процедура открытий. // МЭ и МО, 1989. – №12, с. 14-18.

таъминлаш учун ишлаб чиқариш ресурслари ва омилларини комбинациялаш қобилиятига қаратилган. Аммо тадбиркорлик муаммосига бошқа нуктаи назарлар ҳам пайдо бўлган. Тадбиркорлик категориясини кўриб чиқишга янги илмий ёндашишлар орасида тадбиркорликни иқтисодий фаолликнинг алоҳида тури сифатида белгилашга имкон берувчи нуктаи назар устунлик қилади.³⁵

Кейинроқ даврдаги илмий тадқиқотларда кичик тадбиркорлик остида кичик бизнес томонидан амалга ошириладиган, қонун томонидан белгиланган аломатларга эга, бу тушунчанинг моҳиятини қурувчи фаолият тушунилади³⁶. Шундай нуктаи назарлар мавжуд бўлиш ҳуқуқига эгаки, уларда тадбиркорлик шахсларининг нисбатан кичик гуруҳи ёки битта мулк эгаси бошқарадиган корхона томонидан амалга ошириладиган фаолият сифатида таърифланади. Иқтисодиётнинг тадбиркорлик сектори мулкларидан фойдаланиш, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан фойда олишга қаратилган фаолият тури билан боғланади.³⁷ Аммо тадбиркорлик муаммосини кўриб чиқишга бундай ёндашиш нафақат унинг иқтисодий категория сифатида фаолиятини тўлиққ очиб бера олади, балки, асосийси энг муҳим элементлардан бири-инсоний капитал, ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятининг асосий сезиб бўлмайдиган ресурси тушириб қолдирилади. Шунинг муносабати билан тадбиркорлик секторининг энг муҳим элементи – ёшлар тадбиркорлиги муқаррар равишда

³⁵ 44

⁴⁴ Н.Г.Агурбаш. Малое предпринимательство в России и промышленно развитых странах. – М.: АНКЦИЛ, 2000; А.В.Бусыгин. Предпринимательство. – М.: ИНФРА-М, 1997; О.А.Блинов. Малое предпринимательство. Организационные и правовые основы деятельности. – М.: Ось, 1998; В.В.Глухов. Экономика малого предприятия. – М.: Специальная литература, 1997; В.М. Яковлев. Конструктивное предпринимательство. – М.: 1994 и другие.

³⁶

⁴⁵ М.Г. Лапуста, Ю.А. Старостин. Малое предпринимательство. – М.: ИНФРА-М, 2004, с.5-7.

³⁷ 46

⁴⁶ Дж.М.Лейхифф, Дж.М.Пенроуз. Бизнес-коммуникации: стратегии и навыки. / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2001; Г.Н. Марков. Справочник предпринимателя. – СПб.: Альфа, 2000; Е.В. Омельченко. Становление и проблемы развития производственного предпринимательства в России. // РЭЖ, 2002, №8 и другие.

тушуриб қолдирилади, у ўзининг чуқур моҳияти бўйича ҳудуд иқтисодиётининг тизимни ташкил қилувчи омилларидан биридир. Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ёшлар иш биланлиги муаммосини ва демак ижтимоий аҳамиятли кўпгина масалаларни ҳал қилишга имкон беради.

Ёшлар иш билан бандлигини тартибга солиш механизмининг кейинги элементи ёшлар тадбиркорлиги ва аниқ ҳудудда ёшлар корхоналарини ташкил қилиш амалиётини ривожлантириш билан боғлиқ.

Диссертация муаллифининг нуқтаи назарига кўра, қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини ташкил қилиш ва ривожлантириш бўйича барча тадбирлар бир неча блоклар кўринишида тақсимланиши мумкин ва ҳудудий бошқарув ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг барча идораларига ёйилишлари керак ҳамда ҳар хил ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги ташкилотлар ва корхоналарга таклиф қилинишлари керак. Биринчи блокни ҳокимият тузилмаларининг ёш фуқаролар ва ёшлар жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга бағишлаши зарур. Қишлоқ ёшлари Кенгашларини ташкил қилиш зарур, улар ҳокимият идораларига қишлоқ ёшларининг фикрларини билишга имкон беради ва бошқа томондан эса, уларни барча даражаларда ҳокимлик қарорларини қабул қилишда иштирок этишларига кўмаклашади.

Масалаларнинг иккинчи блокни иш билан бандлик, ишга жойлаштириш ва қишлоқ ёшлари тадбиркорлик ташаббусларига кўмаклашиш муаммоларига бағишлаш керак. Қишлоқ ёшлари кўшимча иш ҳақиға, шахсий фаолиятини юритишга кўмаклашиш заруриятини бошдан кечирадилар, шунинг учун уларнинг тадбиркорлиги ташаббуслари қўллаб-қувватланиши, ёш кишиларни аниқ иш билан машғул қилиш, уларга ўзларига энг қизиқарли бўлган нарсани таклиф қилиш керак.

Қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашнинг ҳудудий тузилмасини лойиҳалаштиришда қуйидаги жиҳатларни ўйлаб кўриш ва ҳисобга олиш зарур:

1. Тузилманинг мақсадини белгилаш: қишлоқ ёшларини ўзини ўзи иш билан банд қилишини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти орқали

ёшлар учун иш жойларини ташкил қилиш ва тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш; қишлоқ ёшларининг саноат ишлаб чиқариши хизматлари соҳасидаги иштироки.

2. Қулай ташқи шароитларнинг мавжудлигини белгилаш: туманлардаги кичик тадбиркорликнинг ҳолати ва ривожланиши; тегишли инфратузилманинг мавжудлиги; ҳудудий бирликлар маъмуриятининг кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги қулай сиёсати; маъмурият ва бошқа тузилмалар томонидан минтақавий тузилмани ташкил қилинишини қўллаб-қувватлаш.

3. Қишлоқ ёшлари тадбиркорлигига кўмаклашиш тузилмаси фаолиятини ташкил қилиш учун жамоанинг мавжудлигини белгилаш; ходимларнинг иш тажрибаси ва малакаси, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш соҳасида ишлаш истаги.

4. Иншоотлар ва техник ресурсларнинг мавжудлигини белгилаш: офис иншоотининг мавжудлиги, ишлаб чиқариш иншоотининг мавжудлиги ёки келажакда олиш имконияти, телекоммуникацияларга кириш.

5. Молиялаштириш имкониятлари; маъмурият, минтақавий давлат ва нодавлат тузилмалар, ишлаб турувчи корхоналар, сармоядорлар томонидан ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиши.

6. Қишлоқ ёшлари тадбиркорлигига кўмаклашиш тузилмасини фаолият ютириш механизмини шакллантириш: ички ташкилий тузилмани куриш; ёш тадбиркор ва унинг корхонаси билан кўмаклашиш тузилмасининг ўзаро ҳамкорлиги чизмасини ишлаб чиқиш.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ ёшлари тадбиркорлигига кўмаклашиш ҳудудий тузилмаларининг асосий хизматлари ва вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

– қишлоқ ёшлари тадбиркорлиги муаммоларини ҳал қилиш ва ёшларни ўзини ўзи иш билан банд қилишлари учун шароитлар яратишга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ташаббуслар ва ҳужжатларни шакллантириш ва ишлаб чиқиш;

- қишлоқ ёшлари тадбиркорлиги фаолиятини офисли, ташкилий, услубий ва маслаҳатли таъминлаш;
- қишлоқ ёшлари тадбиркорларини ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- инвестицион манбаларни қидириш ва кредит ресурсларини олишда кўмаклашиш;
- ёш тадбиркорларни ахборотли таъминлаш тизимини ривожлантириш.

Қишлоқ ёшлари тадбиркорлигини ташкил қилиш ва ривожлантириш бўйича тадбиркорларнинг учинчи блоки ўз ичига ёшларнинг соғлом турмуш тарзи, спорт ва дам олишни ривожлантирилишини таъминлаш бўйича олиши мумкин ва керак.

Унда чекланган молиявий имкониятларга эга бўлган ҳолда, қишлоқ ёшлари маданий ва спорт ҳаётида фаол иштирок этиш, туристик саёҳатлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш учун дотацион характердаги тадбирларни кўзда тутиш зарур.

Тўртинчи блокни ёшлар сиёсатини ахборотли қўллаб-қувватлаш, ёшлар телеканалли, босма нашрларда ёшлар саҳифаларини, ташқи рекламани яратишга йўналтириш керак. Масалаларнинг бешинчи блоки ташкилий ва молиявий таъминлашга тегишли бўлиши керак. Ҳаммади аввал бу ёшларни ўз ишларини қандай очишга ўргатишдир. Иккинчиси – ҳар хил назорат қилувчи идоралар, солиқ хизмати ва бошқалар билан мураккаб вазиятлар вужудга келганда маслаҳатлар беришдир.

Учинчидан – бу ёшлар корхоналари учун имтиёзли ижара ставкаси, имтиёзли кредитлардир.

Бундан қуйидаги хулоса келиб чиқадики, ушбу тадбирлар кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг ҳудудий мажмуавий дастури доирасида амалга оширилиши керак.